“Hozirgi kunda milliy iqtisodiyotga yuqori daromad keltiradigan istiqbolli tarmoqlardan biri – bu turizmdir. O'zbekiston turizm sohasida ulkan salohiyatga ega bo'lgan davlat hisoblanadi... Samarqand, Buxoro, Toshkent shaharlaridagi muqaddas qadamjolar va yodgorliklarni ziyorat qilishdan iborat bo'lgan “Kichik haj” dasturini rivojlantirish va jadallashtirish zarur”.

*O'zbekiston Respublikasi Prezidenti
Sh.M. Mirziyoyev*

Kirish. Qadimgi zamonlardan Turon, Turkiston, Movarounnahr degan nomlar bilan atalib kelgan Markaziy Osiyo mintaqasi madaniy, ma'naviy va ilmiy merosining salmoqli qismi tasavvuf bilan bog'liqdir. Zero, xalqimiz turmush tarzi, madaniyati va ijtimoiy-falsafiy qarashlariga katta ta'sir o'tkazgan tasavvuf ajdodlarimizning diniy e'tiqodidan tortib ijodiy faoliyatining barcha qirralarigacha bo'lgan sohalar, jumladan, ilm-fan, adabiyot va san'atda u yoki bu darajada o'z aksini topdi.

VIII-XI asrlarda islom olamining boshqa yirik markazlari qatori Markaziy Osiyoda ham so'fiylik harakati ildiz otib, tasavvufning nazariy va amaliy asoslari shakllandi, XII asrdan boshlab

esa bu o'lkada, keyinchalik, butun islom dunyosida dong taratgan yassaviyya, xojagon-naqshbandiya, kubraviya, ishqiya kabi so'fiylik tariqatlari vujudga keldi. Bular orasida islom olamida birinchilardan bo'lib vujudga kelgan eng qadimiy va ko'p mamlakatlarga tarqalgan eng nufuzli tariqatlardan biri sifatida mashhur bo'lgan xojagon-naqshbandiya tariqati o'zining tarkidunyochilikni qoralovchi, insonparvarlik, vatanparvarlik va mehnatsevarlikni targ'ib etuvchi ilg'or ta'limoti bilan ajralib turadi.

Islomda Haj ziyoratini umummilliylashtirishdan tashqari bir necha ixtiyoriy ziyoratlarni, hududiy chegaralardagi ba'zi shaxslar, madaniyatlar va dinlarga aloqador bo'lgan muqaddas qadamjolarini ziyorat qilish maqsadi tobora ortib bormoqda. Ularning aksariyati islom avliyolari va shahidlari bilan bog'liq joylarga qaratilgan bo'lsa, butun musulmon olamida avliyolarning qabrlari mahalliy, mintaqaviy yoki milliy ziyoratgohlar bo'lib hisoblangan.

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili. “Ziyorat” arabcha so'zdan olingan bo'lib “biror yerga yoki shaxs huzuriga, muqaddas joylarga, mozar va qabristonlarga borib, muayyan rasm-rusumlarni bajarib kelish” tushuniladi [1].


Ziyorat - bu odamlar odatdagi yashash joyini yashash uchun asosiy ehtiyoj bo'lmagan sabablarga ko'ra tark etadigan, ilohiyga muqaddas makon va vaqtni yo'qotgan sari yo'naltirilgan, diniy turistik sayohatga aylanadigan safar [2].

Tashqi safar o'z navbatida ichki safarni amalga oshirishga ko'maklashadi. Ichki sayohat jarayonida inson yomon xulqdan xushfelliikka qarab harakatlansa, inson nopoklik holatidan poklik darajasiga ko'tariladi, qalb tozalanib, ruhiy xotirjamlikka erishiladi (1-chizmaga qarang).

Ziyoratchi - bu odatiy muhitdan tashqarida ma'lum bir joyga ziyorat qilish, hech qanday diniy yoki diniy bo'lmagan majburlashlarsiz, ammo ilohiy maqsadda tashrif buyuradigan kishi [4].

Ziyorat amalga oshiriladigan joy *ziyosatgoh* deb atalib, chet el olimlari uning ijtimoiy vazifasi nuqtai-nazridan unga turlicha ta'rif berganlar.

Tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, muqaddas diniy shaharlar quyidagilar bilan tavsiflanadi: 1) Islom shaharlarining hammasi ham muqaddas diniy shaharlar emas. Ulardan bazilari muqaddas, bazilari esa muqaddas emas; 2) Rasululloh sollallohu alayhi vassallam yoki imomlardan birining qabrlari majud bo'lgan barcha shaharlar muqaddas diniy shaharlardir; 3) Barcha ilk islomiy shaharlarining kelib chiqishi diniy omillarga borib taqaladi; 4) Muqaddas ziyoratgoh diniy xususiyatga ega bo'lgan barcha muqaddas shaharlarning paydo bo'lishiga sabab bo'lmagan. Aniqrog'i, ziyoratgohdan ham qadimiy shaharlar bor, lekin muqaddas ziyoratgoh unga diniy xususiyat bergan.



1-chizma. Ziyoratning uzviy tuzilishi bo'yicha tasniflanishi

Manba: Navro'z-zoda Z.B. “Turistik hududlar negizida ziyorat klasterlarini shakllantirishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlari” mavzusidagi dissertatsiya aftoreferati asosida muallif ishlanmasi

“Ziyoratgoh” atamasiga olimlar tomonidan berilgan ta’riflar

Muallif	Ta’rifi
Arinze (1970)	Ruhlar maskani
Iroegbu (2009)	Ma’lum bir ma’bud, ajdod, qahramon, shahid, avliyo yoki shunga o’xshash shaxslarga bag’ishlangan muqaddas yoki tabarruk joy
Ojiekwe (2014)	Qo’rqvni yo’qotish va muammolarni hal qilish, javobsiz savollarga javob berish uchun hurmatli insoniy kuchlar bilan maslahatlashish joyi
Nwankwo, E. A., & Agboeze, M. U. (2016).	Ko’rinmas g’ayritabiiy mavjudotlarga ehtirom ko’rsatiladigan sajdagoh.

Manba: Tadqiqotlar asosida muallif ishlanmasi

Buxoro muzofotida insoniyat tarixining turli davrlarida yashagan aholi bosib o’tgan ulkan tarixiy yo’lning har bir bosqichi insoniyat tamadduning u yoki bu jabhasida o’zining nurli izlarini qoldirdi. IX asrdayoq “Qubbat ul-Islom”, keyinchalik “Buxoroi Sharif”, “Buxoroi-balogardon” unvoniga sazovor bo’lgan Buxoro o’rta asrlarda davlatchilikning yuksak namunalar, ilm-fan, madaniyat va hunarmandchilikning noyob durdonalarini yaratgan insonlar yurti sifatida ham dunyoni lol qoldirdi.

Buxoroning arabcha nomi - Foxira - Muhammad paygambarning duosini olgan muqaddas shaharlaridandir, unga farishta Jabroilning o’zi, tongda quyosh chiqadigan tomonda joylashgan, uzoq Xurosonning shahri haqida aytib bergan. Muhammad G’iyosiddin “G’iyosul lug’ot” kitobida shunday yozadi: “Buxoro Turon shaharlaridan birining nomi bo’lib, “ilm” ma’nosini bildiradi [7]. Shubhasiz, aynan shu sababli o’rta asrlardagi Buxoro Islomning markazlaridan biriga aylandi.

Abu Hafz Kabirning sharofatlaridan Buxoro “Qubbat ul-Islom” (Islom dinning gumbazi) unvoniga sazovor bo’lgan. Demak, ilmu irfon bu shaharni sharafligi, aziz etgan ekan. Rivoyatlarga ko’ra, Buxoro va uning atrofida yetti ming avliyo, alloma, zohid, rohib, oshiq, imom, muhaddis va shayxlar dafn etilgan. Buxoroda uchta payg’ambarning qabri bor, ular orasida Ayyub alayhissalom, Dovud alayhissalom va Xizr alayhissalom qadamjolari ham bor [8].

VIII asrdan boshlab Abu Hafs Kabir Buxoriy, Abduxoliq G’ijduvoni, Shayx Sayfiddin Boharziy, Bahouddin Naqshbandiy, Xoja Porso, Xoja Ismatulloh Buxoriy, Abu Bakri Isxoq Kalobodiy, Said Abulhasoni Poband va boshqa allomalar islom dini rivojiga beqiyos hissa qo’shdilar. Abu Hafs Kabirning shuhrati Buxoro va butun islom olamiga tarqaldi. Agar arab dunyosi ulamolari savolga javob topishda qiynalib qolishsa, o’sha muammoga yechim topish uchun Abu Hafs Kabir huzuriga bir kishini Buxoroga jo’natar edilar. Narshaxiy aytadiki, ziyoratchilar karvoni kelayotganda, karvondan bir kishi Abu Hafsning oldiga kelib, undan savol so’radi. Abu Hafs hayron bo’lib: - “Siz Iroqdansiz. Nega Iroq olimlaridan so’ramadingiz?”. – “Qoniqarli javob bera olmadilar, Buxoroga borib Abu Hafs yoki uning o’g’lidan so’rashimni, aniq javobni aytishlarini aytishdi”, - deb javob bergan ekan.

Hozirgi kunda ziyoratchilar bu joylarga turli sabablarga ko’ra tashrif buyurishadi: shifo topish, farzandli bo’lish umidida, kechirimlilik, tasalli topish, biznes yoki maktabda muvaffaqiyat qozonish, nizolarni hal qilish, nazrni bajarish, so’fiylarning ibodatlar va zikrlarida qatnashish, payg’ambarlarning tavalludini nishonlash. Ziyoratgohlarni ziyorat qilishda amalga oshiriladigan asosiy marosim tadbirlariga qabrni gullar, chiroqlar, rasmlar, xattotlik va mato qoplamalar bilan bezash, qabrni tavof qilish, qabrga tegish va o’pish, nazr qilish, rasmiy namoz va ixtiyoriy iltijolar, Qur’on tilovati, tantanali marosimlar, qurbonlik qilish, rizq tarqatish, sadaqa berish, musiqiy chiqishlar, zikrlar va sunnat kiradi.

Tadqiqot metodologiyasi. Ziyoratgohlarda xizmat ko’rsatishning tashkiliy mexanizmlari tahlilida tarixiylik, analiz, sintez, tizimli tahlil kabi usullardan foydalanilgan.

Tahlil va natijalar. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 19 maydagi “2017-2019 yillarda Buxoro shahri va Buxoro viloyati turizm salohiyatini tezkor rivojlantirish dasturi”ga bag’ishlangan qarorida Buxoro viloyatining turistik potensialini hisobga olgan holda turli chora-tadbirlar ishlab chiqilgan. Jumladan, yangi mehmonxonalar va *turizm infratuzilmalarini qurish*, umumiy ovqatlantirish tizimini takomillashtirish va turistlarning kechki bo’sh vaqtini mazmunli o’tkazish uchun sharoitlar yaratish, ...*madaniy meros obyektlarini qayta ta’mir*lash, *yangi turistik yo’nalishlarni tashkil etish va turizmning yangi turlarini rivojlantirish (gastronomik, ekologik,*

ekstremal, tibbiy va ilmiy turizm) kabi strategik yo'nalishlarda takliflar keltirilgan hamda qator loyihalar tasdiqlangan.

Mazkur qayd etilgan infratuzilmalarni rivojlantirish asnosida Buxoro viloyati hududida mavsumiylik muammosini sezilarli darajada kamayishiga erishish mumkin. Biroq, erkin turistik zona talablariga javob berish va shu asosda hududni rivojlantirish maqsadida yanada yangi turistik masulotlar taklifi, innovatsion g'oya va ishlanmalari talab etiladi.

XX asr boshlarida Buxoro hududida 232 ta masjid va xonaqoh mavjud edi. Bugungi kunda Buxoroda masjid va xonaqohlar - 65 ta (namozgox, jome' masjidi – 5 ta, xonaqoh - 20 ta, bozordagi masjidlar 7 ta, mahalla masjidleri 34 ta). Bundan tashqari, 29 ta madrasa binosida ham masjidlar mavjud. Madrasalar binosi 34 ta, shulardan ikkitasi XV asrda, beshtasi XVI asrda, XVII asrda, oltitasi XVIII asrda, 11 tasi XIX asrda, 7 tasi XX asr boshlarida barpo etilgan. Me'moriy obidalar xronologik ko'lami IX-X asrlar hamda XX asr boshlarini qamraydi.

Umuman olganda, Buxoro viloyatida 997 ta me'moriy va arxeologik yodgorlik mavjud bo'lib, ularning 660 tasi madaniy meros obyektini sanaladi. Shunday bo'lsada, tabarruk qadamjolar to'g'risidagi ma'lumot xalq orasida keng tarqalmagan. Shuning uchun, Buxoro shahri ichida “*Yetti Avliyo*” loyihasini ilgari surish mavjud masalani yechishga turtki bo'ladi. Bu yangi yo'nalish Buxoro Sharifida karomatga ega bo'lgan, nafaqat o'z davrining balki hozirgi zamonning ham tabarruk avliyolarini ziyoratidan tarkib topib, “*Buxoro Sharifning 7 Avliyosi*” deb nomlanadi. Ziyorat turizmining bu yo'nalishini amalga oshirishda hududda mavjud barcha ziyoratgohlarni o'rganib, yo'lga qo'yiladigan turistik marshrutning uzoq muddatli strategiyasini belgilash, O'zbekiston Respublikasi turizmni rivojlantirish Davlat qo'mitasi bilan hamkorlikda ushbu ob'ektlarda turistik infratuzilmani shakllantirib, yangi turistik yo'nalishni yo'lga qo'yish, turmahsulotni turistik bozorga olib chiqish, marketing tadqiqotlari o'tkazish orqali asosan ichki sayyohlarni jalb etish natijasida birinchidan, respublikamiz aholisi orasida tariximizni targ'ib qilish, ikkinchidan, turistik oqimni ko'paytirish orqali Buxoro viloyatidagi qisqa turistik mavsumni uzaytirishga erishish maqsad qilingan. Ziyoratgohlarga ham mahalliy aholi yagona tur yo'nalish sifatida emas, balki tashrif maqsadlaridan kelib chiqqan holda ziyorat qiladilar. Mazkur turmarshrutni yo'lga qo'yish natijasida ishning debochasi sifatida ta'kidlangan 7 ta avliyoni ziyorat qilishdan boshlab, keyinchalik uning ko'lamin kengaytirish, ya'ni ushbu marshrutning ijtimoiy-iqtisodiy samarasi aniqlanganidan so'ng boshqa yana yettita avliyolar bo'ylab turmarshrutni shakllantirish orqali ushbu “7 Avliyo” loyihasining uzluksiz faoliyatini ta'minlash strategik reja qilib belgilab olingan.

Xulosa qilib aytganda, Buxoroning tabarruk qadamjolari bo'ylab ziyorat turizmini rivojlantirish: **birinchidan**, milliy tariximiz ildizlari qayta tiklanishi, aholi orasida targ'ibot-tashviqot ishlari olib borilishi, ajdodlar merosi butunjahon ilm ahli orasida tadqiq qilinishi, ularning madaniy merosi umummillatlar orasida keng targ'ib qilinishi; **ikkinchidan**, ziyorat obyektlariga borish uchun infratuzilma yaxshilanishi, ziyoratgohlarda xalqaro andozalarga mos ravishda xizmat ko'rsatishni tashkil etilishi; **uchinchidan**, mavjud resurslardan foydalangan holda yangi turistik yo'nalish yaratilishi, natijada diniy turizm asnosida ichki va xorijiy sayyohlar qatnovi yo'lga qo'yilishi; **to'rtinchidan**, mahalliy sayyohlar soni oshishi hisobiga hududdagi turistik mavsumni uzayishiga, turmarshrutni tijoratlashtirishdan tushgan daromad evaziga yo'nalish ko'lami kengayishiga erishiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Islom ensiklopediyasi. Zuhridin Husniddinov tahriri ostida O'zbekiston milliy ensiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyoti, 2004.
2. Fernandes, C., Pimenta, E., Gonçaves, F., & Rachão, S. (2012). A new research approach for religious tourism: the case study of the Portuguese route to Santiago. *International Journal of Tourism Policy*, 4(2), 83-94.
3. Navro'z-zoda Z.B. “Turistik hududlar negizida ziyorat klasterlarini shakllantirishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlari” mavzusidagi dissertatsiya aftoreferati. Urganch 2021.
4. Hernández-Ávila, I. (1996). *Tourism, Religion and Spiritual Journeys*. London, New York: Rutledge
5. Ezenweke, E., & Nwachukwu, C. (2017). The Instrumentality of African Shrines and Sacred Places to Sustainable Development in Africa: A Phenomenological Approach. *IGWEBUIKE: An African Journal of Arts and Humanities*, 3(5), 45-56.
6. Nwankwo, E. A., & Agboeze, M. U. (2016). Safety issues at selected shrines/sacred groves in Eastern Nigeria. *International Journal of Asian Social Science*, 6(1), 80-92.

7. Muhammad G'iyosiddin "G'iyosul lug'ot", jildi I, Dushanbe, "Adib", 1987. 119 b.
8. Sadridin Salim Buxoriy. Buxoroning tabarruk ziyoratgohlari. 9-bet.

UO'K 339.96

MINTAQA IQTISODIY TIZIMINI RIVOJLANTIRISHDA XORIJIY INVESTITSIYALARNING O'RNI

A.Palvaniyazov, o'qituvchi, Urganch davlat universiteti, Urganch

Annotatsiya. Ushbu maqolada mintaqa iqtisodiy tizimini rivojlantirishda xorijiy investitsiyalarning o'rni tahlil qilingan. Mintaqa iqtisodiy tizimini rivojlantirishda xorijiy investitsiyalarga ta'sir qiluvchi omillar, investitsiyalar tasnifi bo'yicha xorijiy olimlar fikrlari o'rganilgan.

Kalit so'zlar: Mintaqaviy iqtisodiy tizimi, investitsiya, chet el investitsiyalari, yashil investitsiyalar.

Аннотация. В данной статье проанализирована роль иностранных инвестиций в развитии региональной экономической системы. Изучены мнения зарубежных ученых о факторах, влияющих на иностранные инвестиции в развитии экономической системы региона и классификации инвестиций.

Ключевые слова: Региональная экономическая система, инвестиции, иностранные инвестиции, зеленые инвестиции.

Abstract. In this article was analyzed the role of foreign investments in the development of the regional economic system. The opinions of foreign scientists about factors affecting foreign investments in the development of the economic system of the region and classification of investments were studied there.

Keywords: Regional economic system, investment, foreign investment, green investment.

Iqtisodiy o'sishning eng muhim omillaridan biri bu investitsiyalar, xususan, to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalardir. Raqobat kuchayib borayotgan kapital bozorlari sharoitida to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilish butun dunyo bo'ylab davlat siyosatida markaziy o'rinni egalladi. Investitsiyalarni rag'batlantirish agentliklarini tashkil etish to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilish bo'yicha yetakchi siyosat tashabbuslaridan biri sifatida asta-sekin tarqalmoqda. Hududlarning investitsion jozibadorligini oshirishda qiyinchiliklarni bartaraf etishning eng maqbul yo'li ichki o'sish salohiyatini izlashdir. Shundan kelib chiqib, hududlarning investitsiyalarni jalb etilishini shakllantiruvchi omillarning aniq tizimini belgilash va ularni optimallashtirish dolzarb ahamiyat kasb etadi. Har bir mamlakatning hududiy siyosatini amalga oshirishda mintaqaning iqtisodiy tizimi muhim asos bo'lib hisoblanadi. Mintaqa iqtisodiy tizimi faoliyatiga ko'plab omillar ta'sir qilib, ularga iqtisodiy, siyosiy, ijtimoiy, geografik va boshqalar kiritiladi. Ulardan eng muhimi mintaqaning aksariyat quyi tizimlari rivojlanishida ishtirok qiluvchi takror ishlab chiqarish xususiyatini aks ettiruvchi kompaniyalarning kapitallashuv jarayonlari dinamikasi hisoblanadi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-2026 yillarga mo'ljallangan "Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi" to'g'risidagi PF-60 sonli farmoni doirasida mamlakatimiz taraqqiyotini belgilovchi 100 ta maqsad ishlab chiqildi. Ushbu strategiyaning 26-maqsadida "Mamlakatda investitsiya muhitini yanada yaxshilash va uning jozibadorligini oshirish, kelgusi besh yilda 120 milliard AQSh dollari, jumladan 70 milliard dollar xorijiy investitsiyalarni jalb etish choralarini ko'rish"[2] vazifasi qo'yilgan. Hududlarda tub o'zgarishlarni chuqurlashtirish, ularning iqtisodiy salohiyatini yuksaltirish, investitsiya jozibadorligini oshirish, investitsiya jarayonlarini rivojlantirish, mavjud va potensial investitsiya resurslarini to'plash, taqsimlash va boshqarish bilan bog'liq muammolarni hal etishda mintaqaviy iqtisodiy tizimning barqarorligi va jahon iqtisodiy tizimi talablariga mosligi dolzarb masala hisoblanadi. "Xorijiy investitsiyalar qabul qiluvchilarning iqtisodiyotni tarkibiy qayta tashkil etish imkonini berib, xorijiy investitsiyalar ko'rinishida katta iqtisodiy foyda oladi, bandlikning o'sishi, ish haqini oshirish va mehnat unumdorligini oshiriradi. Shuningdek, strategik pozitsiyalardan foydalanish, xorijiy investitsiyalar milliy iqtisodiyotning jahon iqtisodiyotiga integratsiyalashuvining eng samarali usullaridan

biridir”[3]. Bugungi kunda yuqori sifatli to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar uchun samarali raqobatlashish uchun yordamchi korxonalarni rivojlantirish va aloqalarni osonlashtirishga qaratilgan to‘g‘ridan-to‘g‘ri investitsiya siyosatiga muvofiqlashtirilgan yondashuvlarni ishlab chiqish zarur[4]. Iqtisodiy tizim barcha turdagi korxonalar, tashkilotlar va uy xo‘jaliklarini o‘zida birlashtiradi, lekin yuqori tartibli iqtisodiy tizimning elementi bo‘lib, mintaqaviy iqtisodiy tizimlari hisoblanadi. Mintaqaning iqtisodiy tizim sifatidagi xususiyati uning ma‘lum bir hududga bog‘lanishidir. Boshqacha qilib aytganda, mintaqaviy iqtisodiy tizimlar - bu murakkab hududiy tizimlarning turlaridan biri bo‘lgan muayyan makon o‘lchovlarga ega bo‘lgan tizimlardir. Iqtisodiy adabiyotlarda mintaqaviy iqtisodiy tizimning ko‘plab ta‘riflari mavjud. “Mintaqa” tushunchasining turlicha talqin qilinishiga qaramay, ularning barchasi mamlakatning iqtisodiy va hududiy bo‘linishi bilan belgilanadigan umumiy asosga ega.

Mintaqaviy iqtisodiy tizim - bu milliy iqtisodiy tizimning quyi tizimidir. Milliy iqtisodiy tizim o‘z hududida joylashgan iqtisodiy tizimlardan tashkil topadi, shu bilan birga ko‘plab boshqa milliy iqtisodiy tizimlarni o‘z ichiga olgan jahon iqtisodiy tizimining bir qismi hisoblanadi[5]. Mintaqa iqtisodiy tizimining rivojlanish nazariyalari makro va mikroiqtisodiyot, institutsional iqtisodiyot, zamonaviy iqtisodiy fanlar hamda boshqa sohalari yutuqlariga asoslanadi. Mintaqa va milliy iqtisodiyotning o‘xshashligi mintaqa uchun makroiqtisodiy nazariyalarni qo‘llash imkoniyatlarini belgilaydi (neoklassik, neokeyns va boshqalar), ayniqsa ishlab chiqarish omillari, ishlab chiqarish, bandlik, daromadga e‘tibor qaratganlar. Mintaqaviy makroiqtisodiyot nazariyalari “mintaqa kvazi-davlat sifatida” paradigmasiga ko‘proq mos keladi. Bunday dastur bir hil mintaqalar uchun ko‘proq mos keladi. Mintaqani nuqta yoki bir hil makon sifatida ko‘rsatish yetarli bo‘lmaganda va ichki farqlarni hisobga olish zarur bo‘lganda mikroiqtisodiy nazariyalarni jalb qilish maqsadga muvofiqdir. Mikroiqtisodiy tahlil nazariyasi va metodologiyasi “mintaqa kvazi-korporatsiya sifatida” va “mintaqa bozor sifatida” paradigmalari yaqin hisoblanadi. Ushbu jarayonlarni amalga oshirishda “Investitsiya” tushunchasi muhim rol uynaydi. Chunki, ularsiz hech qanday iqtisodiy yoki ijtimoiy muammolarni hal qilish imkoyati yo‘q. Shu bilan birga, investitsiyalar doimo kelajak uchun ishlaydi va qoida tariqasida, ular inson faoliyatining har qanday sohasida rejalashtirilgan ijobiy natijaga erishishga qaratilgan.


"Investitsiya" tushunchasi, boshqa har qanday iqtisodiy kategoriya singari, o‘zining tarixiy rivojlanishiga ega. Bu esa turli iqtisodiy maktablarining "investitsiya" tushunchasini yoritishda o‘zlarning asosiy g‘oyalariga asoslangan holda talqin qilishi bilan ifodalangan. "Investitsiya" kategoriya sifatida birinchi marta merkantilistlar asarlarida ko‘rsatilib o‘tilgan. Merkantilizm ta‘limotiga asos bo‘lgan asosiy tushunchalar "boylik" va "investitsiya" hisoblanadi. Merkantilistlar tomonidan ilgari surilgan muhim iqtisodiy g‘oyalardan biri bu ichki bozorda xorijiy investitsiyalar paydo bo‘lishiga yo‘l quymaslik edi. Qarama-qarshi fikrni klassik siyosiy iqtisod maktabi tarafdorlari bildirishgan. Ular merkantilistik tamoyillarni keskin tanqid qildilar, milliy iqtisodiyot doirasida ham, boshqa davlat bilan ham erkin raqobat va erkin savdo tamoyiliga amal qilish g‘oyasini ilgari surishdilar. XIX asrning ikkinchi yarmida J.Keyns "investitsiya" atamasining shakllanishiga sezilarli hissa qo‘shdi. Keynsning fikriga ko‘ra, investitsiyalar ma‘lum bir davrdagi daromadning iste‘mol uchun ishlatilmagan qismi, ushbu davrdagi ishlab chiqarish faoliyati natijasida kapital mulk qiymatining joriy o‘shidir[6].

O‘zbekiston Respublikasining 2019 yil 25 dekabrda O‘RQ-598-sonli “Investitsiyalar va investitsiya faoliyati to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq investitsiyalar — investor tomonidan foyda olish maqsadida ijtimoiy soha, tadbirkorlik, ilmiy va boshqa faoliyat turlari ob‘ektlariga tavakkalchiliklar asosida kiritiladigan moddiy va nomoddiy boyliklar hamda ularga bo‘lgan huquqlar, shu jumladan intellektual mulk ob‘ektlariga bo‘lgan huquqlar, shuningdek reinvestitsiyalar bo‘lib, ular quyidagilarni o‘z ichiga olishi mumkin:

mablag‘larni, shu jumladan pul mablag‘larini (shu jumladan chet el valyutasini), maqsadli bank omonatlarini, paylarni, ulushlarni, aksiyalarni, obligatsiyalarni, veksellar va boshqa qimmatli qog‘ozlarni;

ko‘char va ko‘chmas mol-mulkni (binolar, inshootlar, uskunalar, mashinalar va boshqa moddiy qimmatliklarni)[1] deb ko‘rsatilgan.

Har qanday mamlakat iqtisodiyoti uchun investitsiyalarning roli juda muhimdir, ammo milliy iqtisodiyotning raqobatbardoshligini oshirishning zaruriy sharti xorijiy investitsiyalarni jalb qilishdir. Chet el investitsiyalari yangi texnologiyalar va zamonaviy boshqaruv usullarini olib keladi, shuningdek, mamlakat iqtisodiyotini barqarorlashtirishda katta rol o'ynashi mumkin bo'lgan ichki investitsiyalarning rivojlanishiga hissa qo'shadi. Chet el investitsiyalari - chet ellik investor tomonidan ijtimoiy soha, tadbirkorlik, ilmiy va boshqa faoliyat turlari ob'ektlariga kiritiladigan moddiy va nomoddiy boyliklar hamda ularga bo'lgan huquqlar, shu jumladan intellektual mulk ob'ektlariga bo'lgan huquqlar, shuningdek reinvestitsiyalar[1]. Bugungi kunda ko'plab xorijiy olimlar bu masalani e'tibor qaratib, mintaqaga xorijiy investitsiyalar oqimiga ta'sir qiluvchi bir qator omillarni keltirib o'tganlar.



1.1-rasm. Investitsiyalarning turkumlanilishi [муаллиф ишланмаси]

Ular o'z tadqiqotlarida, hududlardagi infrastruktura darajasi, bozordagi talab darajasi, olimlar soni va aholining ma'lumotlilik darajasi, innovatsiyalar, ilmiy-tadqiqot ishlarining intensivligi, ta'lim tizimi, ta'lim muassasalari va firmalar o'rtasidagi hamkorlik kabi omillarni muhim deb ko'rsatganlar[7].

Shu bilan birga, investitsiyalarni tahlil qilish, rejalashtirish hamda tizimlashtirish uchun ularni tasniflash zarurati vujudga keladi. Bu jarayon investitsiyaning xususiyati e'tiborga olgan holda amalga oshiriladi (1.1-rasm). Bu yerda, hozirgi kunda bir qator olimlar tomonidan ilgari surilayotgan zamonaviy investitsiya tasnifidan biri bu yashil investitsiyalar ko'rsatilgan. Ushbu investitsiya tasnifining yagona ta'rifi mavjud emas. Investitsiyalarning ekologiya ta'siri nuqtayi nazaridan, yashil investitsiya tushunchasiga quyidagicha ta'rif berilgan: "iqtisodiy faoliyatni kam uglerodli alternatalarga yo'naltirishga imkon beradigan investitsiyalar"[8].

Har bir mamlakat o'z iqtisodiyotining barqaror rivojlantirish yo'nalishlarini izlab topishga intiladi. Bunda ushbu maqsadga ta'sir qiluvchi omillar va ularning samaradorligini tahlil qilish muhim ahamiyat kasb etadi. Bu jarayon ayniqsa rivojlanayotgan mamlakatlarda dolzarb hisoblanadi. Chunki rivojlanayotgan mamlakatlar iqtisodiyotini barqaror rivojlantirishda xorijiy investitsiyalarni jalb etish talab etiladi, bu esa zamonaviy texnologiyalar va boshqaruv tizimining kirib kelishiga hamda ishlab chiqarish va eksport salohiyatini oshirish imkoniyatini yaratishi mumkin.

Lekin, bu yerda tabiiy savol tug'iladi, ushbu xorijiy investitsiyalarning har bir mintaqa iqtisodiy tizimiga qanday ta'sir ko'rsatadi, ularning iqtisodiy tizimdagi ulushi darajasi, iqtisodiy resurslardan foydalanish samaradorligi, ekologiyaga ta'siri va barqaror iqtisodiy rivojlanish istiqbollarni belgilashda o'rni kabi masalalarni o'rganishni talab etadi. Bugungi kunda rivojlangan mamlakatlar o'z iqtisodiyotini barqaror rivojlanishi ta'minlash maqsadida ko'proq "yashil investitsiya"larga alohida e'tibor qaratmoqdalar. Ushbu investitsiyalar asosan transport, energetika va qattiq chiqindilarni qayta ishlash sohalariga jalb etilishi ko'zatilmoqda[9].

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, mintaqa iqtisodiy tizimini rivojlantirishda xorijiy investitsiyalarning o'rni, avvalombor ularni tahlil qilish, asoslash, jalb qilish mexanizmlarini aniqlash, samaradorligini baholash va muvofiqlashtirish bilan ifodalaniib, mintaqaga zamonaviy texnologiyalar va boshqaruv tizimining kirib kelishiga hamda ishlab chiqarish va eksport salohiyatini oshirish imkoniyatini yaratishga xizmat qiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. O'zbekiston Respublikasining 2019 yil 25 dekabrda O'RQ-598-sonli "Investitsiyalar va investitsiya faoliyati to'g'risida"gi Qonuni
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-2026 yillarga mo'ljallangan "Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi" to'g'risidagi PF-60 sonli Farmoni.
3. Rating of Investment Attraction of Russia Regions: Techniques. Rating Agency ExpertRA [On-line] Available at: <http://www.raexpert.ru/ratings/regions/2013/method>.
4. Khan M., H.Y. Lee, J.H. Bae. Inward foreign direct investment: A case study of Pakistan. Mediterranean Journal of Social Sciences, 9 (5) (2018)
5. А.И.Бородин, Н.Н.Киселева Региональные экономические системы и их устойчивость "Экономика и право". Вестник Удмуртского университета. 2011 №4
6. Strat Vasile Alecsandruaa, Danciu Aniela Ralucabb A regional level hierarchy of the main Foreign Direct Investments' Determinants - Empirical study, the case of Romanian manufacturing sector Social and Behavioral Sciences 181 (2015) 321 – 330
7. Geddes, A., Schmid, N., and Schmidt, T. (2020). The politics of climate finance: Consensus and partisanship in designing green state investment banks in the United Kingdom and Australia. Energy Research Social Science, 69:101583
8. Antoine Ebeling «European investment Bank loan appraisal, the EU climate bank?» Document de Travail 2022

– 10

UO'K 336.717.3

TIJORAT BANKLARIDA DEPOZIT OPERASIYALARINI HOLATINI BAHOLASH VA RIVOJLANISH TENDENSIYALARI

B.U.Shermuxevedov, PhD, dots., Toshkent moliya instituti, Toshkent

Annotatsiya. Maqolada Respublikamizdagi tijorat banklari tomonidan amalga oshirilgan depozit operatsiyalari o'rganilgan va depozit bazasi ma'lumotlari tahlil qilingan. Tijorat banklari

faoliyatidagi depozitlarning ahamiyati asoslangan va O'zbekistonda faoliyat yuritayotgan bank depozit bazasini ko'paytirishga qaratilgan tadqiqotlar natijalari haqida so'z yuritilgan.

Kalit so'zlar: depozit, depozit bazasi, depozit siyosati, transformasiya, diversifikatsiya, balans, bank balansi, depozit operatsiyalari, muddatli depozitlari.

Аннотация. В статье рассматриваются депозитные операции, осуществляемые коммерческими банками нашей республики, и анализируются данные депозитной базы. Значение депозитов в деятельности коммерческих банков основано на результатах исследований, направленных на увеличение базы банковских депозитов, действующих в Узбекистане.

Ключевые слова: депозит, депозитная база, депозитная политика, трансформация, диверсификация, баланс, банковский баланс, депозитные операции, срочные вклады.

Abstract. The article examines the deposit operations carried out by commercial banks in our Republic and analyzes the data of the deposit base. The importance of deposits in the activity of commercial banks is based on the results of studies aimed at increasing the bank deposit base operating in Uzbekistan.

Key words: deposit, deposit base, deposit policy, transformation, diversification, balance sheet, bank balance sheet, deposit operations, time deposits.

Kirish. Har bir davlat o'z hududidagi banklar barqarorligiga alohida etibor qaratadi. O'zbekiston Respublikasi bank tizimining zamonaviy rivojlanish bosqichida bank kapitalini boshqarishning samaradorligi masalasi o'zgacha ma'no kasb etadi. Moliyaviy institut sifatida bank faoliyati likvidlik holatini saqlab, risklarni kamaytirib qo'yilma egalari va aksionerlarning huquqlarini saqlagan holda yuqori daromad olishga bog'liq. Tijorat banklarining faoliyati foyda olishga yo'naltirilgan bo'lganligi sababli, bank foydasining iqtisodiy mohiyati yangicha ijtimoiy-iqtisodiy tus olib bormoqda. Banklarning marketing faoliyati asosan bozordagi ulushini kengaytirishga, yanada universalashishga, yangi bank xizmatlarini joriy qilishga, filiallar tarmog'ini kengaytirishga, xizmat ko'rsatish sifatini oshirishga yo'naltiriladi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 12-maydagi PF-5992-son Farmoniga nuvoq 2020-2025-yillarga mo'ljallangan O'zbekiston Respublikasining bank tizimini isloh qilish strategiyasida bank tizimini rivojlantirishning maqsadlari, vazifalari va ustuvor sohalarini, 2020-2025-yillarda bank tizimini transformatsiya va isloh qilish yo'nalishlarini, xorijiy mamlakatlarning moliya sektorini transformatsiya qilish tajribasi asosida va moliyaviy sohadagi jahon tendensiyalarini hisobga olgan holda ehtimoliy yechimlarni izlash yo'llarini belgilaydi. Strategiyaning maqsadi zamonaviy bank tizimini shakllantirish, banklarning investitsiyaviy jozibadorligini oshirish va bank xizmatlarining yangi standartlarini joriy etishga qaratilgan bank tizimida kompleks o'zgartirishlarni amalga oshirishdan iborat[1].

Rivojlangan davlatlarning, xususan, AQSH, Yaponiya va Yevropa Ittifoqining qator davlatlarida jismoniy shaxslarning muddatli depozitlari tijorat banklari depozit bazasining umumiy hajmida yuqori salmoqni egallaydi. Ular tomonidan olingan plastik kartalardagi mablag'larni maxsus "Mobile banking" ilovalari orqali boshqarilishi imkoniyati kengdir, O'zbekiston banklarini mijozlari jismoniy shaxslarga xuddi shunday ilovalarni ko'lamini kengaytgan tijorat banklarida mablag'larni oshishiga olib keldi. Olib borilgan qator ilmiy tadqiqotlarning natijalari shuni ko'rsatdiki, jismoniy shaxslarning muddatli omonatlari yuridik shaxslarning depozitlariga(jumladan talab qilib olungingacha) nisbatan arzon va uzoq muddatli resurs manbai hisoblanadi. Lekin O'zbekiston tijorat banklari misolida ko'radigan bo'lsak yuridik shaxslardan jalb qilingan mablag'lar arzon hisoblanadi.

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili. Tijorat banklar transformasiya jaroyonida depozit siyosatini samarali tashkil qilish orqali aholi bo'sh pul mablag'larini jalb qilish bilan bog'giasilik muammolar qator olimlar tomonidan tahlil etilgan. Xususan, olib boriladigan depozit siyosatining maqsadi va vazifalarini aniqlash bo'yicha masallar ko'rib chiqadigan bo'lsak, bir qator olimlar depozit siyosatini ishlab chiqishda asosiy masala maqsadni to'g'ri shakllantirish va ushbu maqsadga erishish uchun moliya bozorining zamonaviy holati, shuningdek, iste'molchilarning manfaatlarini hisobga oluvchi tegishli instrumentlarni tanlash hisoblanadi deb fikir bildirganlar. Bundan tashqari,

tijorat banklari dastlabki bosqichda depozit operatsiyalariga kirib borish uchun depozit siyosatini ishlab chiqishadi, so'ngra, bank faoliyatini olib borish jarayonida depozit portfelini rivojlantirish va diversifikatsiyalash siyosati tayyorlanishi xam takidlangan. Depozit siyosati strategiyasi tijorat banking bozordagi salmog'iga mos ravishda bir necha turda bo'lishi mumkin. Jumladan, bunday strategiyalar O.I.Lavrushin tomonidan yetakchi, raqobatchi ortda qoluvchi strategiyalari sifatida tasniflangan.

Depozit siyosatini ishlab chiqish va amalga oshirish uchun javobgar bo'lgan tegishli bo'linmalarni belgilab olish hamda bank xodimlari o'rtasida vakolatlarni taqsimlash (depozit siyosatining ma'muriy mexanizmini ishlab chiqish). Har bir kredit tashkiloti depozit siyosatini shakllantirish va amalga oshirish bo'yicha bank bo'linmalari va xodimlari o'rtasidagi o'zaro muvofiqlashgan faoliyatini tashkil etish tizimini ishlab chiqadi.


Resurslarni jalb etish borasidagi zaruriy chora-tadbirlarni ishlab chiqish: depozit mablag'larni jalb etish instrumentlari (depozit operatsiyalar va ularning asosiy shartlari) va depozit operatsiyalarini amalga oshirishning ichki reglamentatsiyasi (depozit siyosatini amalga oshirish vositalari).

Depozit operatsiyalarini amalga oshirish jarayonida nazorat va boshqaruvni tashkil etish. Depozit siyosatining ushbu elementi nazorat va boshqaruvni amalga oshirishning logistik tizimi, bank bo'limlari va xodimlarining o'zaro hamkorligi algoritmi, vakolatlar doirasi va samaradorlikni baholash ko'satkichlarini qamrab oladi[2].

M.N.Buxadurova "Aholi bilan o'zaro munosabatlarda tijorat banklarining depozit siyosati" nomli ilmiy ishida qayd etishicha, "depozit siyosati bank siyosatining ajralmas qismi hisoblanib, qaytarishlilik va to'lovlilik shartlari asosida bank mijozlarining pul mablag'larini jalb etish bo'yicha bosqichma-bosqich, o'zaro aloqador hatti-harakatlar; maqsadga muvofiq darajadagi rentabellik va bank likvidililigiga erishishni ta'minlash maqsadida siyosatni amalga oshirish metodlari va vositalari jamlanmasi" hisoblanadi[3]

Tadqiqot metodologiyasi. Ilmiy maqolani tayyorlash jarayonida ma'lumotlarni jadvallar asosida qiyosiy tahlil, ma'lumotlarni guruhlash, abstrakt-mantiqiy fikrlash tizimli tahlil asosida statistik guruhlash, induksiya va deduksiya hamda ekspert baholash usullaridan ham unumli foydalanildi.

Tahlil va natijalar. Banklarning moliyaviy barqarorligi, iqtisodiy samaradorligi va risklarning xavfsiz me'yorini ta'minlanishi, ularning depozit bazasini mustahkamligi bilan bevosita bog'liqdir. Keyingi yillarda xalqaro va mahalliy moliya bozorlarida depozit mablag'larga bo'lgan talabning ortib borishi banklar depozit bazasiga oid dolzarb masalalarni yuzaga chiqarmoqda. Xususan, banklar depozit bazasining iqtisodiy mazmunini nazariy va amaliy jihatdan tadqiq qilish, shuningdek, uning manbalari va unga ta'sir qiladigan omillarni aniqlash shular jumlasidandir.



1-rasm. O'zbekiston Respublikasi bank tizimi jami depozitlari va xorijiy valyutadagi depozitlar, [5], (1 yanvar holatiga, mlrd so'mda)

2022 yil 1 oktyabr holatiga ko'ra jami depozitlar qoldig'i 206,8 trln.so'm shundan, aholi omonatlari qoldig'i 54,5 trln.so'mni tashkil qildi[4].

Tijorat banklari tomonidan depozit operatsiyalarini amalga oshirish va bo'sh turgan moliyaviy mablag'larni jalb etish bo'yicha hozirgi kunda raqobat kuchaymoqda. Banklar tomonidan turli xil shartlar asosida depozitlarning turlari oshib bormoqda. Milliy valyuta bilan bir qatorda xorijiy valyutadagi depozitlar ham keng rivojlanmoqda.

Tijorat banklariga bo'lgan ishonch yil sayin oshib bormoqda. Buni xorijiy valyutadagi depozitlarning jami depozitlardagi ulushi ortib borayotganligida ko'rishimiz mumkin. Xususan, 2017 yilda jami depozitlarning 26,9 foizini xorijiy valyutadagi depozitlar tashkil etgan bo'lsa, 2021 yilga kelib bu ko'rsatkich 43,1 foizga yetgan.

2017 yilda jami depozitlar 37,2 trln. so'mni tashkil etgan bo'lsa, shundan xorijiy valyutadagi depozitlar 10,0 trln. so'mdan ortiqni tashkil etgan. 2021 yilga kelib esa jami depozitlar summasi 114,7 trln. so'm bo'lgani holda xorijiy valyutadagi depozitlar summasi 49,4 trln. so'mga yetgan.

Tijorat banklari foiz stavkalaridan har doim iqtisodiyotni makro va mikro darajada tartibga solish uchun foydalaniladi. Agar iqtisodiyotni mikro darajada o'rganadigan bo'lsak, tijorat banklari tomonidan foiz siyosatini qay darajada samarali ishlab chiqqanligiga, ya'ni kredit va depozitlar bo'yicha o'rnatilgan foiz stavkalariga bog'liq bo'ladi.

Mazkur holat valyuta bilan bog'liq bo'lganligi uchun bank amaliyotida valyuta riskini keltirib chiqaradi va bu banklarning oqilona siyosat yuritishga undaydi.

Markaziy bankning tijorat banklari tomonidan jalb etilgan depozitlarga nisbatan o'rnatgan majburiy zahira stavkalarining yuqori ekanligi depozitlarga banklar tomonidan belgilangan foiz stavkalarini oshirish imkonini bermaydi. Bu o'z-o'zidan bank imkoniyatlarini cheklab qo'yadi. Bu esa bank tomonidan beriladigan kreditlar miqdorini cheklab qo'yadi. Majburiy zahira stavkalarining yuqori ekanligini asoslash uchun xorijiy davlatlarning bank amaliyoti ma'lumotlariga murojaat qilamiz. Markaziy bankning majburiy zahira stavkasi: Yevro hudud mamlakatlarida - 2,0 %; Rossiyada - 2,5%; Qozog'istonda - 1,5%. Tashkel qiladi.

Xulosa va takliflar. Tijorat banklar transformasiya jaroyonida depozit siyosatini samarali tashkil qilish orqali resurlarni jalb qilishni o'rganish asosida O'zbekiston Respublikasi tijorat banklarining jamg'arma depozitlari miqdorini oshirish yo'li bilan ularning resurs bazasini mustahkamlash bu maqsadga erishish uchun quydagilarni taklif qilamiz:

- birinchidan, yuridik shaxslarning jamg'arma depozitlariga to'lanadigan foiz stavkalarining ijobiy darajasini ta'minlash lozim;
- ikkinchidan, aholining jamg'arma depozitlarini tijorat banklari tomonidan naqd pulda to'liq va o'z vaqtida qaytarib berilishini ta'minlash lozim.

Tijorat banklarida depozitlarning kopayib ketishi ham bank regulyatorni izdan chiqishiga olib keldi. Regulyatorni buzulib ketmasligi uchun tijorat banklari samarali depozit siyosatini ishlab chiqishi kerak

Tijorat banklarida talab qilib olunguncha depozitlarni hajmini oshib ketishi tijorat bankning riskliylilik darajasining oshib ketishiga olib keladi.

Rivojlangan davlatlarning, xususan, AQSH, Yaponiya va Yevropa Ittifoqining qator davlatlarida jismoniy shaxslarning muddatli depozitlari tijorat banklari depozit bazasining umumiy hajmida yuqori salmoqni egallashi haqida yuqorida aytib o'tildi. Shu bois innovatsion bank xizmatini rivojlantirish nafaqat korporativ mijozlar balki jismoniy shaxslarning depozitlarini jalb qilishga olib kelishini yuzaga keltiradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 12-maydagi PF-5992 son farmoni <https://lex.uz/docs/-4811025>
2. Банковский менеджмент: учебник / Под ред. О.И. Лаврушин. – М.: Кнорус, 2011. – 560 с.
3. Бухадурова М.Н. “Депозитная политика коммерческих банков во взаимоотношениях с населением”. автореферат. дис. ... канд. экон. наук: 08.00.10. – Москва., 2012. – 12-15 стр.
4. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki ma'lumotlari asosida tayyorlandi <https://cbu.uz/oz/statistics>
5. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki ma'lumotlari asosida tayyorlandi <https://cbu.uz/oz/statistics>

ИННОВАЦИИ: ИХ СОВРЕМЕННЫЕ ФУНКЦИИ

Э.А. Алиева, PhD, Наманганский инженерно-технологический институт, Наманган

Annotatsiya. Maqolada aynan intellektual salohiyat korxonaning ham, butun tsivilizatsiyaning innovatsion rivojlanishining asosiy omili ekanligi isbotlangan. Innovatsion rivojlanishning ushbu yo'nalishining innovatsion salohiyatning intellektual omiliga bog'liqligi ham aniqlangan. Muallif mantiqiy mulohazalar asosida «yo'qotilgan innovatsiya», «innovatsiya yaratish qonuni» atamalarining o'ziga xos ta'rifini, shuningdek, «innovatsiya» atamasining zamonaviy ta'rifini taklif etadi.

Kalit soʻzlar: innovatsiyalar, raqamli texnologiyalar, imkoniyatlar, intellektual salohiyat, “o'tkazib yuborilgan” innovatsiyalar, salohiyat, samarali foydalanish tamoyili, iste'molchilar, ishlab chiqaruvchilar, innovatorlar, innovatsiyalar yaratish qonuni, innovatsion funktsiyalar.

Аннотация. В статье доказывается что именно интеллектуальный потенциал, является основным фактором инновационного развития как деятельности предприятия, так и всей цивилизации. Также выявлена зависимость заданного направления инновационного развития от интеллектуального фактора инновационного потенциала. Исходя из логических рассуждений, автор предлагает свое определение терминам «упущенные инновации», «Закон создания инноваций», а также современное определение термину «инновация».

Ключевые слова: инновации, цифровые технологии, возможности, интеллектуальный потенциал, «упущенные» инновации, потенциал, принцип эффективного использования, потребители, производители, инноваторы, закон создания инноваций, функции инноваций.

Abstract. The article proves that it is the intellectual potential that is the main factor in the innovative development of both the enterprise and the entire civilization. The dependence of the given direction of innovative development on the intellectual factor of innovative potential is also revealed. Based on logical reasoning, the author offers his own definition of the terms «lost innovation», «the law of innovation creation», as well as a modern definition of the term «innovation».

Key words: innovations, digital technologies, opportunities, intellectual potential, “missed” innovations, potential, principle of effective use, consumers, producers, innovators, law of innovation creation, innovation functions.

Широкомасштабное развитие IT технологий и инновационных цифровых инструментов позволило ускоренному переходу на инновационный тип развития, применению цифровых технологий во всех сферах отрасли. Выбранное направление инновационного развития, является необходимым этапом в развитии человечества. Инновационные информационные и цифровые технологии, их широкомасштабное внедрение создают новые возможности для развития и расширения сферы деятельности.

Сегодня невозможно представить ни один сектор экономики без цифровых технологий. Их эффективность применения оценили, как потребители, предприниматели, так и государство. Свидетельством этому является совершенствование деятельности органов государственного и хозяйственного управления Узбекистана путем широкого внедрения цифровых технологий, создания правовой основы для перехода на цифровую экономику, постановление Президента «О мерах по широкому внедрению цифровой экономики и электронного правительства» от 28 апреля 2020-го, Указ «Об утверждении Стратегии «Цифровой Узбекистан-2030» [1] и мерах по ее эффективной реализации» от 5 октября того же года и ряд других решений. Документ включает такие приоритетные направления, как развитие цифровой инфраструктуры, электронного правительства, национального рынка цифровых технологий, образования и повышения квалификации в сфере информационных технологий.

Как показывает история существования цивилизации, инновации являются ответом на проблемный вопрос, который рождается в результате упорного, кропотливого труда, решение которого имеет прогрессивный характер. Это является свидетельством того, что именно

интеллектуальный потенциал, является основным фактором инновационного развития. Многие споря с этим фактом, в доказательство приводят случайные инновации, к которым относятся скотч, пластилин, пенициллин, микроволновая печь и так далее. Действительно, многие случайные инновации возникли в ходе попыток создания каких-либо других разработок и в ходе испытаний других научных открытий, однако надо отметить, что без того, кто смог бы своевременно разглядеть, понять и оценить их ценность, а также осознать эффективность их использования, эти случайные инновации не нашли бы своего открытия и применения.

Это наводит на логическую мысль, что возможно такая ситуация уже имела и имеет место и в результате не компетентности, или не внимательности, не достаточных знаний, цивилизация не осознала и не использует их (инновации, открытия.). В результате чего, теряется множество возможностей создания и использования инноваций. Следовательно, можно допустить, что существуют и «упущенные» инновации, которые ждут своего «открытия». Возможно, они на сегодняшний день и являются именно тем инновационным потенциалом, который в будущем позволит создать базисные и подрывные инновации, повернуть динамику социально-экономического развития совершенно в другое русло. Только тогда можно будет оценить эффективность осуществляемого сегодня инновационного развития.

В экономике существует схожий термин «упущенная возможность». Он был введен австрийским экономистом Фридрихом фон Визером в монографии «Теория общественного хозяйства» в 1914 году [1]. – это экономический термин, обозначающий упущенную выгоду (прибыль, доход), которая возникает в результате выбора одного из альтернативных вариантов использования ресурсов и, тем самым, отказа от других возможностей. Величина упущенной выгоды определяется полезностью наиболее ценной из отклоненных альтернатив.

Как видно из определения, при упущенной возможности делается выбор из известных альтернативных вариантов. Совсем иначе обстоит дело в случае с «**упущенными инновациями**». Здесь нет выбора, так как мы имеем дело с неизвестностью. Сегодня не известно какие инновации остались (остаются) не раскрытыми, упущенными и к какому развитию НТП, динамики экономики они могли бы привести. Поэтому оценить современную динамику инновационного развития, соответствующего 5 технологическому укладу, переходу на цифровую трансформацию всех отраслей экономики, можно будет только в будущем.

Из выше сказанного можно сделать несколько взаимосвязанных выводов:

- Если теория издержек упущенной возможности внесла вклад в экономику как первое описание принципов эффективного производства, то возможно, теория упущенных инноваций послужит описанием принципа эффективного использования инноваций.

- Одним из принципов эффективного производства является **выбор из альтернатив**. Основная причина необходимости сделать выбор – это ограниченность ресурсов. Выбор осуществляется на основе оценки полезности, а на чашу весов ставятся упущенная выгода от использования этих ресурсов, в случае выбора другого варианта. Следовательно, одним из принципов эффективного использования инноваций должен быть выбор из альтернативных инноваций, или из стратегий инновационного развития. Основная причина необходимости осуществления выбора – та же ограниченность ресурсов. На чаше весов – степень новизны, приоритетные цели и задачи.

- В случае с эффективным производством люди условно подразделяются на 2 группы: потребители и производители. В современном мире, стремящегося к переходу на ускоренный инновационный тип развития сообщество разделилось на 3 группы: потребители; производители-заказчики; инноваторы.

Ю.В.Яковец так описывает переход человека разумного (Homo Sapiens) в новую сферу разума, становясь человеком инновационным (Homo Innovaticus): «Все виды животных способностей — воспринимать изменения в окружающей мире и приспособливаться, адаптироваться к ним, меняя свое поведение. Но только человек разумный (Homo Sapiens) способен изменить окружающий мир, более ими менее удачно приспособивать его к своим

потребностям. Поэтому можно говорить, что человек — это вид Homo Innovaticus, человек инновационный». [2]

К сожалению, количество инноваторов намного меньше, чем потребителей, и они не вечны. В результате чего теряются знания. Основная причина «упущенных инноваций» кроется еще и в том, что ученые-инноваторы чаще всего ведут гомофильный образ жизни — они общаются и взаимодействуют с схожими людьми, обладающие идентичными знаниями. Согласно же принципам гомофилии и её противоположности гетерофилии, о которых впервые говорили Лазарсфелд и Мёртон, для того чтобы полученные знания были максимально использованы во всех отраслях и не имели характер диффузии, необходимо их гетерофикация.

«Гомофильные индивиды вовлекаются в более эффективную коммуникацию, поскольку их сходства ведут к большему приобретению информации, также как отношения и изменения поведения. В результате гомофильные индивиды имеют тенденцию развивать диффузию среди них. Тем не менее, диффузия требует определённую степень гетерофилии для введения новых идей в отношения; если два индивида идентичны, то диффузия не происходит, так как нет новой информации для обмена. Поэтому идеальная ситуация включает потенциальные принимающие лица, которые гомофильны во всём, кроме знания об инновации». [3]

Это еще раз подтверждает, первостепенность интеллектуального потенциала в переходе на инновационный тип развития. Агрегатная функция производства, выявленная американскими экономистами Дугласом и Солоу утверждает, что увеличение затрат труда на один процент обеспечивает 3/4 прироста выпущенной продукции, а увеличение затрат капитала на один процент дает возможность получить 1/4 прироста выпущенной продукции. Следовательно, вложения в человеческий капитал, дают больший эффект в увеличении производства, чем рост средств производства. Сегодня эту функцию производства можно дополнить утверждением, что вложение в человеческий капитал, а именно в интеллектуальный потенциал, дают больший эффект в увеличении инновационного, конкурентоспособного производства, а также переходу на цифровую трансформацию и на новый (последующий) технологический уклад.

Согласно теории технологических укладов, 6 уклад требует совместных знаний специалистов различных наук. Произвести гетерофикацию всех накопленных знаний невозможно. Считаю, что в решении этой важной задачи поможет искусственный интеллект. Он сможет просчитать все варианты использования, соединения знаний и выведет альтернативные варианты. Благодаря ему можно будет увидеть и оценить «упущенные инновации», оценить альтернативные варианты, предлагаемые искусственным интеллектом, и осуществлять осознанный выбор. Тогда можно будет говорить об эффективном использовании инноваций.

Инновации своим появлением «отменяют» устаревшие технологии, методы производства, осуществление деятельности, создавая новые, эффективные, прогрессивные. Кроме того, внедрение инноваций создают большое количество до сих пор не существующих возможностей, а также служат фундаментом для разработок и внедрения инноваций следующего поколения. То есть раскрывается скрытый потенциал инновационного развития. Наглядным примером сегодня служат развитие и широкомасштабное внедрения IT технологий, благодаря, которым весь мир заговорил о цифровизации и цифровой трансформации всех отраслей экономики.

На основании выше сказанного, можно сформулировать **«Закон создания инноваций»** — каждая единица полученных новых знаний дают возможность для раскрытия скрытого потенциала, создания инновации, которая являются основой для раскрытия новых возможностей социально-экономического развития и служат основой для создания инноваций следующего поколения, а также являются импульсом для динамики развития.

Исходя из этого закона и дополняя определение, данное Ю.В.Яковцем инновациям, согласно которому: «Инновация (нововведение) — это применение силы человеческого знания (чаще всего науки, но не только) для повышения эффективности того или иного вида человеческой деятельности». [2]

Конечно же сегодня существует множество различных определений термину инновация [4], однако на современном этапе социально-экономического развития, осознания важности и значимости инноваций в прогрессе, можно сформулировать следующее:

Инновация - это эффективное применение совокупности всех накопленных цивилизацией знаний во всех областях науки, в целях нахождения прогрессивных открытий, являющихся основой для создания следующих инноваций, повышающих уровень жизни населения, способствующих переходу на новый технологический уклад.

Инновации всегда являлись основным источником перехода на новый тип развития. Они также выполняют следующие важные функции:

во-первых, создают новые возможности развития и расширения сферы деятельности, что стало актуальным в период пандемии «COVID-19», переходу на удаленную работу, развитию женского предпринимательства;

во-вторых, служат основой для создания инноваций следующих поколений. Так цифровая трансформация стала возможна благодаря развитию информационных и цифровых технологий, таких как электронные платформы, кошельки, облачные технологии, искусственный интеллект и так далее;

в-третьих, (самое важное) инновации задают направление инновационного развития, которое во многом зависит от накопленных знаний во всех сферах науки, от интеллектуального потенциала цивилизации.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Указ Президента Республики Узбекистан «Об утверждении стратегии «Цифровой Узбекистан – 2030» и мерах по ее эффективной реализации» от 5 октября 2020 года, №УП-6079
2. Ю.В.Яковец статья «Грамматика инноваций и инновационно-технологического прорыва» Инновации №6, 2015, с. 16
3. Википедия. <https://ru.wikipedia.org/wiki>
4. Алиева Э.А. Сущность инноваций: анализ теоретических подходов. Вестник Российского экономического университета имени Г. В. Плеханова. 2019;(6):с.21-31. <https://doi.org/10.21686/2413-2829-2019-6-21-31>

УЎК 338.43;332.146

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИННОВАЦИОН ХИЗМАТЛАР ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

З.Аллаберганов, доц., Тошкент Молия Институтини, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақолада қишлоқ хўжалигида инновацион хизматлар инфратузилмаси субъектларини баҳолаш кўрсаткичлари тизимлаштирилган. Қишлоқ хўжалигида инновацион хизматлар инфратузилмаси субъектларини баҳолашда миқдорий ва сифат мезонлари аниқланган. Қишлоқ хўжалигида инновацион фаолиятни такомиллаштириши омиллари илмий асосланган.

Калит сўзлар: Инновацион ривожланиши, инфратузилма, қишлоқ хўжалиги, инновацион фаолият, рақобатбардошлик, стратегия, кадрлар сиёсати, илм-фан ютуқлари, корхоналарнинг технологик даражаси, экспорт.

Аннотация. В данной статье систематизированы показатели оценки субъектов инфраструктуры инновационных услуг в сельском хозяйстве. Определены количественные и качественные критерии оценки субъектов инновационной сервисной инфраструктуры в сельском хозяйстве. Факторы повышения инновационной активности в сельском хозяйстве научно обоснованы.

Ключевые слова: Инновационное развитие, инфраструктура, сельское хозяйство, инновационная деятельность, конкурентоспособность, стратегия, кадровая политика, научные достижения, технологический уровень предприятий, экспорт.

Abstract. In this article, the indicators for the evaluation of the subjects of the infrastructure of innovative services in agriculture are systematized. Quantitative and qualitative criteria have been

defined in the assessment of innovative service infrastructure entities in agriculture. The factors of improvement of innovative activity in agriculture are scientifically based.

Keywords: Innovative development, infrastructure, agriculture, innovative activity, competitiveness, strategy, personnel policy, scientific achievements, technological level of enterprises, export.

Аграр иқтисодиётнинг барча тармоқларида барқарор иқтисодий ўсишга ўтиш илм-фан ва техника ютуқларидан фойдаланишни рағбатлантирмасдан, янги технологияларни жорий этиш, агросаноат комплексининг барча фан ва техника соҳалари илмий-техник фаолиятини жадаллаштириш имконини бериши мумкин эмас.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини модернизация қилиш шароитига мослаштириш зарурати инновацион хизмат инфратузилмасини шакллантиришга қизиқишнинг кучайишига олиб келди, чунки истиқболларни аниқлаб, ривожланишнинг келгуси тенденцияларини одиндан кўрмай, бозор шароитида тармоқнинг рақобатбардошлигини ошириш чора-тадбирларни ишлаб чиқишнинг деярли иложи йўқ.

Жадал ривожланиб бораётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар, хизматлар, бозорлар, тармоқлар ва рақобат шароитлари, ишлаб чиқариш-нинг ўзига хос хусусиятлари, диверсификациялаш салоҳияти, минтақавий хусусиятлари ва уларнинг имкониятларига кўра ўзаро катта фарқ қилади. Рақобатбардошликни оширишнинг замонавий назариялари муайян қишлоқ хўжалигитармоқларини ишлаш шарт-шароитларни мунтазам ҳисобга олиш, улар олдида турган вазифаларни англаб етишга асосланади. Бу эса, ўз навбатида, тармоқнинг истиқболларини белгилашда унга хизмат кўрсатувчи инфратузилмакорхоналарининг барқарорлиги, бозор талабларига жавоб берувчи иқтисодий натижалар ва корхонанинг иқтисодий ўсишини таъминловчи вариантини танлашни белгилаб берувчи турли-туман инновацион лойиҳаларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Қишлоқ хўжалиги инновацион хизматлар инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш тартиботлари унга таъсир этувчи муҳим ички ва ташқи омиллар йиғиндисининг таъсирини баҳолашга асосланиши ҳамда тармоқ корхоналарининг бозордаги рақобат жиҳатдан устунликлари, молиявий барқарорлиги ва инвестицияли жозибдорлигини таъминловчи асосий таркибий қисмлари мажмуини аниқлаш имконини бериши лозим.

Қуйидагилар қишлоқ хўжалигидаги инновацион хизматлар инфратузилмаси субъектларининг ҳозирги вазиятини тавсифловчи кўрсаткичлар бўлиши мумкин:

1-жадвал

Қишлоқ хўжалигидаги инновацион хизматлар инфратузилмаси субъектларини баҳолаш кўрсаткичлари
(Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди)

Кўрсаткичлар	
1.	ташкilotнинг самарадорлиги – унинг белгиланган мақсадларга эришиш даражаси
2.	тежамкорлик–ресурслардан фойдаланиш даражаси
3.	фойдалилик–даромад билан харажатлар ўртасидаги нисбат
4.	самарадорлилик–рентабеллик орқали ифодаланган кўрсаткич
5.	бозор улушининг ўзгариши (ортиши ёки камайиши) ва б.

Миқдорий мезонни қуйидаги кўрсаткичлар йиғиндиси билан баҳолаш мумкин: сотувлар ҳажми ортиши; харажатлар даражаси ва хизматлар самарадорлиги; кадрларнинг қўнимсизлиги; капитал учун фойда; меҳнат унумдорлиги ва б. Сифат мезони қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади: кадрларни танлаб олиш ва ўрнига қўйиш; хизматлар ҳажмини кенгайтириш; бозорни билишни чуқурлаштириш; таваккалчилик операцияларини истисно этиш ва б.

Бугунги кунда рақобатбардошликни баҳолашнинг бир қатор усуллари мавжуд бўлиб, улар орасида қуйидагиларни ажратиш мумкин: Ж.Ж. Ламбен фикрига кўра, рақобат устунликлари – хизматларнинг ёки корхонанинг рақобатчилар устидан муайян устунликни яратувчи хусусиятлари ҳисобланади. Стендфорд тадқиқот институти томонидан ишлаб чиқилиб, стратегияни ишлаб чиқишда қўлланиладиган, рақобатбардошликни ошириш мақсадини кўзловчи GAP усули бу: миссиядан то муайян лойиҳагача турли даражалардаги ва

мураккабликнинг турли даражасидаги бизнес муаммоларини батафсил ва изчил таҳлил қилишни назарда тутувчи LOTS усулидир [3].

2-жадвал

Қишлоқ хўжалигидаги инновацион хизматлар инфратузилмаси субъектларини баҳолашда миқдорий ва сифат мезонлар (Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди)

Миқдорий мезонлар	
1.	сотувлар ҳажми ортиши
2.	харажатлар даражаси ва хизматлар самарадорлиги
3.	кадрларнинг кўнимсизлиги
4.	капитал учун фойда
5.	меҳнат унумдорлиги ва б.
Сифат мезонлари	
1.	кадрларни танлаб олиш ва ўрнига қўйиш
2.	хизматлар ҳажмини кенгайтириш
3.	бозорни билишни чуқурлаштириш
4.	таваккалчилик операцияларини истисно этиш ва б.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги корхоналарини янги технологиялар асосида таркибий қайта қуриш ва модернизация қилиш борасида етарли тажрибага эга эмаслиги боис, хорижий мамлакатлар корхоналарини ривожлантириш инновацион стратегиясини шакллантириш борасидаги тажрибасини республикамиз шароитларига мослаштириш маълум даражада қизиқиш уйғотади. Масалан, агросаноат корхонасини технологик модернизация қилиш билан боғлиқ таваккалчиликлар даражасини пасайтириш мақсадида хорижий компанияларда «патентли таҳлил қилиш» воситаси қўлланилади. Патентли таҳлил қилиш механизми патент маълумотларини рақобат ахборотига ўзгартириш имконини беради, бу технологик тенденцияларни прогноз қилиш ва рақобатбардошликнинг янги технологияларга асосланган талаб этиладиган даражасини режалаштириш имконини беради.

Янгилик киритиш, одатда, тажриба намунаси синовдан ўтказилгунга қадар ёпиқлигича қолади, шунинг учун патентли таҳлил қилишнинг асосий функцияси – корхона менежментини самарали стратегик қарорларни қабул қилиш учун етишмаётган ахборот билан таъминлашдан иборат. Шундан келиб чиққан ҳолда патентли таҳлил қилиш корхонани бошқариш механизмини модернизация қилиш унсури сифатида қабул қилиниши керак, чунки айнан у юз бераётган технологик ўзгаришларнинг асосий индикатори сифатида иштирок этади.

Ушбу тажрибани ўрганиш ва Ўзбекистонга татбиқ этиш алоҳида агросаноат тармоқларининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги мақсадларга эришиш учун инновацион фаолиятни такомиллаштиришга йўналтирилиши лозим:

3-жадвал.

Қишлоқ хўжалигида инновацион фаолиятни такомиллаштириш омиллари (Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди)

Омиллар	
1.	тармоқ корхоналарининг технологик даражаси ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш
2.	ривожлантиришнинг рақобатбардош стратегиясини шакллантириш учун ишлаб чиқариш, илмий-технологик ва кадрлар салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш
3.	жаҳон даражасига мос келувчи асбоб-ускуналар, технология ва материаллар асосида ишлаб чиқаришларни техник қайта жиҳозлаш
4.	юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотнинг улушини ошириш ҳисобидан экспорт таркибини такомиллаштириш
5.	импортнинг ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ҳисобидан юқори технологик асбоб-ускуналар импортини оптималлаштириш

Юқорида баён этилган ёндашувларни ҳисобга олган ҳолда, ҳудудлар қишлоқ хўжалигида инновацион хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи омилларни тадқиқ этиш нафақат фаолиятнинг ушбу соҳасидаги муаммоларни бартараф этиш учун, балки инновация лойиҳаларини баҳолаш ва танлаб олиш ишларини амалга ошириш, шунингдек, агросаноат соҳасининновация фаолиятни ривожлантиришга ва таркибий ўзгаришларнинг самарадорлигини оширишга ундовчи амалий рағбатлантирувчи омиллар тизимини яратиш учун ҳам илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Инновацион хизматлар бозорини тўлақонли шаклланиши ва фаолият юритиши учун давлат томонидан тегишли меъёрий-ҳуқуқий базани ҳамда институционал асосларни шакллантириш талаб этилади. Худудларда эса масъул ташкилотлар, биринчи навбатда, маҳаллий ҳокимият идораларининг вазибалари инновацион хизматлар бозорининг фаолият юритиши учун зарур бўлган бевосита шартлар, хусусан зарур инфратузилмани яратилиши, инновацион товарлар ва хизматларни яратувчиларни ҳамда илмий, инновацион ишланмаларни бозорга олиб киритиш ва тижорат маҳсулотига айлантиришда иштирок этувчи ташкилотларни қўллаб-қувватлаш, мазкур товарлар ва хизматларга муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш механизмларини таъминлашдан иборат.

Инновацион хизматлар бозорининг тўлақонли ривожланиши кўп жиҳатдан илмий ишланмалар яратишга ихтисослашган ташкилотларнинг нечоғлик шаклланиши ва самарали иш олиб боришидан ташқари, иқтисодийнинг реал сектори корхона ва ташкилотларининг илмий тадқиқот ишлари олиб бориш ва инновацион ишланмаларни яратишга қаратилган фаолиятига ҳам боғлиқ, чунки инновацион ишланмалар ва ғояларнинг асосий истеъмолчилари ҳисобланадиган мазкур субъектларнинг ўзлари яратган инновацион ишланмаларни амалиётга татбиқ этишга қаратилган ҳаракатлари, одатда бошқа ташкилотлартомонидан яратилган бундай маҳсулотларни сотиб олиш ва татбиқ этишга қаратилган уринишлардан кўра тез ва осон кечади ҳамда камроқ маблағ ва ресурслар талаб қилгани боис, одатда аксарият ҳолларда қўллаб- қувватланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Инновацион ривожланиш вазирлиги расмий веб сайти маълумотлари
2. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги расмий веб сайти маълумотлари
3. Ламбен Ж.Ж. Стратегический маркетинг. /Пер. с франц. –СПБ.: Наука, 1996.с.389
4. Минцберг Г., Альстренд Б., Школа стратегии. /Пер. с англ.- СПб.: Питер, 2000. с.336

УЎК 338.46

ОЗИҚ-ОВҚАТ ТОВАРЛАРИ В2В БОЗОРИДА СОТИШ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

М.С.Аминова, PhD, Урганч давлат университети, Урганч

Аннотация. Мақолада озик-овкат товарлари бозорининг моҳияти ва мазмуни, унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини баҳолашга услубий ёндашувлар, унга таъсир этувчи омиллар аниқланди. Озик-овкат бозори тушунчасини талқин қилишнинг турли ёндашувларининг ижобий томонлари ва камчиликлари таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: маркетинг технологиялари, озик-овкат товарлари, истеъмолчилар, озик-овкат бозорининг инфратузилмаси, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, ракобатбардошлик, қўшимча омиллар.

Аннотация. В статье определены сущность и содержание продовольственного рынка, методологические подходы к оценке его социально-экономического развития, факторы, влияющие на него. Анализируются плюсы и минусы различных подходов к трактовке концепции продовольственного рынка.

Ключевые слова: маркетинговые технологии, продукты питания, потребители, инфраструктура продовольственного рынка, сельскохозяйственная продукция, конкурентоспособность, дополнительные факторы.

Abstract. The article identifies the essence and content of the food market, methodological approaches to assessing its socio-economic development, the factors influencing it. The advantages and disadvantages of different approaches to the interpretation of the concept of food market are analyzed.

Keywords: marketing technologies, food products, consumers, food market infrastructure, agricultural products, competitiveness, additional factors.

Кириш. Янги Ўзбекистонда бизнес юритишнинг замонавий йўналишларини танлаш, инновацияларга асосланган маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, савдо-

логистика, сотиш ва сақлаш каби жараёнларни мувофиқлаштириш, бизнес юритишда рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш асосида иқтисодий ўсишга эришишга қаратилган йўналишларга алоҳида эътибор берилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш» [1] вазифаси белгиланган.

Замонавий иқтисодиётнинг озик-овқат сектори иқтисодий, техник, технологик, ахборот инфратузилмасига эга бўлган кўп тармоқли комплекс сифатида шаклланган. Озик-овқат товарлари бозори ўзига хос хусусиятларига эга бўлиб, у инсон фаолиятини бирламчи эҳтиёжларини таъминловчи зарурий товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлган муносабатларни ўз ичига олади. 2022–2026 йилларда мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида «асосий турдаги озик-овқат маҳсулотлари нархларини барқарорлаштириш захираларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш қоидаларини ишлаб чиқиш (истеъмолбозорларига интервенциялар қилиш) бўйича чораларни назарда тутувчи» [2] механизмлар алоҳида банд қилиб келтирилган.

Озик-овқат товарлари бозори - бу кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, уларни ишлаб чиқарувчиларидан истеъмолчиларига етказиб бериш билан боғлиқ бўлган мураккаб тузилмавий савдо тизимларини ўзида бирлаштирувчи жараёнларда бўладиган муносабатлардир. Ушбу бозор нафақат аграсаноат бозори билан, балки кишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш самарадорлиги унинг рақобатбардошлиги ва аҳоли даромадларининг ўсиши кабилар шунингдек, бозор механизми элементларининг ҳолати ва динамикасини белгиловчи омиллар билан бевосита боғлиқдир.

Адабиётлар шарҳи. Жаҳон олимларнинг фикрига кўра, озик-овқат бозори ва унинг ўзгариш хусусиятларини ўрганаётганда, фанлараро ёндошувдан фойдаланиш керак, чунки ушбу бозорнинг ҳозирги ривожланиш тенденциялари неоклассик назария доирасида таҳлил қилиниши мумкин эмас, чунки иқтисодий бўлмаган кўплаб объектив ва субъектив омиллар (ижтимоий, демографик, сиёсий ва бошқалар) озик-овқат товарлари бозори ва унинг конъюнктурасига жиддий таъсирлари мавжуд.

Жаҳон озик-овқат товарлари бозори субъектларининг хатти-ҳаракати неоклассицизм назариясига тўғри келмайди. Масалан, Т. Веблен назариясига асосланган ҳолда А.В.Савелиев фикрича, озик-овқат товарлари бозорини таҳлил қилишда бирламчи талаб эканлигини доимо ҳисобга олиниши лозимлиги таъкидланади. Яъни бир назария тескари назария сифатида Энгел қонуни амал қилади, унга асосан умумий истеъмолда озик-овқат харажатлари улушининг пасайиши уй хўжалиқларининг фаровонлигининг ошиши билан изоҳланади, Беннетт қонунидан эса аҳоли даромадларининг ўсиши билан истеъмол қилинадиган ҳайвон оқсиллари фоизини кўпайтиради, Тиммер қонуни озик-овқат нархларининг ўзгарувчанлигига кам даромадлиларга нисбатан сезгир эканлигини кўрсатади, Ф.Гарда назариясида озик-овқат товарларига бўлган талаб - деярли мукамал талаб сифатида қаралади [3].

Озик-овқат товарлари бозори узлуксиз ривожланиш ҳолатида бўлган ўзини ўзи тартибга солувчи тизимдир.

В2В бозорида сотувларни бошқаришнинг назарияси ва амалиёти кўплаб олимлар томонидан ўрганилган бўлиб, унинг асосий назариялари Ковалев А.И., Уэбстер Ф., Минетт С. Котлер Ф каби олимларнинг тадқиқотларида ёритилган. Жумладан, Ковалев А.И. [4] тадқиқотларида савдо агентлари фаолиятини ташкил этиш ва уларнинг самарадорлигини аниқлашнинг методологик асосларини яратган бўлса, Ф. Уэбстер тадқиқотларида эса савдо дистрибьюцияси фаолиятини самарали ташкил этишга алоҳида аҳамият қаратилган [5]. Ф.Уэбстер томонидан саноат мижозлари билан муносабатларни ўрнатиш бўйича «Капплан» модели, ҳамда саноат сотувларининг бошқаришнинг маркетинг савдо бўйича интеграциялашган тизими таклиф этилади. Шунингдек, халқаро амалиётда "оптимал озик-овқат савати" тушунчаси мавжуд бўлиб, унда нафақат истеъмол савати таркибидаги эксперт

баҳолари, балки Д. Гордон [6] ва В. Садков [7] асарларида таҳлил қилинган камбағаллик мезонлари, шунингдек, ёшга, жинсга боғлиқ бўлган қўшимча омиллар, турмуш даражаси, даромад, касб каби омиллар ҳисобга олинади. Л.А.Алиева [8], Ю.Б.Кострова [9], С.У.Нуралиева [10] ларнинг берган таърифларида озиқ-овқат бозорининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олинмаганлиги яққол кўриниб турибди, ушбу тадқиқотларда ҳар қандай бозор учун мос келадиган умумий тушунчалар алоҳида ажратиб кўрсатилган. Яна бир россиялик олим Н.П.Кетова томонидан озиқ-овқат товлари бозорига “озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, муомалада бўлиш ва тарқатиш жараёнида пайдо бўладиган иқтисодий муносабатлар тизими, харидор ва сотувчиларни танлашда, нархларни белгилашда, ресурсларни шакллантиришда, маълумотлардан фойдаланишда хўжалик юритувчи субъектларнинг эркин ҳаракатлари билан тавсифланади” [11] деб таъриф берилган. Ушбу таърифнинг юқутли жиҳати бозор элементларининг тўлиқ акс эттирилгалиги билан изоҳланса, камчилиги эса бозорнинг ахборот алмашиш бўйича таркибий қисми ўз ичига олмаганлидир. Бундан ташқари кўплаб олимлар озиқ-овқат товарлари бозорини турли жиҳатларини таҳлил қилган бўлиб, бунда энг муҳим жиҳат аҳоли истеъмолини тўлиқ ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш муаммоси барча тадқиқотларнинг бош ғояси ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Озиқ-овқат товарлари В2В бозорида сотиш тизимини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш жараёнида юзага келувчи иқтисодий муносабатларни таҳлил қилиш учун тадқиқот жараёнида статистик таҳлил, омилли таҳлил, график талқин, корреляцион-регрессион таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Озиқ-овқат бозоридаги иқтисодий муносабатларнинг моҳияти, бир томондан, харажатларни қоплаш, иккинчи томондан, қиймат қонунида ёки озиқ-овқат бозори фаолиятининг асосий қонунида назарда тутилган эквивалент алмашинув асосида эҳтиёжларни қондиришдир

Характерли белгиларига қараб озиқ-овқат товарлари бозорларининг кўп турлари мавжуд (1-расм).

Озиқ-овқат товарлари бозори ҳудудий қамрови бўйича дунё, давлатлараро, умуммиллий, минтақавий ва маҳаллий бозорларга бўлинади. Таъминот нуқтаи назаридан, экспорт қилувчи ва импорт қилувчи бозорларга ажратилади. Товарлар ҳаракати шаклига кўра, улгуржи (В2В) ва чакана (В2С) бозорлар ажралиб туради, сақлаш муддати бўйича - узоқ муддатга мўлжалланган товарлар бозори ва тез бузиладиган маҳсулотлар бозори каби таснифланиши мақсадга мувофиқ.




1-расм. Озиқ-овқат товарлари бозорининг хусусиятларига кўра таснифланиши (Муаллиф ишланмаси)

Турли хил озиқ-овқат бозорлари тўлов қобилиятига бўлган талабнинг паст даражадан юқори даражасигача фарқ қилади. Бозорда сотиладиган маҳсулотга қараб эса озиқ-овқат бозорлари нон ва нон маҳсулотлари, гўшт, сут, сабзавот, мева ва бошқа бозорларга бўлиб таснифланиши тавсия этилади.

Озиқ-овқат бозорининг асосий турлари товарларни савдо орқали сотиш жараёнида амалга ошириладиган талаб ва таклиф муносабатларидир. Бу ишлаб чиқаришдаги таркибий силжишларни келтириб чиқарадиган, нархлар даражаси ва динамикасига таъсир этувчи, агробизнес секторлари ўртасида капиталнинг ошиб боришага ёрдам берадиган восита ҳисобланади. Шунга асосланган ҳолда озиқ-овқат товарлари бозори алоҳида элементларнинг ўзаро алоқавий тизими 2-расмга асосан тавсия этилади.

Бизнинг фикримизча, озиқ-овқат товарлари бозори уни бошқа турли товарлар бозорларидан ажратиб турадиган бир қатор характерли иқтисодий хусусиятларга эга. Иқтисодий адабиётларни ўрганиш натижаларини умумлаштириш асосида озиқ-овқат бозорининг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини ажратиш мумкин:

- етказиб бериш ҳажмида бошқаришнинг чекланганлиги;
- беқарорлик ва нотекис таъминот;
- таъминотнинг паст эгилувчанлиги;
- талабнинг паст эгилувчанлиги;
- юқори саноат хавфлари;
- талабнинг узлуксизлиги;
- бошқа бозорларга нисбатан юқори харажатлар;
- бошқа бозорлар билан таққослаганда юқори рақобат;
- минтақавий тафовутлар, уларни бартараф этишнинг қийинлиги;
- маданий анъаналарнинг ишлаб чиқариш таркибига таъсири.



2-расм. Озиқ-овқат товарлари бозорининг алоҳида элементларининг ўзаро боғлиқлик схемаси (Муаллиф ишланмаси)

Озиқ-овқат бозори қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ўз ишлаб чиқариш ҳажмини бошқариш имкониятига эга эмаслиги учун ҳам табиий омилларнинг билвосита таъсирига учрайди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва таклиф ҳажмининг ўзгариши нархлар ва талаб даражаларининг динамикасига юқори эгилувчанлиги кузатилади.

Хулоса ва таклифлар. Овқат товарлари бозорининг ўзига хос хусусияти, биринчи навбатда, сотувчилар ва харидорлар ўртасидаги муносабатлар ва воситаларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобланиб, ишлаб чиқарувчи томонидан озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ўз вақтида ошириш ёки камайтиришнинг иложи бўлмаган ҳолатларда ҳам озиқ-овқат истеъмолчини харидор узок вақт давомида ушлаб туrolмаслигидир. Шу сабабли, истеъмолчи томонидан ҳам, ишлаб чиқарувчи томонидан ҳам, маълум бир тизим сифатида бозорнинг ўзига хос хусусияти сифатида тан олиниши керак. Шундай қилиб, ҳар доим ҳам бозорнинг асосий таркибий қисмлари - талаб ва таклиф нарх тизимидан келиб чиқиб, бошқа томоннинг позициясига мос равишда жавоб бера олади. Озиқ-овқат маҳсулотлари B2B бозорида сотишни бошқариш бўйича мақсадли стратегияларни ишлаб чиқишда асосан учта

муҳим йўналишга эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатади: биринчидан, маркетинг комплексида шахсий сотувларнинг роли белгилаб олинishi лозим; иккинчидан, савдо персонали ишини ташкил қилиш ва бошқариш билан боғлиқ қатор қарорлар қабул қилиш, жумладан, сотув бўлими ҳажми ва таркибини белгилаш, танлов, ўқитиш, мотивация, компенсация, фаолиятни назорат қилиш ва баҳолаш зарур; учинчидан, сотувчиларнинг саъй-ҳаракатларини муайян мақсадларга – сотиш ҳудудлари, товар линиялари ва мижозларга йўналтириш лозим. Озиқ-овқат бозорида мавжуд вазиятни таҳлил қилиш савдо тизимини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади. Бунга эркин рақобатни яратиш, агросаноат комплекси ва озиқ-овқат саноатининг ўзаро тизимли интеграциясини таъминлаш, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида воситачилар сонини камайтириш орқали қўйилган мақсадларга эришиш имконияти мавжуд.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси. Ўзбекистондасавдо. 2014-2017 й. Тошкент 2018 й. 61-69-бетлар; Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси. Ўзбекистондасавдо. Тошкент 2019 й. 64-65-бетлар
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони. – www.lex.uz.
3. Савельева А. Трансформация мирового рынка продовольствия и опыт адаптации к его новым условиям (на примере Бразилии): Автореф. ... дисс. канд. экон. наук: 08.00.14 / Савельева Алина Вячеславовна. - М.: РУДН, 2013. - С. 5-6
4. Ковалев А.И. Промышленный маркетинг (Часть I, II). - М.: ООО Фирма «Благовест-В», 2002 г. – 304, / 312 с
5. Основы промышленного маркетинга /Фредерик Уэбстер. – М.: Издательский Дом Гребенникова, 2005. – 416 с.
6. Gordon D. Indicators of poverty and hunger / D. Gordon // Expert group meeting on youth development indicators. - 2005. - P. 12-14
7. Садков В. Формирование эффективной стратегии развития регионов на основе совершенствования расчетов потребительских бюджетов / В.Г. Садков, Л.И. Старикова, Е.В. Новикова // Управление общественными и экономическими системами. - 2011. - № 2.
8. Алиева Л. Инновационная система развития агропродовольственного рынка / Л.Алиева, Т. Светлорусова // АПК: экономика, управление. – 2007. – № 4. – С. 50–52
9. Кострова, Ю. Б. Анализ продовольственного рынка России: монография / Ю. Б. Кострова. – СПб. : Издательство Санкт-Петербургского университета управления и экономики, 2014. – 184 с.
10. Нуралиев, С. У. Основные направления развития и регулирования продовольственного рынка в условиях вступления России в ВТО / С. У. Нуралиев, Д. С. Нуралиева // Пищевая промышленность. – 2012.– №12. – С. 10–13.
11. Кетова, Н. П. Отраслевой маркетинг: стратегии, функции, приоритеты: учеб. пособие / Н. П. Кетова. – М. : Вузовская книга, 2012. – 320 с.

УЎК 330.4

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШНИН ИМИТАЦИОН МОДЕЛИ

Н.И.Асқарова, ассистенти, ТАТУ Қарши филиали, Қарши

Аннотация. Мақолада бизнес ва кичик бизнесни инновацион ривожлантиришнинг имитация моделини ишлаб чиқиш босқичлари, иқтисодий самаралари ва моделларнинг аҳамияти ёритилган.

Калит сўзлар. Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, эконометрия, имитацион моделлаштириш.

Аннотация. В статье рассматриваются этапы разработки имитационной модели инновационного развития бизнеса и малого бизнеса, ее экономические эффекты и важность моделей.

Ключевые слова. Малый бизнес, частный бизнес, эконометрика, имитационное моделирование.

Abstract. The article discusses the stages of developing a simulation model of innovative business and small business development, its economic effects and the importance of models.

Keywords. Small business, private business, econometrics, simulation modeling.

Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий слоҳотларнинг натижаси ўлароқ мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, қўшма корхоналар тузиш, корхоналарни очиқ типдаги акциядорлик жамиятларига айлантириш ва айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига катта эътибор берилмоқда.

Мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий мақсадларидан бири Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этишдан иборат. Бугунги кунда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес корхоналарини инновацияларни жорий этиш муҳим масала сифатида қаралмоқда.

Бизнесда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг асосий мақсади бу иқтисодий самарага эришишдир, бу эса ўз навбатида фаолиятни олдиндан башоратлаш масаласини кўндаланг қўяди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни иқтисодий баҳолаш ва башоратлаш учун бир қанча эконометрик моделлардан фойдаланиш мумкин.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг ўтган, ҳозирги ва келгуси даврларда прогноз қилинадиган сифат ва миқдорий кўрсаткичларини ёритиш учун автоматлаштирилган ахборот имитация тизимдан фойдаланиш мумкин бўлади.

Имитацион моделлаштириш - компьютерда моделлар ишлаб чиқиш ва улар устида тажрибалар ўрнатиш. Имитацион моделлаштириш мақсади:

пировард натижада оқилона, мақсадга мувофиқ қабул қилинади бошқарув қарорлари; кутиладиган муаммоларни ҳал қилишга тайёрлаш;

таҳлил қилиш, прогнозлаш, моделлаштириш жараёнлари билан боғлиқ профессионал йўналтирилган ахборот тизимлари доирасида инновациялар соҳасининг натижаларига асосланиш.

“Имитацион” моделлаштиришнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- иқтисодий тизимнинг яхлит кўринишини шакллантириш биргаликда математик моделлар ва жойлашувни симуляция моделлари, шунингдек навбатда туриш жараёнларини ўрганиш;

- инновацион объектга тақлид қилишни ўргатиш уч ўлчовда: моддий, пул ва ахборот;
- иқтисодий башорат ва башорат қилиш иқтисодий жараёнларнинг ривожланиши;
- амалда бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган кўникмаларни шакллантириш.

Бугунги кунда компьютерли моделлаштириш инсон фаолиятининг барча соҳаларида масъулиятли қарорларни қабул қилишда муҳим босқичига айланмоқда, чунки инсон бошқариши керак бўлган тизимларнинг мураккаблиги шуни талаб этади. Моделлаштириш тамойиллари ва имкониятларини билиш, моделларни яратиш ва қўллаш қобилияти муҳандис, менежер, бизнес таҳлилчиси учун зарур талаб ҳисобланади [1].

Айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни инновацион ривожлантиришда ҳам компьютерли моделлаштириш асосий усул деб ҳисоблаш мумкин.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тизимли таҳлил тамойилларига асосланган ҳолада имитацион моделини ишлаб чиқшда қуйидаги блик схемадан фойдаланишни таклиф этамиз:

Тизимли таҳлил тамойилларига мувофиқ биз уй-жой коммунал хўжалигининг имитация моделини қуйида келтирилган блок-схема бўйича тузишни таклиф этамиз(1-расм).

Моделни тузиш тўрт босқичда амалга оширилади:

1. Назария ва амалиётнинг ўзаро таъсир этиши асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни инновацион ривожлантиришни таҳлил этиш учун мавжуд эконометрик моделларнинг мос синфи танланади.

2. Моделни реал маълумотлар билан мослигини текшириб кўрилади ва моделни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликдаги реал маълумотларга тўлиқ мос келиши текширилади ва мослаштирилади. олинган дастлабки маълумотлар моделнинг кийинги босқичига узатилади.

3. Мослаштириш жараёнида олинадиган дастлабки баҳолардан параметрларни баҳолашнинг аниқ қадамлар усулларида фойдаланиш мумкин.

4. Ишлаб чиқилган моделининг мослигини текшириш мослаштиришнинг эҳтимолий нуксонларини ва уларнинг сабабларини аниқлаш имконини беради. Моделнинг бу босқишида адекватлилик текширилади ва бу жараён кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни инновацион ривожлантиришнинг мос модели топилгунга қадар цикл давом этади.



1-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни инновацион ривожлантиришнинг имитация модели моделини тузишнинг асосий босқичлари

Худудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг инновацион ривожлантириш мақсадида, хизмат кўрсатиш корхоналарининг фаолиятини баҳолашни ахборот тизимлаштирилган усулларини ишлаб чиқишда имитацион моделлаштириш, алгоритмизация ва ахборот таъминоти билан боғлиқ муаммолар пайдо бўлади.

Юзага келадиган муаммони ечимини топиш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда вазифаларни амалга ошириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини инновацион воситаларини ташкил қилувчи тузилмаларни ишлаб чиқиш ва соҳада хизмат кўрсатиш сифатини ошириш муаммосини ҳал қилишга қаратилган тезкор бошқаришнинг имитация модели босқичлари ишлаб чиқилди. Модель нафақат хизматларни тақдим этиш сифатини оширишга, балки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг айрим йўналишларини такомиллаштириш мақсадида хизмат кўрсатиш корхоналар объектининг бизнес-жараёнларини доимий равишда кузатишга ҳам имкон беради.

Бу модел 10 та босқичдан иборат бўлиб, унда ҳар бир блокнинг даражаларни аниқлаш соҳаларини тузилмаси келтирилган:

1-блок. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бозор таҳлили

2-блок. Маҳсулотларни, хизматларни сотиш ҳажминини аниқлаш.

3-блок. Харажатлар (харажатлар таркибини таҳлил қилиш, харажатларни таҳлил қилиш, харажатларнинг ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқлигини таҳлил қилиш ва бошқалар). Соҳада фаолиятни амалга оширишга қаратилган харажатлар: ишлаб чиқариш, сотиш, маъмурий ва бизнес харажатлари, илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш харажатлари, фаолият билан бевосита боғлиқ бўлган барча харажатларни ўз ичига олади.

4-блок. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорли соҳасида фаолият юритаётган корхоналар объектининг даромадини аниқлаш. Даромад асосий фаолият, инвестиция ва молиявий фаолият натижасида капиталнинг кўпайиши билан боғлиқ. Даромаднинг олинishi активлар, пул маблағлари ва бошқа мулкларнинг кўпайиши билан боғлиқ.

5-блок. Фойда миқдорини аниқлаш. Фойда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида фаолият юритаётган корхоналар объектини бошқаришнинг ажралмас қисмидир.

Соҳада хизмат кўрсатаётган корхоналар объектининг фойдаси кўпгина омилларга боғлиқ:

- ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши ва камайиши;
- хизматлар ишлаб чиқариш таннархидаги ўзгаришлар (ўсиш);

• маҳсулотлар, хизматлар истеъмолчиларининг тўлов қобилияти.

6-блок. Молиявий режани ишлаб чиқиш. Молиявий режалаштириш бизнесда режалаштиришнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Жорий молиявий режалаштиришнинг асоси даромадлар ва харажатлар баланси ҳисобланади.

Молиявий режа барча фаолият турлари, шу жумладан кредит ташкилотлари, рақобатбардош корхоналар объекти ва ташкилотлар ва ҳокозоларни ўзида акс эттиради.

7-блок. Инвестицияларни режалаштириш. Инвестиция режаси-бу янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ёки янги маҳсулотлар (хизматлар) ни яратиш ва ишлаб чиқаришга инвестициялар киритиш орқали маҳсулот (хизматлар) ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган маблағ бўйича ҳаракатлар режаси.

Режани ишлаб чиқиш жараёнида инвестиция объектини тавсифловчи кўрсаткичларни, шунингдек уларнинг ўзгариши доирасини ҳисобга олган ҳолда хизмат кўрсатиш корхоналар объектини ривожлантиришга йўналтирилган инвестиция дастурлари тўплами шакллантирилади.

8-блок. Ресурслар билан таъминлашни режалаштириш. Бу маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш, таннархни пасайтириш, фойда ўсиши, рентабелликни ошириш, хизмат кўрсатиш корхоналар объектини зарур миқдорда ва сифатли хом ашё билан ўз вақтида ва етарли даражада таъминлаш режаларини ўз вақтида амалга оширишни кўзда тутати.

Моддий ресурсларни режалаштиришни бошлашдан олдин, моддий-техник таъминот режасининг бажарилиши таҳлили ўтказилади.

9-блок. Бозор иштирокчилари билан мувофиқлаштириш. Маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқариш дастури қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган:

Истеъмолчилар учун маҳсулотлар ва хизматларнинг очиқлиги принципига риоя қилиш;
Дастур давомида аниқланган кўрсаткичларга эришиш.

Ушбу блокда хизмат кўрсатиш корхоналар объекти дастурининг асосий кўрсаткичларини мувофиқлаштириш бўйича операциялар амалга оширилади. Мувофиқлаштириш жараёнида кўрсаткичлар ўрнатилади.

10-блок. Мониторинг. Мониторинг белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни даврий йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш орқали амалга оширилади ва амалдаги кўрсаткичларнинг келишилган дастур кўрсаткичларидан оғиши ва уларнинг пайдо бўлиш сабабларини таҳлил қилишга имкон беради:

Режаларнинг бажарилишини самарали мониторинг қилиш учун хизмат кўрсатиш корхоналар объектининг самарадорлиги ва сифатини акс эттирувчи кўрсаткичларни ҳисобга олиш ва баҳолашни ташкил этиш керак. Олинган маълумотлар мақсадларга эришиш даражаси ва ишлаш кўрсаткичларини баҳолашни таъминлаши керак бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни инновацион ривожлантиришни имитацион моделини ишлаб чиқиш орқали соҳада юзага келиши мумкин бўлган салбий ҳолатларни олдини олиш ва истикболли келажагини кўра билиш ва шунга кўра фаолиятни ташкил этиш мумкин бўлади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Киселева М.В. Имитационное моделирование систем в среде Anylogic. Учебно-методическое пособие, Екатеринбург, УГТУ-УПИ. 2009 - 88 с.
2. Introductory Econometrics, A Modern Approach, 4e, Jeffrey M. Wooldridge Michigan State University, 2014.
3. Эконометрика, Т.Кучкаров, А.Ишмурадов, Д.Худайназарова, Т.2020.
4. Экономико-математические методы и прикладные модели. Учебное пособие. /Под ред. В. В. Федосеева. -М.: ЮНИТИ, 2010.

ПЕРСПЕКТИВЫ ЭЛЕКТРОННОГО БИЗНЕСА НА ОСНОВЕ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ И ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В НАШЕЙ СТРАНЕ*У.М.Асраев, старший преподаватель, Ташкентский финансовый институт, Ташкент**Annotatsiya. Maqolada elektron biznes chuqur tahlil qilingan va ta'kidlangan.**Kalit so'zlar: raqamli iqtisodiyot, elektron hukumat, axborot, biznes.**Аннотация. В статье глубоко анализируется и освещается электронное предпринимательство.**Ключевые слова: цифровая экономика, электронное правительство, информация, бизнес.**Abstract. The article deeply analyzes and highlights e-business.**Keywords: digital economy, e-government, information, business.*

Испытания пандемии, выпавшие на долю человечества, внесли кардинальные изменения в его социальную, экономическую и интеллектуальную жизнь. В частности, это привело к массовому переходу образования, торгово-экономических, социальных отношений на полностью онлайн-площадки.

В частности, можно сказать, что это послужило причиной разработки и реализации в Узбекистане программы «Цифровой Узбекистан-2030». В первую очередь главной целью было создание продуманных и совершенных организационно-правовых механизмов, а также обеспечение слаженного взаимодействия государственных органов и субъектов предпринимательства по внедрению инновационных идей, технологий и разработок.

Глава нашего государства Шавкат Мирзиёев поставил первоочередной задачей охватить производство и оказание услуг во всех отраслях и отраслях цифровыми технологиями, вырастить кадры, обладающие глубоким знанием современных знаний и интеллектуального потенциала, создать среду «информированного общества» в стране.

Потому что сейчас долгосрочное развитие цифровых технологий определяет тенденции развития экономики и ведет к кардинальным изменениям и комплексному развитию общества.

Сегодня формирование цифровой экономики считается одним из приоритетов для многих стран, например, примерами этого являются такие ведущие страны, как США, Великобритания, Германия, Япония [1].

Как правило, для этих стран характерен длительный период реализации «цифровой повестки развития» и преемственность приоритетов — от создания базовой информационно-коммуникационной инфраструктуры до формирования согласованной инфраструктуры.

Политика в этой области и программы поддержки широкого внедрения цифровых технологий все более динамично переходят на новые этапы.

Поэтому реформы цифровизации были выдвинуты нашим президентом в программе от Стратегии действий к Стратегии развития. Недаром Президент Шавкат Мирзиёев в Послании Сенату и Законодательной палате Олий Мажлиса объявил 2020 год годом науки, просвещения и цифровой экономики.

Следует отметить, что после этого обращения у нашего населения стало возникать много вопросов о термине «цифровая экономика».

Тем не менее, если вы спросите некоторых людей, что такое цифровая экономика?

Цифровая экономика – это система реализации экономических, социальных и культурных отношений, основанная на использовании цифровых технологий. Иногда ее называют интернет-экономикой, новой экономикой или веб-экономикой.

Первоначально, в 1995 году, термин «цифровая экономика» ввел в практику американский программист Николас Негропonte. В настоящее время этим термином пользуются политики, экономисты, журналисты, бизнесмены - почти все они. В 2016 году Всемирный банк впервые опубликовал отчет о состоянии цифровой экономики в мире под названием «Цифровые дивиденды»[2].

Цифровая экономика в действии: например, покупателю нужна обувь. Если он напрямую выбирает ее на рынке и покупает за наличные, это считается традиционной экономикой. Выбор нужного товара через торгового бота в Telegram, оплата владельцу товара через электронную платежную систему и получение товара через службу доставки называется цифровой экономикой. Этот вопрос поясняется на простейшем бытовом примере. По сути, мы все уже в цифровой экономике, пользуемся ее удобствами. В частности, наши ежемесячные платежи идут на пластиковые карты, мы осуществляем оплату коммунальных услуг, телефона, интернета и других товаров и услуг посредством электронных платежей, сдаем налоговые декларации в электронном виде, переводим деньги с карты на карту, заказываем еду сидя и т.д.

Если описывать цифровую экономику с научной точки зрения, то это не какая-то другая экономика, которую нужно создавать с нуля, а создание новых технологий, платформ и бизнес-моделей и внедрение их в повседневную жизнь. Это означает перевод существующей экономики на новую систему.

Знаки:

высокая степень автоматизации;

обмен электронными документами;

электронная интеграция систем учета и управления;

электронные базы данных;

Наличие CRM (системы взаимодействия с клиентами);

включает корпоративные сети.

Ярким примером развития цифровых платформ является китайская компания Alibaba, у которой есть система электронной коммерции. Опыт его использования показывает, что в процессе сбора данных создаются конкурентные преимущества для экспансии в различные отрасли экономики. Alibaba — это не просто цифровая платформа, а экосистема платформ.

Цифровая экономика значительно повышает уровень жизни людей, что является ее основным преимуществом.

Цифровая экономика является основным звеном коррупции и «черной экономики». Потому что числа запечатывают все, сохраняют в памяти, быстро предоставляют информацию, когда это необходимо. В таких условиях невозможно скрыть какую-либо информацию, совершить тайные сделки, не предоставить полную информацию о той или иной деятельности, компьютер все выявит. Обилие и систематичность информации не допускает лжи и мошеннических действий, ведь обмануть систему невозможно. В результате не получится отмыть «грязные деньги», украсть средства, использовать их неэффективно и бесцельно, приумножить или спрятать. Это увеличит поступление законных средств в экономику, налоги будут уплачиваться вовремя и правильно, распределение бюджетных средств будет открытым, средства, направляемые в социальную сферу, не будут разворовываться, школы, больницы, деньги, выделенные на дороги, поступят в полном объеме.

В системе образования Узбекистана создан ряд учебных пособий, учебников и различной литературы по науке цифровой экономики, в частности, С.С. Гулямов, Р.Х. Аюпов, О.М. Абдуллаев, Г.Р. Балтабаева написала учебник «Блокчейн-технологии в цифровой экономике» (Гулямов С.С., Аюпов Р.Х., Абдуллаев О.М., Балтабаева Г.Р. Блокчейн-технологии в цифровой экономике. Т.: ТМИ, изд-во «Экономика-Финансы», 2019, 447 с.)

Это руководство из восьми глав на 443 страницах посвящено описанию быстро развивающейся и широко разрекламированной цифровой экономики и ее инфраструктуры. Он содержит некоторую информацию по вопросам, связанным с проблемами, лежащими в основе цифровой экономики, механизмом перехода к цифровой экономике, функциями хеширования, которые являются важным элементом криптографии. После этого описывается логика перехода от криптографии к цифровым валютам, основные виды криптовалют и их свойства. Показано понятие ИСО, которое используется для привлечения инвестиций в различные проекты, и его сущность. В конце руководства есть ответы на несколько вопросов о

криптовалютах и глоссарий, который поможет вам узнать больше об этой области. Пособие рекомендовано для студентов, обучающихся по специальностям бакалавриата и магистратуры высшего образования, предназначено для использования финансово-банковскими и научными работниками, проводящими исследования в данном направлении, а также всеми субъектами хозяйствования, заинтересованными в инновациях в сфере криптовалют.

- Перспективы развития в Узбекистане и мировой опыт. Материалы международной научно-практической онлайн-конференции» (Ташкент: Высшая школа Бизнеса и предпринимательства 2020. – 979 с.) опубликованы и утверждены Указом Президента Республики Узбекистан № ПФ-5953 от 2 марта 2017 года. -В 2021 году на основании приоритетных задач, определенных в Государственной программе по реализации стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в «Год науки, просвещения и развития цифровой экономики», цифровая экономика, корпоративные и научные статьи по управлению проектами, бизнес-стратегиям и моделям, навыкам предпринимательства, сокращению бедности, электронной коммерции и вопросам маркетинга.

Вместе с тем, в целях поддержки стремлений и идей молодежи к науке, 24 декабря 2020 года в Высшей школе бизнеса и предпринимательства при Министерстве экономического развития и сокращения бедности Республики Узбекистан —Цифровая Экономика: и Собраны конспекты лекций, поступивших на международную научно-практическую онлайн-конференцию «Перспективы развития в Узбекистане и мировая практика».

Выбор государства развивать цифровую экономику открывает новые направления в сфере информационных технологий и в целом в сфере электронного документооборота. Поворот к «цифровым технологиям» был вызван развитием глобальной сети Интернет и качественной связью.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Постановление Президента Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёева от 3 июля 2018 года №РQ-3832 «О мерах по развитию цифровой экономики в Республике Узбекистан».
2. Указ Президента Республики Узбекистан от 19 февраля 2018 года № ПФ-5349 «О мерах по дальнейшему развитию сферы информационных технологий и связи».
3. С. Гулямов, Р.Х. Аюпов, О.М. Абдуллаев, Г.Р. Балтабаева. Блокчейн-технологии в цифровой экономике. Т.: ТМИ, издание «Экономика-финансы», 2019, 447 с.

УЎК 338.26+364.2:613.2

МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ТАРМОҒИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ТАСНИФИ М.У.Ачилов, PhD, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент

Аннотация. Мақолада мева-сабзавот маҳсулотларининг мамлакат озиқ-овқат хавфсизли-гини таъминлашдаги ўрни, унинг инсонлар ҳаётидаги аҳамияти ва ҳозирги пайтда этиштириши ҳолати таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: мева-сабзавотчилик, самарадорлик, омиллар, модернизация, тасниф

Аннотация. В статье проанализирована роль плодоовощной продукции в обеспечении про-довольственной безопасности страны, ее значение в жизни людей и состояние выращивания на сегодняшний день.

Ключевые слова: плодоовощное производство, эффективность, факторы, модернизация, классификация.

Abstract. The article analyzes the role of fruits and vegetables in ensuring food security of the country, its importance in the life of people and the state of cultivation today.

Key words: fruit and vegetable production, efficiency, factors, modernization, classification.

Маълумки, мева-сабзавотчилик тармоғи юқори иқтисодий самарадорликка эришиш имкониятига эга бўлган ҳамда табиий, моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан мажмуавий тарзда фойдаланишга асосланган мураккаб тизимдир. Бунда олинадиган самарадорлик

сезиларли даражада табиий-иқлим шароитларига, мева ва сабзавот экинларининг худудий хусусиятларига, ихтисослаштириш, ишчи кучи, моддий-техника базаси ва бошқа кўплаб омилларга боғлиқдир.

Демак, мева-сабзавотчилик тармоғи ҳам қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари каби ўзига хос хусусиятларга эга. Шунинг учун ҳам, юқорида таъкидлаганимиздек, мева-сабзавотчиликни модернизация қилишда тармоқ-нинг алоҳида ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш мақсадга мувофиқ.

Юқорида қайд этилганлардан, бизнингча мева-сабзавотчилик тармоғини модернизациялашнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларни ўз ичига олади, жумладан (1-расм):



1-расм. Мева-сабзавотчилик тармоғини модернизациялашнинг ўзига хос хусусиятлар (Муаллифнинг тадқиқотлари асосида тузилган)

Мева-сабзавот маҳсулотлари тез бузилувчанлик хусусиятига эга бўлганлиги боис уларни сақлаш ва қайта ишлаш тизимини жадал ривожлантириш лозимлиги. Мева-сабзавот маҳсулотларнинг тез бузилув-чанлиги уларни сақлаш ва қайта ишлаш масаласига жиддий эътибор бериш кераклигидан далолат беради.

Мева-сабзавот ишлаб чиқаришнинг яна бир ўзига хослиги, уни бошқа тармоққа нисбатан (пахта-ғаллачилик) кўпроқ махсус техника воситалари билан таъминлаш зарурлиги. Маълумки, мева-сабзавотчи-ликда ишлаб чиқаришнинг ўзига хослиги, мева-сабзавот етиштириш агротехикасини самарали бажариш, маҳсулотни ташиш жараёнларини махсус техника воситаларисиз амалга ошириб бўлмайди.

Мева сабзавотчилик бошқа тармоқларга нисбатан иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлашда устуворликка эга. Мева-сабзавотчиликда, масалан, ғаллачиликка нисбатан икки марта кўп ишчи кучи талаб қилинади. Бунда мева-сабзавотчиликда бир жойда яратилган иш ўрни учун бошқа жойда занжир бўйича (қайта ишлаш, ташиш ва сотиш бўғинларида) учта иш ўрни яратилиши мумкин.

Мева-сабзавот маҳсулотларини ташиш ноқулайлиги (нотранспор-табел) туфайли уларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ҳамда тараларга эҳтиёж юқорилиги. Мева ва сабзавот маҳсулотларининг аксария-тини махсус тараларсиз ташиш уларнинг сифатига ва харидорлигига таъсир қилади.

Мева-сабзавотчилик тармоғида, хусусан мевачиликда экилган кўчатлар камида уч йилдан кейин ҳосилга кириши. Маълумки, мева-сабзавотчилик тармоғида, хусусан мевачиликда экилган кўчатлар камида уч йилдан кейин ҳосилга киради. Бу эса хўжаликларни, айниқса янги ташкил этилаётган боғдорчилик фермер хўжаликларини мевали дарахтлар

ҳосилга киргунга қадар давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ёки молиявий кўмак бериш тақозо этилади.

Мева-сабзавотчиликда етиштирилаётган ялпи маҳсулот таркибида деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгалари улуши юқори эканлиги. Мева-сабзавотчиликда етиштирилаётган ялпи маҳсулот таркибида деҳқон хўжа-лиги ва томорқа ер эгалари улуши сезиларли даражада юқоридир.



2-расм. Мева-сабзавотчилик тармоғини модернизациялашга таъсир этувчи омиллар тизими (Муаллифнинг тадқиқотлари асосида тузилган)

Биз тадқиқотларимизда мева-сабзавотчилик тармоғини модернизация-лашга таъсир этувчи омилларни урта асосий гуруҳга ажратдик, булар: тармоқни техник ва технологик янгиланишига таъсир кўрсатувчи омиллар, ишлаб чиқариш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга таъсир этувчи омиллар, тармоқни бошқариш ва ташкилий-иқтисодий муносабатларни барқарорлаштириш омилларидир.

Технологик омиллар махсус техника ва серҳосил кўчат навлари билан таъминлаш, агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш ва илғор технологияларни жорий қилиш каби долзарб масалалардан иборат. Бу омиллар мева-сабзавотчиликни янги ҳосилдор касалликларга чидамли навлари билан таъминлаш орқали юқори ҳосил олиш, махсус техникалар билан таъминланиши эса етиштирилган ҳосилни нобуд қилмай йиғиштириб олиш имконини беради.

Ишлаб чиқариш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга таъсир этувчи омилларга эса мева-сабзавотчиликда ишлаб чиқариш таркибини такомиллаштириш, бунда кўпроқ маҳсулотни сақлаш ва қайта ишлаш тармоқлар улушини ошириш; худудларнинг табиий-иқлим ва тупроқ шароитларидан келиб чиққан ҳолда мева-сабзавот экинларини ихтисослаш-тириш; мева-сабзавот экинларини ихтисослашганлик даражасига кўра модий-техника ресурслари таъминоти ва хизмат кўрсатувчи ҳамда бозор инфратузилма объектларини ихтисослаштириш; ресурстежовчи технология-ларни жорий этишни рағбатлантириш ва бошқаларни келтириш мумкин.

Тармокни бошқариш ва ташкилий-иқтисодий муносабатларни барқарор-лаштириш омилларига қуйидагилар, яъни: мева-сабзавотчиликда замонавий менежмент, маркетинг услубларини кенг жорий этиш; кооперация муноса-батларини жорий этиш ва кластер тизимини такомиллаштириш; мева-сабза-вотчилик тармоғини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчлар киритиш, зарур бўлган ҳолларда янги қонун ва қонуности ҳужжатларни қабул қилиш; ишлаб чиқарувчилар билан таъми-нотчи, хизмат кўрсатувчи ва бошқа бозор субъектлари ўртасида шартно-мавий муносабатларни такомиллаштириш ва шартнома интизомига қатъий риоя этиш, шунингдек, молия-кредит, баҳо, солиқ ва суғурта тизими ҳамда рағбатлантириш механизмлари киради.

Тармокни ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар соҳада амалга ошириладиган иқтисодий муносабатлар даража-сини белгилаб беради. Иқтисодий муносабатларни тўғри ташкил қилмай туриб тармокни ривожлантиришга эришиб бўлмайди.

Хулоса қилиб айтганда, бозор иқтисодиёти шароитида мева-сабзавот-чилик тармоғини модернизациялашда унинг ўзига хос хусусиятларини ва ташкилий-иқтисодий, табиий, технологик ва ҳуқуқий омилларни ҳисобга олган ҳолда маҳсулот етиштирувчилар ва қайта ишловчи корхоналар ўртасидаги ўзаро интеграция муносабатларини ривожлантиришга, “қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқариш – қайта ишлаш – сотиш” занжиридаги муносабатлар узвийлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5388-сон Фармони. www.lex.uz/doc/3604601
2. Чориев, Қ.А. Қишлоқ хўжалигида инновациялар жорий қилиш тизимини шакллантириш ва рағбатлантириш истиқболлари (услубий тавсиялар). ЎзҚХИИТИ. Т.: – 2014 йил. 32 б.
3. <https://daryo.uz/k/2018/06/20/ozbekiston-oriq-eksporti-boyicha-yetakchi-mamlakatlar-beshligidan-chiqib-ketdi/>
4. www.lex.uz

УЎК 656.2

ТЕМИР ЙЎЛ ТРАСПОРТИ ЭКСПЛУАТАЦИОН ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ СИФАТИДА РАҚОБАТБАРДОШЛИК КЎРСАТКИЛАРИНИ БАҲОЛАШ

*Х.А.Егамбердиева, таянч докторант, Тошкент давлат транспорт университети,
Тошкент*

Аннотация. Мақолада темир йўл транспорти корхонасининг эксплуатацион фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи рақобатбардошлик даражасини оширишга хизмат қилувчи омиллар тавсифи берилган. Шунингдек, бир қатор мамлакатлар бўйича транспорт таъминоти коэффициенти ҳисобланган.

Калит сўзлар: транспортда рақобат, рақобат, транспорт таъминоти коэффициенти, рақобатбардошликка таъсир кўрсатувчи омиллар.

Аннотация. В статье описаны факторы, служащие повышению уровня конкурентоспособности, влияющие на эффективность работы предприятия железнодорожного транспорта. Также был рассчитан коэффициент транспортной обеспеченности для ряда стран.

Ключевые слова: конкуренция на транспорте, конкуренция, коэффициент транспортной обеспеченности, факторы, влияющие на конкурентоспособность.

Abstract. The article describes the factors that serve to improve the level of competitiveness that affect the efficiency of the railway transport enterprise. It also calculated the coefficient of transport availability for a number of countries.

Key words: transport competition, competition, transport coefficient, factors affecting competitiveness.

Темир йўл транспортини ривожлантиришнинг бугунги кундаги актуал йўналишларидан бири ташиш тезлигини ошириш ва темир йўл инратузилмасини ривожлантиришдир. Ушбу йўналишдаги тадбирлар ҳам юк ташиш, ҳам йўловчи ташишда амалга оширилиши лозим. Бу жараён темир йўл транспортининг мамлакат учун аҳамияти, мамлакатнинг ҳудудий ва иқтисодий спецификасидан келиб чиққан ҳолда қўлланилиши керак. Бундан ташқари, мамлакатнинг транспорт таъминоти кўрсаткичлари ҳам темир йўлда амалга оширилиши лозим бўлган ислохотларни жорий қилишда ҳисобга олиниши лозим.

И.Н. Козлованинг мақоласида темир йўл транспортида юк ташиш, контейнерларда ташишнинг рақобатбардошлигини оширувчи омиллар ёритилган бўлса, О.В. Лукьянова, Ф.И. Хусаиновнинг илмий ишида темир йўл транспортининг автомобиль транспорти билан рақобатлашиш жараёнида юк жўнатувчилар улушини йўқотмаслик ва уни ошириш учун бир қатор йўналишлар келтириб ўтилган.

Рақобатбардошлигини оширишга таъсир этувчи омилларни гуруҳларга бўлган ҳолда ўрганиш, рақобатбардошлиқни оширишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш мақсадида турли мамлакатларда темир йўл транспортини ўзига хос хусусиятларини Ўзбекистон ва Европа мамлакатлари билан солиштирма таҳлил қилиш, таққослаш, техник-иқтисодий ҳисоблаш усулларидадан фойдаланилган.

Темир йўл транспортида ҳар қандай ислохотларни амалга оширишдан олдин темир йўл ҳолати яхшилаб таҳлил қилиниши зарур. Таҳлил қилиш объекти эса амалга оширилиши лозим бўлган ислохотнинг турига боғлиқ. Темир йўлларни либерализациялашга қаратилган ислохотларни амалга оширишда эса таҳлил қилиниши лозим бўлган объектлардан бири – темир йўл транспортининг рақобатбардошлиқ ҳолатидир. Транспорт рақобатбардошлигини баҳолаш учун бир қанча кўрсаткичлар қўлланилади. Шулардан бири – транспорт таъминоти коэффициенти [0].

1-жадвал

Транспорт таъминоти коэффициентлари

Коэффициентлар	Ҳудуд майдони бўйича	Аҳоли сони бўйича
<i>Тортилган ҳудудлар бўйича</i>	$L_3^S = L_3/S$	$L_3^N = L_3/N$
Бу ерда: L_3 – темир йўлнинг эксплуатацион узунлиги, км; S – ҳудуд майдони, минг км ² ; N – аҳоли сони, минг киши.		
<i>Юк ташиш ҳажми бўйича</i>	$P_S = \sum P/S$	$P_N = \sum P/N$
<i>Йўловчиларни ташиш ҳажми бўйича</i>	$A_S = \sum A/S$	$A_N = \sum A/N$
<i>Ташишнинг елтирилган ҳажми бўйича</i>	$P_S^{np} = (\sum P + \sum A)/S$	$P_N^{np} = (\sum P + \sum A)/N$
Бу ерда: $\sum P$ – ҳар бир транспорт тури бўйича юк ташишнинг умумий ҳажми, т; $\sum A$ – ҳар бир транспорт турида йўловчи ташишнинг умумий ҳажми, киши.		
<i>Юк айланмаси бўйича</i>	$Pl_S = \sum Pl/S$	$Pl_N = \sum Pl/N$
<i>Йўловчи айланмаси бўйича</i>	$Al_S = \sum Al/S$	$Al_N = \sum Al/N$
<i>Келтирилган юк айланмаси бўйича</i>	$Pl_S^{np} = (\sum Pl + \sum Al)/S$	$Pl_N^{np} = (\sum Pl + \sum Al)/N$
Бу ерда: $\sum Pl$ – ҳар бир транспорт тури бўйича юк айланмасининг умумий ҳажми, т-км; $\sum Al$ – ҳар бир транспорт турида йўловчи айланмасининг умумий ҳажми, йўловчи-км.		

Темир йўл транспорти қанчалик ўзига хос специфик хусусиятга эга бўлмасин ва қанчалик абсолют монополияга хос тизимлар ишласин, унда ҳам рақобат қонуни амал қилади.

Рақобат – бу бозорда ўз маҳсулотлари билан қатнашадиган корхоналар ўртасидаги ўзаро ҳаракат, ўзаро алоқа ва курашишни акс эттирувчи иқтисодий жараёндр. [0].

Темир йўл транспорти энг аввало турли хил транспортлар орасидаги рақобатда қатнашади. Демак, ҳаво ва темир йўл транспорти ўртасидаги қайта тақсимот темир йўл фойдасига ҳал бўлиши мумкин. Ёнилғи-энергетика мажмуасидаги молиявий барқарорликда автомобил транспорти кичик ва ўрта масофага ташиш, кейинчалик эса, узоқ масофага ташиш бозори улушини тортиб олишга ҳаракат қилади [0].

Транспорт корхонаси рақобатбардошлигини ошириш унинг функциялари билан боғлиқ. Бу функциялар қаторига ресурслар концентрацияси, ташиш жараёнини ташкил қилиш, маркетинг ва реклама усуллари ташкил қилиш, фойда олиш ва таваккалчиликка бориш, тажриба тўплаш каби функциялар киради. [0]

2-жадвал

Турли мамлакатларда темир йўл транспортининг баъзи эксплуатацион кўрсаткичлари ва ҳудуд майдони (2020 йил ҳолатига кўра)

Мамлакат	Темир йўлнинг умумий эксплуатацион узунлиги, км	Теми йўл транспортда юк ташиш ҳажми, минг тонна	Темир йўл транспортда юк айланма миқдори, млн т-км	Мамлакат ҳудуди майдони, км кв
Россия	85668	1405734,19	2601928,08	17125191
Эстония	1022	13210,5	1858,9	45227
Латвия	1859,6	41490	14494	64589
Буюк Британия	16200	87000	17200	243809
Франция	30000	108333	30000	551500
Германия	33300	267900	107000	357408,74
Қозоғистон	21000	287400	192770	2 724 902
Ўзбекистон	6950	94500	23400	447400

2-жадвалдан, яъни темир йўл транспорти эксплуатациясининг асосий ҳажм кўрсаткичларидан фойдаланган ҳолда ушбу мамлакатларда темир йўл транспортининг рақобатбардошлик кўрсаткичларидан бири ҳисобланган. Таҳлил қилинаётган мамлакатлар ичида темир йўлнинг умумий эксплуатацион узунлиги Россияда энг катта қийматга эга, чунки унинг ҳудуд майдони ҳам катта. Франция ва Германиянинг ҳудуд майдони Қозоғистондан кичик бўлишига қарамай темир йўлнинг эксплуатацион узунлиги Қозоғистонга қараганда анча узунроқ. Чунки Германияда ва францияда темир йўл излари жуда зич жойлашган.

3-жадвалда темир йўл транспортининг рақобатбардошлик кўрсаткичларидан бири – транспорт билан таъминанганлик коэффициенти куйидаги 3 та гуруҳ бўйича ҳисобланди: тортилган ҳудуд бўйича; юк ташиш ҳажми бўйича; юк айланма бўйича.


3-жадвал

Темир йўл транспортининг турли мамлакатлар бўйича транспорт таъминоти коэффициенти коэффициентларининг ҳисоби (2020 йил ҳолатига кўра)

	Тортилган ҳудуд бўйича транспорт таъминоти коэффициенти, км/1000 км ²	Юк ташиш ҳажми бўйича транспорт таъминоти коэффициенти, т/км ²	Юк айланма бўйича транспорт таъминоти коэффициенти, т-км/км ²
Россия	93,2	749,6	299,4
Эстония	54,4	196,4	54,4
Латвия	66,4	356,8	70
Буюк Британия	28,9	642,4	224,4
Франция	22,6	292	41,1
Германия	5	82	151,9
Қозоғистон	5,8	104,2	82,2
Ўзбекистон	15,5	211,2	52,3

Тортилган ҳудуд бўйича транспорт таъминотини таҳлил қиладиган бўлса, кўриб чиқилган мамлакатлар орасида Германияда темир йўлнинг мамлакат ҳудуди бўйича зичлиги каттароқ. Франция ва Буюк Британияда ҳам бу кўрсаткич мамлакат ҳудудида темир йўл изларининг ҳудуд майдонига нисбатан кўп қурилгандан далолат беради. Латвия ва Эстонияда мамлакат ҳудудига нисбатан темир йўл изларининг узунлиги миқдори деярли бир хил.

1-расмда турли мамлакатлар бўйича транспорт таъминоти коэффициентининг солиштирма ҳолатини кўришимиз мумкин.



1-расм. Темир йўл транспортининг турли мамлакатлар бўйича транспорт таъминоти коэффициенти (2020 йил ҳолатига кўра)

Ўзбекистон бу кўрсаткич бўйича фақат Россия ва Қозоғистондан олдинда. Чунки, Россия ва Қозоғистоннинг ҳудуд майдони мос равишда 38 ва 6 баробар катта, лекин кўрсаткич эса 3 баробаргина катта. Юк ташиш ҳажми бўйича транспорт таъминоти коэффициентини таҳлил қиладиган бўлсак, Германия, Латвия, Буюк Британияда кўрсаткич миқдори нисбатан каттароқ. Ўзбекистонда бу кўрсаткич Франция, Эстония кўрсаткичларига яқин, Россия ва Қозоғистонда эса мамлакат ҳудудининг майдонини катталигини ҳисобга олган ҳолда бу кўрсаткич нисбатан камроқ. Юк айланма бўйича транспорт таъминоти коэффициенти Германия ва Латвияда қолган мамлакатларга нисбатан жуда юқори. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич Франция, Эстония мамлакатларидаги қийматга яқинроқ [Ошибка! Источник ссылки не найден].

Шундай қилиб, темир йўл транспортда рақобатбардошликни ошириш мақсадида ислохотларни амалга оширишда тармоқнинг мамлакатдаги ўрни, ҳолати, бозорнинг таркиби, давлатни бошқарув даражаси, географик жойлашуви каби омилларни ҳисобга оладиган комплекс ёндашув зарур. Омилларнинг тўлиқ ҳисобга олинмаслиги, бошқа мамлакат моделини кўр кўрона қўллаш ислохотларнинг бошида қўйилган мақсадларга эришиш мумкин эмаслигига олиб келиши мумкин.

Темир йўл транспорт рақобатбардошлигини ошириш учун қуйидаги таклифларни бериш мумкин:

- ташиш хизматларини амалга ошираётганда клиентларнинг хоҳиш-истакларига қаратилган ташиш сиёсатини юйтиш;

- темир йўл транспортда ташиладиган юкларни икки гуруҳга ажратиш: фақат темир йўл транспортда ташиш технологик жиҳатдан қулай ва самарали бўлган юклар (кўмир, цемент, шағал) ва бошқа транспорт турида ҳам ташилса бўладиган юклар. Айнан иккинчи гуруҳ юкларини темир йўлга жалб қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш;

- саралаш ва юк станцияларида юк вагонлари билан боғлиқ операцияларни оптимизациялаш, операциялар вақтини қисқартириш;

- ташувчи компания ва юк жўнатувчи ўртасидаги муносабатларнинг барча элементларини шаффофлигини ошириш;

- рақобатбардошликни ошириш механизмларининг Европадаги каби бир нечта темир йўл компанияси учун мўлжалланган тизимини эмас, балки темир йўл ва автомобил транспорт ўртасидаги рақобатга мўлжалланган тизимини ишлаб чиқиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Темир йўл транспорти иктисодиёти. Дарслик. Исмаилходжаев А.И., Кадирова Ш.А. ТошТЙМИ, Т.:2013, 220бет.
2. Терещина Н.П. и др. Экономика железнодорожного транспорта. М.: ФГОУ, 2013г
3. Абрамов А.П. и др. Маркетинг на транспорте М.: Желдориздат, 2001г.
4. Хусаинов Ф. Доклад на семинаре «Экономика железнодорожного транспорта» в НИУ Высшая школа экономики. Приватизация железных дорог в Великобритании. Москва, 21 мая 2019 г.
5. Рачек С.В. Зарубежный опыт реформирования железных дорог. ИзвестияУрГЭУ. 6/2013.
6. Реформа на железнодорожном транспорте в регионе ЕЭК. Доклад ООН. Нью-Йорк и Женева, 2018 год.
7. Раскрытие потенциала железных дорог. Стратегия развития железнодорожного транспорта. ЦАРЭС, 2017–2030 годы. Одобрена 15-й Министерской конференцией ЦАРЭС Исламабад, Пакистан, 26 октября 2016 года.
8. Отчёт о деятельности Организации сотрудничества железных дорог за 2019 год. (ОСЖД).
9. Анализ последствий либерализации рынка железнодорожных перевозок с учетом введения платы за пользование инфраструктурой в странах ЕС-членах ОСЖД. Семинар И Комиссии ОСЖД по транспортной политике и стратегии развития Алматы, 15 - 16 мая 2008 года.
10. О.В. Лукьянова, Ф.И. Хусаинов. Перспективы конкуренции железнодорожного и автомобильного транспорта. Бюллетень транспортной информации • № 11 (221) • 2013

УЎК 339.138:659

ИНТЕРНЕТ-РЕКЛАМА БОЗОРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

О.О.Жалолов, докторант, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Мақолада баннерли реклама, контекстли реклама, мақсадлилик, қидирув тизимини оптималлаштириши (SEO), контекстли реклама каби интернет-реклама бозорининг иқтисодий таркибий қисмлари кўриб чиқилган. Интернетда рекламанинг энг самарали турлари аниқланди. Шунингдек, Ўзбекистондаги реклама бозори ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилинди.

Калит сўзлар: реклама фаолияти, онлайн реклама, контекстли реклама, SEO, мақсадлилик, оптималлаштириши, ижтимоий тармоқлар.

Аннотация. В статье рассматриваются экономические составляющие рынка интернет-рекламы как баннерная реклама, контекстная реклама, таргетинг, поисковая оптимизация (SEO), контекстная реклама. Выявлены наиболее эффективные виды интернет-рекламы. Также были проанализированы данные о рынке рекламы в Узбекистане.

Ключевые слова: рекламная активность, интернет-реклама, контекстная реклама, SEO, таргетинг, оптимизация, социальные сети.

Abstract. The article discusses the economic components of the Internet advertising market as banner advertising, contextual advertising, targeting, search engine optimization (SEO), contextual advertising. The most effective types of Internet advertising have been identified. Also, data on the advertising market in Uzbekistan were analyzed.

Keywords: advertising activity, online advertising, contextual advertising, SEO, targeting, optimization, social networks.

Кириш. Интернет-реклама бугунги кунда фаол, жадал ривожланаётган соҳадир. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 9 сентябрдаги “Реклама тўғрисида”ги Қонунида реклама – ҳар қандай реклама воситаларидан фойдаланган ҳолда тарқатиладиган, мазмуни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган рекламадан фойдаланувчиларга қаратилган ва шу мақсадда фойдаланишга мўлжалланган махсус маълумот дейилади, реклама объектига эътиборни қаратиш, унга қизиқишни шакллантириш ёки қўллаб-қувватлаш, шунингдек уни тўғридан-тўғри ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида бозорда илгари суриш хисобланади[1].

Адабиётлар таҳлили. Иқтисодий китобларда реклама тушунчаси маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан турлича талқин қилинади. В.В. Тулупов фикрича, интернет-реклама – интернет ёрдамида тарқатиладиган, номаълум кишилар доирасига қаратилган ва реклама объектига эътиборни жалб қилиш, унга бўлган қизиқишни шакллантириш ёки сақлаб қолиш

ва уни бозорда илгари суришга қаратилган ахборотдир[2]. А. А. Годиннинг фикрича, онлайн реклама-бу истеъмолчиларни пировард мақсадга: товар ва хизматларни сотиб олишга қаратилган корхона фаолияти тўғрисида Интернетда тақдим этиладиган турли воситалар билан хабардор қилишдир[3]. К. Каткенинг фикрича, реклама бошқа маркетинг воситаларига қараганда томошабинлар онгига кучлироқ таъсир кўрсатади, чунки унинг таъсирчанлиги жуда юқори[4]. Петер Петрускининг фикрича, интернет реклама учун этук ва самарали воситага айланмоқда ва бу реклама берувчиларга улар учун энг қимматли аудиторияни тақдим этиши билан узвий боғлиқ[5]. Рэндалл Ротенбергнинг фикрича, онлайн реклама секторидаги давомли ўсиш, асосан, маркетинглоглар интерфаол оммавий ахборот воситалари орқали истеъмолчилар билан ўзаро алоқани янада самарали ўрнатиши мумкинлигини тушунишлари билан боғлиқ[6]. Александр Климовнинг фикрича, бугунги кунда реклама берувчилар фаоллигининг максимал ўсиши айнан онлайн реклама бозорида содир бўлмоқда. Реклама бизнесининг асосий иштирокчилари ушбу бозорнинг фаол қатнашувчисига айланди[7]. Ж.Сурреш Редди интернет реклама истеъмолчилар билан тежамкор ва доимий алоқаларни яратади, бу уларга маҳсулот ва хизматларни қачон ва қаерда сотиб олиш ёки сотиб олиш истаги билан билиб олишга имкон беради деб ҳисоблайди. Сўнгги тадқиқотларга кўра, интернет савдо канали учун доменга айланди. Онлайн реклама истеъмолчиларнинг сотиб олиш хатти-ҳаракатлари ва афзалликларини ўзгартиришда, шунингдек маҳсулот сотиб олишнинг янги шакллари яратишда муҳим рол ўйнайди[8].

Тадқиқот методологияси. Ушбу мақола маълумотларни таҳлил қилиш, синтез қилиш ва SWOT таҳлил қилиш усулидан фойдаланган ҳолда тадқиқотдир. Тадқиқотнинг таҳлилий қисми учун хориж адабиёти ва иқтисодиёт, маркетинг ва реклама соҳасидаги етакчи илмий экспертларнинг илмий мақолаларидан фойдаланилди. Ишда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, маҳаллий ва хорижий ахборот сайтлари, газеталар ва шарҳ мақолалари материаллари таҳлили қўлланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси (асосий қисм). Интернет маркетинг коммуникацияларидан фойдаланишни кенгайтириш имконини берди. Рекламанинг вазифалари ва объектига қараб, қуйидагиларни шартли равишда ажратиш мумкин: интернет сайтлар, медиа реклама, контекстли реклама, махсус лойиҳалар, PR, ижтимоий медиа, яширин маркетинг, вирусли маркетинг, SEO, электрон почта маркетинги. Интернет-рекламанинг хусусиятлари интернет маконининг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, ушбу тармоқдаги фойдаланувчиларнинг хатти-ҳаракатлари омиллари билан белгиланади.

Интернетда замонавий реклама воситаларини ўрганишга киришишдан олдин ушбу платформанинг ўзига хос хусусиятлари ва онлайн реклама тушунчаси билан танишиб чиқиш керак. Веб-сайтларни реклама қилиш билан шуғулланадиган компаниялар ёки веб-усталар орасида учрайдиган асосий хато шундаки, баннерли реклама кўпинча мақсадли ташриф буюрувчиларни жалб қилиш учун ишлатилади. Бундай ёндашув нотўғри. Бу 4-5 йил олдин долзарб бўлган деган фикрга қўшилишимиз мумкин, аммо бугунги кунда сайтга мақсадли трафикни кўпайтиришнинг анча самарали усуллари мавжуд, шунинг учун banner рекламаси, авваламбор, бозорда товар хабардорлиги муаммосини ҳал қиладиган лойиҳанинг имидж рекламаси.

Баннер рекламалари кўпинча медиа рекламалари деб аталади. Оммавий ахборот воситаларида реклама остида матн ва график материалларни реклама платформаси бўлган сайтларда жойлаштиришни тушуниш одатий ҳолдир ва кўп жиҳатдан босма оммавий ахборот воситаларидаги рекламага ўхшайди. Баннерда гиперҳаволалар мавжудлиги ва тасвирни жонлантириш имконияти медиа реклама таъсирини анча кенгайтиради. Бундай рекламани баннер ва контекстли реклама форматига бўлиш мумкин. Реклама баннери реклама учун ишлатилади, бу эрда визуал тасвирларга эътибор берилади. Масалан, реклама кампаниясини ўтказиш, унинг доирасида компания логотипини намоёниш қилиш.

Таргетинг - бу ижтимоий-демографик ва бошқа хусусиятларнинг кенг доираси бўйича мақсадли аудиторияга реклама хабарини кўрсатишни техник жиҳатдан сошлаш қобилиятидир. Анъанага кўра, баннер ва контекстли рекламани ажратиш ва фақат баннерли рекламани

оммавий ахборот воситаларида реклама деб аташ одатий ҳолдир. Бирок, тобора кўпроқ Интернет сайтларида контекстли реклама жойлаштирилганлиги ва контекстли рекламанинг ўзи график тасвирлардан фойдаланиш йўлида фаол ривожланаётганлиги сабабли, биз баннер ва контекстли рекламани оммавий ахборот воситаларидаги реклама гуруҳи сифатида таснифлашни тўғри деб ҳисоблаймиз.

Реклама кампаниясини ўтказиш маркетинг бюджетини режалаштиришда унинг натижасини аниқроқ ҳисоблаш имконини беради. Интернет-аудиторияларни мақсадли йўналтириш учун кенг имкониятлар ва баннерларни кўрсатишга асосланган кампанияни яратиш қобилияти, бу усулга мослашувчанликни қўшади. Усулнинг камчиликлари унинг юқори нархидир. Реклама кампаниясининг таъсири одатда реклама кампанияси бошланган пайтдан бошлаб сезилади.

Қидирув тизимини оптималлаштириш (SEO) - бу Интернетдаги реклама турларидан бири бўлиб, у Google, Yandex каби қидирув тизимларида берилган сўров бўйича қидирув натижаларида юқори ўринларни эгаллаш учун қидирув тизимларида веб-сайтни илгари суришдир. Қидирув тизимини оптималлаштириш қидирув алгоритмига мувофиқлиги нуқтаи назаридан сайтни таҳлил қилиш, семантик ядрони компиляция қилиш, асосий сўровлар учун код ва таркибни оптималлаштириш, сайтга ташқи ҳаволаларни жойлаштиришни ўз ичига олади.

Ушбу турдаги ижобий томонлар: ўтиш учун паст нарх; юқори конверсия даражасига эга мақсадли аудитория (статистик маълумотлар шуни кўрсатадики: сайтга ташриф буюрувчиларнинг тахминан 80% қидирув тизими орқали лойиҳага келади). Салбий жиҳатлар ҳам мавжуд: қидирув тизимлари томонидан хом оптималлаштириш усуллари ("кулранг" ва "қора" оптималлаштириш) билан репрессив чоралар кўриш имконияти; биринчи натижаларни олишдан олдин узоқ вақт; натижаларнинг беқарорлиги, доимий қўллаб-қувватлаш ва техник хизмат кўрсатиш зарурати. Кўпгина компанияларнинг катта хатоси, қидирув тизимларининг биринчи натижаларида сайтни тарғиб қилиш учун 10-20, баъзан эса 3-5 калит сўзларга эътибор қаратишдир. Ушбу ёндашув сайтнинг реклама кампаниясининг муваффақиятини катта хавф остига қўяди, чунки сиз қидирув тизимининг иш вақти, ҳостинг сервери, веб-мастер хатоси, фаолият соҳасидаги рақобатнинг кучайиши ва бошқа омилларнинг гаровига айланасиз.

Баъзида хостинг-сервернинг нисбатан қисқа вақт ичида ишламай қолиши, қидирув тизимининг ишламай қолиши ёки алгоритмнинг бироз ўзгариши сайтнинг асосий аудиторияни жалб қилган барча асосий сўровлар бўйича ишламай қолишига олиб келиши мумкин, бу эса баъзида мақсадли ташриф буюрувчиларнинг ташриф буюришни тўхтатишига олиб келади.

Лойиҳани илгари суришда лойиҳанинг семантик ядросидан асосий ибораларнинг бутун тўпламидан фойдаланиш жуда муҳимдир. Бу мақсадли трафикнинг бир нечта юқори рақобатбардош калит ибораларга боғлиқлигини камайтиради ва кўп қиррали сўровлар (тижорат ва ахборот) билан мижозларни жалб қилади, шу билан бирга портал мақсадли трафигининг сезиларли улушини оширади. Аммо, лойиҳани қидиришни тарғиб қилишнинг кўплаб камчиликларига қарамай, сайтлар учун мақсадли трафикнинг фақат иккита асосий манбаси мавжуд - контекстли реклама ва қидирув тизимлари. Шунинг учун, контекстли рекламадан фойдаланилмаганда, қидирув тизимларида веб-сайтларни реклама қилиш жуда зарур.

Энг муҳим ва қийин вазифа - қидирув тизими каталогида сайтингиз номини олишдир. Усул сайт таркибининг қидирув тизимларида фойдаланувчи сўровларига мослигини ошириш учун ишлатилади. Бу компания веб-сайтнинг мазмунини яқунлаш ва унга ташқи ҳаволаларни сотиб олиш орқали амалга оширилади. Рақобатчи сайтлар орасида ушбу усулдан кам фойдаланиш билан SEO арзон веб-ресурсга ташриф буюрувчиларни олишга ёрдам беради ва бу усулнинг ўзи оммавий ахборот воситаларида реклама қилишдан кўра Интернет фойдаланувчилари орасида кўпроқ ишончни уйғотишга имкон беради. SEO усулининг самарадорлиги, агар у рақобатчилар томонидан фаол фойдаланилса, камаяди. Ушбу стратегиянинг катта камчиликлари қидирув тизимларидан у билан курашишдир. SEO-ни

қўллашни бошлаган пайдан бошлаб, сайт учун биринчи натижалар, қоида тариқасида, фақат учинчи ойда пайдо бўлади.

Интернет-реклама бозори Ўзбекистон реклама бозорининг ажралмас қисми бўлиб, шунинг учун ҳам интернет-рекламанинг ўзига хос хусусиятлари ва ролини аниқлаш учун Ўзбекистон реклама бозорининг умумий ҳолатини кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш зарур. Ўзбекистон реклама бозори иқтисодий тушунча сифатида 1995 йилда вужудга келган. Реклама индустрияси ривожланишининг бутун даври мобайнида у, шубҳасиз, реклама маблағлари ҳажми бўйича биринчи ўринда туради. Интернетда реклама пайдо бўла бошлайди, радиода реклама фаолроқ ва ташқи реклама сезиларли ҳажмларда пайдо бўлади. Таъкидлаш жоизки, бу даврда мамлакатимиз учун мутлақо янги ва жуда зарур ижтимоий реклама ҳам ташқи, ҳам телевидение пайдо бўлди. Телевизион реклама учун бу йил ҳам реклама бизнесидаги маблағлар миқдори бўйича энг юқори йил ҳисобланади.

Ҳозирда Ўзбекистон реклама бозори 50 миллион долларга баҳоланмоқда. Ўзбекистон реклама бозорида интернетнинг улуши 10-15 фоизни ташкил этади. Ўзбек интернетининг ўсиш суръати ўзбек реклама бизнесида интернет улушини ошириш имкониятидан далолат беради, бу жуда истиқболли ва фойдалидир. Реклама бюджетларининг тақсимланиши Ўзбекистонга кўшни йирик бозорлардан анча фарқ қилади, бу ерда телевидение ва интернет рекламаси тахминан бир хил миқдордаги сармояни ташкил қилади. Ўзбекистонда телевидение устунлик қилади, у барча оммавий ахборот воситалари бюджетларининг 68-70 фоизини ташкил қилади, бизнинг ҳисоб-китобларимиз бўйича интернет ва ташқи рекламалар тахминан 13-14 фоизни ташкил этади.

Қолган 3-4% радиога тўғри келади. Айрим маҳсулот тоифалари учун тарқатиш сезиларли даражада фарқ қилиши аниқ, масалан, агар фармацевтика компаниялари ўз бюджетларининг тахминан 85-90 фоизини телевизорга ажратса, ишлаб чиқувчилар учун телевизорнинг улуши тахминан 40 фоизни ташкил қилади. Ўзбекистонда узоқ вақт давомида энг “зич” тармоқ “Одноклассники” бўлиб, уни Россияга ишлаш учун кетаётган юртдошларимиз афзал кўрган. Ўз вақтида “Одноклассники”нинг ўзбекистонлик фойдаланувчилари сони 4,5 миллионга етган эди. Бу машҳурликка ушбу тармоқнинг бутун фойдаланувчи интерфэйсини ўзбек тилига таржима қилгани ҳам ёрдам берди. Бироқ, ижтимоий тармоқлар аудиторияси янгиланиб боргани сабабли, янги фойдаланувчилар Инстаграмни танламоқда, у эрда камроқ матн ва кўпроқ фотосуратлар ва видеолар мавжуд. Шу кунгача 3,6 миллион фойдаланувчиси бўлган Инстаграм 3,2 миллион фойдаланувчиси билан Одноклассникини ортда қолдирди. 1,6 миллион фойдаланувчи билан Facebook учинчи ўринда.

Турли хил реклама форматлари орасида энг катта ўсиш Интернетда содир бўлади, бу эрда турли хил воситалар мавжуд: онлайн видео, статик баннерлар, интерактив баннерлар, қидирув рекламаси, маҳаллий форматлар ва бошқалар. Бизнинг ҳисоб-китобларга кўра, барча реклама берувчилар орасида энг машҳур формат баннер рекламалари ва йирик реклама берувчилар орасида онлайн видео. Бир қатор сабабларга кўра қидирув рекламаси ҳали катта талабга эга эмас: очилиш саҳифаларининг йўқлиги, ўзбек тилидаги рекламанинг қўллаб-қувватланмаслиги ва бошқалар.

Хулоса ва таклифлар. Классик реклама усуллари билан олиб бориладиган реклама кампанияларида, одатда амалга оширилаётган реклама самарадорлиги минг кишига тўғри келадиган харажатлар билан ўлчанади. Оммавий фойдаланиш билан солиштирганда, интернет миллионлаб одамлар учун жуда қулай, паст харажатларга эришиш имконини беради. Интернетда реклама билан тарғиб қилинадиган маҳсулот ёки хизмат ҳақида фойдаланувчилар кенг қўламли маълумотларни олишлари мумкин.

Рекламанинг эски қоидалари аста-секин ўзгариб бормоқда. Аънавий реклама ўз фаолияти билан муваффақиятга эриша олмайдиган секторлар, интернет рекламалари билан муваффақиятга эриша оладилар. Шунинг учун интернет-реклама бозори улушини орттириш лозим.

Шундай қилиб, Интернет-реклама бозори ҳажмининг тенденциялари ушбу бозор ўсишда давом этиши, шунингдек, унинг Ўзбекистон реклама бозорининг умумий ҳажмига нисбатан улуши сезиларли даражада сақланиб қолишидан далолат беради. Юқоридагиларни сарҳисоб қилсак, Интернет харажатларни сезиларли даражада камайтириши мумкинлигини аниқ айтиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Закон Республики Узбекистан «О рекламе» от 9 сентября 2022 года. <https://lex.uz/uz/docs/6052633>
2. Тулупов В.В. Реклама: теория и практика. – Воронеж: Издательство ВГУ, 2011 – С.130.
3. Годин А.А., Годин А.М., Комаров В.М. Интернет-реклама – М.: Дашков и Ко, 2009. – С.23
4. Katke, K. (2007); “The Impact of Television Advertising on Child Health & Family Spending”; International
5. Мнение профессионалов об интернет-рекламе. 02-02-2014.
6. Мнения о рекламном рынке в интернете. 01-07-2010.
7. Мифы интернет-рекламы для новичков и профессионалов. 01-12-2009.
8. Marketing Conference on Marketing & Society. Retrieved on Dated: 10-04-2009 from
9. Kumar V. and Shah Denish, (2004), “Pushing and Pulling on the Internet”; Marketing research, Spring
10. Geld Scott F., (2003), “Cost savings between Traditional marketing and Internet Marketing”, Marketing Blaster.com
11. Jalolov O. Features of advertising in the tourism industry. Academic Journal of Digital Economics and Stability. Volume 8, 2021.

УЎК 341.33

ЧЕТ ЭЛ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРДА ТАРАФ СИФАТИДА ИШТИРОКИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Д.Д.Жўраева, ўқитувчи, Тошкент давлат юридик университети, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақолада чет эллик тадбиркорлик фаолияти субъектларининг Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судларида тараф сифатидаги иштироки, янги қабул қилинган Иқтисодий процессуал кодексда уларнинг ҳуқуқий мақоми ва бунинг Хўжалик процессуал кодексидан фарқли жиҳатлари, шунингдек улар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиши масалалари ҳақида сўз юритилади. Иқтисодий процессуал кодексда иқтисодий судларнинг чет эллик шахслар иштирокидаги ишларни кўриб чиқиши тўғрисидаги норма мустаҳкамланган. Шунингдек, ИПКга чет эллик шахслар иштирокидаги ишларни тартибга солишига мавжуд муаммоларни бартараф этишига қаратилган бир қатор янги нормалар киритилган.

Калит сўзлар: тадбиркорлик фаолияти, иқтисодий судлар, Иқтисодий процессуал кодекс, чет эллик шахслар.

Аннотация. В данной статье рассматриваются вопросы участия иностранных субъектов в качестве сторон в хозяйственных судах Республики Узбекистан, их правовое положение во вновь принятом Хозяйственном процессуальном кодексе и его отличиях от Хозяйственного процессуального кодекса, а также вопросы правового регулирования их виды деятельности. В Хозяйственном процессуальном кодексе усилена норма о рассмотрении хозяйственными судами дел с участием иностранных лиц. Также в ХПК внесен ряд новых норм, направленных на устранение существующих проблем в регулировании дел с участием иностранных лиц.

Ключевые слова: предпринимательская деятельность, хозяйственные суды, Хозяйственный процессуальный кодекс, иностранные лица.

Abstract. This article discusses the participation of foreign entities as parties in the economic courts of the Republic of Uzbekistan, their legal status in the newly adopted Economic Procedural Code and its differences from the Economic Procedural Code, as well as issues of legal regulation of their activities. In the Code of Economic Procedure, the provision on consideration by economic courts of cases involving foreign persons has been strengthened. Also, a number of new rules have been introduced into the EPC aimed at eliminating existing problems in the regulation of cases involving foreign persons.

Key words: business activity, economic courts, Economic Procedure Code, foreigner.

Кириш. Бугунги кунда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлардан кўзда тутилган асосий мақсад, қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, жамият ҳаётини янада демократлаштириш ва эркинлаштиришга, суд ҳокимиятининг фуқаролар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги роли ва аҳамиятини оширишдан иборат. Яқин ўтмишда суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислох қилиш ва такомиллаштиришга қаратилган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиндики, улар мазкур соҳани ривожлантиришда янги даврни бошлаб берди ва унинг ҳуқуқий асосига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги [1] Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [2] Фармонининг қабул қилиниши қайд этилган вазифаларни амалга оширишдаги муҳим қадам бўлиб, мазкур соҳадаги давлат сиёсатини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди. Дарҳақиқат, бугунги кунда хусусий мулкдорлар ва тадбиркорларнинг, шунингдек чет эллик тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаолияти кафолатларини кучайтириш масаласини ҳал этишда суд органлари родини оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Айниқса, чет эл инвестициялари ва хориж капиталини жалб қилиш, стратегик аҳамият касб этаётган бир пайтда, чет эл тадбиркорлик субъектлари билан юзага келадиган низоларни ҳал қилиш механизмларини такомиллаштириш жуда ҳам долзарб масалалардан биридир. Буларнинг барчаси Иқтисодий процессуал кодексини қабул қилишни заруриятга айлантди.

Методлар. Қиёсий ва тавсифловчи усуллар каби маълумотларни тўплаш учун турли тадқиқот усуллар қўлланилган. Тадқиқот ўзбек миллий қонунчилиги таҳлили бўлганлиги учун турли олимлар томонидан мавзуга оид тавсиф ва таърифлар, уларни бир-бири билан қиёслаш асосида тузилган.

Муҳокама ва натижалар. Иқтисодиёт соҳасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг, шунингдек чет эл тадбиркорлик субъектларининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш механизмлари янада такомиллашиши билан бирга, Кодексдаги нормалар замон талабларига мос чуқур таҳлил ва илғор хорижий амалиётга асосланган ҳолда ишлаб чиқилганлиги боис давлатимизнинг иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Чет эл тадбиркорлик фаолияти субъектлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида “чет эллик шахслар”, “чет эллик инвесторлар”, “чет эл ташкилотлари”, “чет эл фуқаролари”, “норезидентлар”, “чет эл юридик шахслари” шаклида учрайди. Умумий қилиб, буларнинг барчасини иқтисодий судларда тараф сифатида иштирок эта олишини таъкидлаш жоиз.

Чет эллик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судларидаги ҳуқуқий мақоми Иқтисодий процессуал кодекснинг “Қонун ва суд олдида тенглик” принципи билан белгиланади, яъни Судда низоларни ҳал қилиш юридик шахсларнинг мулкчилик шаклидан, қаерда жойлашганлигидан, кимга бўйсунушидан қатъи назар, фуқароларнинг эса жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан, шунингдек бошқа ҳолатлардан қатъи назар қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилади. Мазкур норма иқтисодий низоларини кўриш жараёнида чет эл тадбиркорлик субъектларининг Ўзбекистон тадбиркорлари сингари ҳуқуқларга эга бўлиши ва улар билан бир хил мажбуриятларни бажаришини белгилаб берган. Бундан ташқари, ИПК нинг 245-моддасида чет эллик шахсларнинг иқтисодиёт соҳасида ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида иқтисодий судларга мурожаат қилиши мумкинлиги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари ва фуқаролари билан тенг процессуал ҳуқуқлардан фойдаланишлари ва процессуал мажбуриятларни ўз зиммасига олишлари белгилаб берилган. Шундай қилиб, шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, чет эл тадбиркорлик субъектларининг процессуал ҳуқуқий ҳолати мамлакатимизда миллий режимга асосан белгиланади. Шундай

килиб, чет эллик шахслар иштирокидаги ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, ИПК нормалари қўлланади. Бу эса ҳуқуқни қўллаш билан боғлиқ бўлган бир қатор муаммоларнинг олдини олади.

Иқтисодий процессуал кодекс чет эллик шахсларнинг ҳам низода тараф сифатида иштирок этиши мумкинлигини назарда тутлади. Яъни Иқтисодий процессуал Кодексда иқтисодий судлар ўзига тааллуқли ишларни тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган чет эл юридик шахслари, халқаро ташкилотлар, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокида кўриши[3] белгилаб берилган. Бу эса, иқтисодий судларнинг чет эл юридик шахслари иштирокидаги низоларни кўриш ваколатини билдиради. Шундай экан, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий процессуал қонунчилигига кўра, чет эл тадбиркорлик субъектлари иқтисодий судларда тараф сифатида иштирок эта олади. Шунингдек, иқтисодий судларда чет эл юридик шахслари иштирокидаги ишларнинг судловга тегишлилиги борасида ҳам янги нормалар киритилган. Иқтисодий процессуал кодекснинг Хўжалик процессуал кодексидан фарқи мазкур нормада яна бир бор намоён бўлади.

Қандай ҳолларда иқтисодий судлар чет эллик шахслар иштирокидаги низоларни кўриб чиқиши мумкинлиги ИПК да мустаҳкамланган.

Мазкур асослардан бирининг мавжудлиги иқтисодий судларнинг чет эллик шахслар иштирокидаги низоларни кўриб чиқиши мумкинлигини англатади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ушбу норма ХПК нинг 223-моддасида белгилаб берилган ишни кўриш учун асослардан фарқ қилади. Бунда қимматли қоғозларнинг муомаласи, юридик аҳамиятга эга бўлган фактни аниқлаш, интеллектуал мулк ва Интернет жаҳон ахборот тармоғида хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солганлиги аҳамиятлидир. Бугунги ижтимоий муносабатлар шиддат билан ривожланиб бораётган даврда, Интернет ёки қимматли қоғозлар бозори билан боғлиқ низоларни тартибга солиш долзарб аҳамиятга эга. Бундан ташқари яна бир жиҳатга эътибор қаратиш лозим. Унга кўра тарафларнинг ўзи ҳам шартнома тузиш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган низони қайси суд кўриб чиқишини белгилаб оладилар. Ушбу қонунда назарда тутувчи норма ИПК да белгиланган. Жумладан, ИПК нинг 241-моддаси “Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судларининг чет эллик шахслар иштирокидаги ишлар бўйича ваколатларини белгилаш тўғрисидаги битим” деб номланган ваунинг шаклини белгилаб берган. Бунда шартнома тарафлари улар ўртасида низо келиб чиққудек бўлса, низо қайси судда кўриб чиқилиши тўғрисида алоҳида битим[4] тузадилар. Чет эл тадбиркорлик фаолияти субъектлари иштирокидаги суд ишлари фақатгина иқтисодий судларга тегишли эканлиги диққатга сазовор. Чунки мазкур норма иқтисодий процессуал қонунчилиги учун янгилик бўлиб, илгариги кодексда бундай норма мавжуд эмас эди.

Чет эллик шахсларнинг ишда тараф сифатида иштирокининг бир қатор ўзига хос хусусиятлари мавжуд Чет эллик юридик шахслар ишда тараф сифатида иштирок этганда бир қатор муаммолар юзага келиши мумкин. Жумладан, процессуал муддатлар билан боғлиқ бўлган муаммолар. ИПК нинг қабул қилиниши билан мазкур муаммо бир қадар ўз ечимини топди десак адашмаган бўламиз. Иқтисодий процессуал кодексни замонавий суд амалиёти талабларига жавоб берадиган, мавжуд амалий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган ва чет эллик шахслар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ажойиб механизми сифатида баҳолаш мумкин. У айнан мана шу жиҳатлари билан ҳам ХПК дан анча фарқ қилади.

Хулоса. Чет эл судлари ва арбитражларининг қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳақидаги ишларни ҳамда йўқолган суд ишини ва ижро ишини юритишни тиклаш тўғрисидаги ишларни кўриш тартибини белгиловчи боблар киритилди, яъни ХПК да йўқолган суд ишини ва ижро юритишни тиклаш тўғрисидаги ишларни юритиш юзасидан ҳеч қандай норма мавжуд эмас эди. Амалга киритилган кодексда қонунчиликдаги мазкур бўшлиқ тўлдирилди ва бундай ишларни юритиш процессуал тартиби белгиланди. Ишларни ҳал қилишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан янада кенгрок фойдаланишга оид нормалар белгиланди, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги ПФ–4848-сонли Фармони билан тасдиқланган Дастурнинг 26-банди ижросини таъминлаш мақсадида суд мажлисини аудио ва видео қайд этиш белгиланди.

ИПК да чет элга тааллукли хужжатларни расмийлаштириш ва уларнинг тили тўғрисидаги нормалар ҳам мавжуд эмас эди. Бундай турдаги муаммолар бошқа қонун хужжатлари орқали тартибга солинган ёки умуман тартибга солинмаган. ИПК да эса Чет элга мансуб хужжатларга қўйиладиган талабларда Чет тилида тузилган хужжатларни Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судига тақдим этишда, ушбу хужжатларга уларнинг давлат тилидаги ёки иқтисодий суд ишлари юритилаётган тилдаги тегишли тарзда тасдиқланган таржимаси қўшиб топширилиши кераклиги ва хужжатлар Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судлари томонидан фақат консуллик легаллаштируви мавжуд бўлганда ёхуд уларга апостиль қўйилган бўлса, қабул қилиниши белгиланган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, янги Иқтисодий процессуал кодексининг қабул қилиниши мамлакатимизда олиб борилаётган суд-хуқуқ ислохотларини қонун даражасида мустақамлади ва албатта, чет эл тадбиркорлик субъектларининг хуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайди, шунингдек давлатимизнинг иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон.
2. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.01.2018 й., 02/18/ИПК/0623-сон, 27.07.2018 й., 03/18/488/1579-сон
3. Хорижий давлат тадбиркорлик субъектларининг ушбу давлат тадбиркорлик субъектлари билан бир хил хуқуқларга эга бўлиши. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1177-моддаси миллий режим тартибини белгилайди.
4. “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида” ЮНСИТРАЛ Намунавий қонуни.

УЎК 33

БАНК ХИЗМАТЛАРИ СОҲАСИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН Фойдаланиш

К.З.Зухуров, докторант, Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби, Тошкент

Аннотация. Небанкинг замонавий молиявий технологияларни ривожлантиришининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Ишнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида небанкингни ривожлантиришининг асосий шартлари, афзалликлари ва истиқболларини ўрганишдир. Таҳлил, таққослаш тадқиқот усуллари ёрдамида хорижий ва маҳаллий небанкларнинг хусусиятлари берилган: Тадқиқот натижалари асосида жаҳон иқтисодиётининг замонавий рақамли трансформацияси шароитида банкларнинг рақамли технологиялардан фойдаланиши ўрганилди.

Калит сўзлар: небанкинг, небанк, рақамли иқтисодиёт, кредит ташкилотлари, инновациялар, молиявий технологиялар, анъанавий банк институтлари, рақобатчи банклар.

Аннотация. Небанкинг — одно из важнейших направлений развития современных финансовых технологий. Цель работы - изучить основные условия, преимущества и перспективы развития небанковки в Республике Узбекистан. С помощью аналитических и сравнительных методов исследования дана характеристика зарубежных и отечественных небанков: По результатам исследования изучено использование банками цифровых технологий в условиях современной цифровой трансформации мировой экономики.

Ключевые слова: небанкинг, небанк, цифровая экономика, кредитные организации, инновации, финансовые технологии, традиционные банковские институты, конкурентоспособные банки.

Abstract. Neobanking is one of the most important areas of development of modern financial technologies. The purpose of the work is to study the main conditions, advantages and prospects of the development of neobanking in the Republic of Uzbekistan. The characteristics of foreign and domestic neobanks are given by means of analytical and comparative research methods: Based on the results of the research, the use of digital technologies by banks in the conditions of the modern digital transformation of the world economy was studied.

Keywords: *neobanking, neobank, digital economy, credit organizations, innovations, financial technologies, traditional banking institutions, competitive banks.*

Кириш. Илмий-техника тараққиётининг жадаллашуви ва бозор маҳсулотларини рақамлаштириш билан тавсифланган замонавий иқтисодиётда асосий роль молиявий технологияларга тегишли. Россия Федерацияси Марказий банки раисининг фикрига кўра Э.С.Набиуллина, финтех молиявий секторнинг глобал инновацион трансформациясига йўналтирилган янги иқтисодий даврни англатади ва анъанавий молия институтлари учун улкан рақобатдир. Финтех саноати банк хизматларини демократлаштиришда етакчи ўринни эгаллаб, рақамли платформаларда инновацион ғояларни ишлаб чиқаради. Молиявий технологияларнинг тижорат банклари фаолиятига интеграциялашув даражаси уларнинг рақобатбардошлиги ва молиявий барқарорлигини белгилайди.

Технологик ва рақамли етакчилик учун бугунги рақамлашувда қатнашмаган компаниялар охир-оқибатда иқтисодий тараққиётнинг чеккасида қолишлари аниқ. Буни МсКинсей&Компанй халқаро консалтинг компаниясининг прогнозлари тасдиқлайди, унга кўра 2036 йилга келиб иқтисодий жараёнларнинг қарийб 50 фоизи автоматлаштириш ва рақамлаштиришдан ўтади. Банк секторини автоматлаштиришнинг энг муҳим натижаси иш ўринларининг сезиларли даражада қисқариши бўлади. Ситигроуп молиявий корпорациясининг "Рақамли ютуқ" ҳисоботида кўра, пасайиш 2030 йилга бориб 30% ни ташкил қилади, бу банк тизимининг молиявий харажатларни камайтиришга бўлган оқилона истагини кўрсатади.

Бугунги кунда АҚШда интернет-банкнинг фойдаланувчилари сони 200,6 миллион кишини ташкил этади, бу мамлакат умумий аҳолисининг 61,3 фоизига тенг. Ижобий уй-жой динамикаси кейинги йилларда ҳам сақланиб қолади — америкалик иқтисодчиларнинг прогнозларига кўра, 2022 йилга келиб бу кўрсаткич 65,3% га этади.

Тадқиқот метадологияси: Тижорат банкларида рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда банк хизматларини инновацион ривожлантириш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатлардир ўрганиш.

Банк иши — бу иқтисодиётнинг ўзига хос тармоғи бўлиб, у, биринчи навбатда, банк хизматлари ва маҳсулотларига нарх белгилаш соҳасида муҳим ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, тижорат банкларига тўлиқ нарх рақобатини ўтказишга имкон бермайди. Шу сабабли банklar томонидан мижозларни жалб этишнинг асосий йўналишларидан бири янги банк технологиялари, молиявий операциялар ва маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш ҳисобланади.

Банк инновацияси тушунчалари банк фаолиятининг барча соҳаларида маълум ижобий иқтисодий ёки стратегик самарага эришишга имкон берадиган ҳар қандай инновацияларга нисбатан қўлланилиши мумкин (мижозлар базасининг ўсиши, бозор улушининг кўпайиши, операцияларни амалга ошириш учун харажатларнинг камайиши). муайян турдаги операция ва бошқалар). Шу билан бирга, банк инновациясининг янги маҳсулоти ёки хизмати фақат уни молия бозорида ёки банк ичида амалга ошириш жараёнида намоён бўлади ва инновацион банк маҳсулоти ёки хизматига бўлган талаб унинг даражасини белгилайди. Маҳаллий банklarдаги инновацион банк маҳсулотлари, хизматлардаги ўзгаришлар ва энг сўнгги технологиялар, биринчи навбатда, ёш авлодни жалб қилиш ёки рақобатдош банklarнинг мижозларини жалб қилиш орқали мижозлар базасини кўпайтиришни осонлаштиради. Россия банк бозорининг ривожланиши банklarнинг кенгроқ мижозлар эҳтиёжларига тезда мослашишга фаолроқ тайёрлигига боғлиқ. Бугунги кунда маҳаллий инновацион банк маҳсулотларининг қуйидаги турлари энг кенг тарқалган: 1) мобил банкнинг — мобил телефон туфайли сиз ўзингизнинг шахсий ҳисобингиз билан кўпгина операцияларни амалга оширишингиз мумкин, у кенг кўламли хизматларни очади, хусусан, ҳисоб баланси, тўловлар, пул маблағларини ўтказиш, бир жисмоний шахсга қарз бериш ва бошқалар. Мутахассисларнинг фикрича, мобил телефон бир неча йилдан сўнг тўлов воситаси сифатида пластик карта ўрнини эгаллайди.

Мобил банкинг сизга камайтириш имконини беради транзакция харажатлари ва шу билан пул ўтказмалари, ҳисобни тўлдириш, тўловлар каби микромолия хизматларидан фойдаланиш имкониятини оширади. Интернет-банкнинг кейинги ўн йилликнинг асосий инновацияси бўлиб, ҳозирда аксарият банклар томонидан мижозларга таклиф этилмоқда. Россия фойдаланувчилар сони боғиича Европанинг энг яхши 10 та давлати қаторига киради, бироқ минтақаларга кириш даражаси пастлиги сабабли, келажакда Интернет аудиториясининг осиши учун ҳали ҳам муҳим салоҳиятга эга. Бу банклар учун катта имкониятлар очади. Халқаро мукофотлар, номинациялардан бири «Тўловлардаги энг яхши инновация». Россия Сбербанки Россиянинг энг йирик банки бўлиб, у Марказий ва Шарқий Европанинг етакчи банклари 10 талигига киради. Бундай инновацияларнинг аҳамияти АҚШда 1990 йиллардаёқ тан олинган. Уларнинг мақсади — меҳнат харажатларини, янги маҳсулотларни ишлаб чиқиш муддатларини камайтириш; Мижозларга хизматлар кўрсатишни кафолатлаш ва минимал харажатлар билан максимал сифатга эришиш. Россиядаги оммавий ахборот воситаларининг таъкидлашича, тежамкор банк тизими Сбербанк, Москва банки ва бошқалар томонидан қўлланилади, аммо бизнинг мамлакатимизда бу тизим ҳали кенг тарқалмаган. Банкларда қўлланиладиган технологияларни янгилаш жараёни доимий ва маҳаллий банк иши эволюциясининг асосий омили, шунингдек, инновацион жараёнларнинг катализаторига айланиши керак.

Банк соҳасида инновацион технологияларнинг ривожланиши финтех деб аталади. «Бу концепция молиявий жараёнлар тафсилотларини ёритиб берувчи дунёдаги энг йирик таълим сайти – Инвестопедия молиявий энциклопедиясига жорий йилда қўшилган энг машҳур ўнта янги сўздан бири бўлди». ФинТеч (молиявий технологиялар) инновациялари бутун дунё бўйлаб молиявий бозорлардаги ҳолатқвони ўзгартириш учун реал салоҳиятга эга. Банклар ва молия компаниялари ҳар доим янги технологияларга содиқ бўлиб келган. Ва бугунги кунда молиявий хизматлар ҳамжамиятига эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги вақтда Европада «необанклар» (необанк) деб аталадиган молиявий-кредит тузилмалари ривожланган. Россия Федерациясида ҳам шунга ўхшаш ташкилотлар мавжуд, масалан, бутунлай масофавий хизматларга йўналтирилган Тинкофф банкининг чакана филиаллари ва банкоматлари йўқ. «Необанк» ташкилот бўлишига қарамай, уларнинг офислари йўқ ва Интернет орқали фаолият юритиб, мобил иловалар ва интернет сайтларидан фойдаланган ҳолда барча турдаги банк хизматларини тарғиб қилиш ва тажриба ўтказиш билан шуғулланади. «Необанк»нинг (необанк) афзаллиги шундаки, у харажатларни минималлаштиради, хизмат кўрсатиш тезлигини оширади, мижозга арзон тарифлар таклиф этилади. Россияда нафақат янги банк маҳсулотлари ва хизматлари, балки технологиялар ҳам мослаштирилмоқда ва жорий қилинмоқда. Банк инновацияларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, банк ва технологик инновациялар фаолият учун энг муҳим ҳисобланади, чунки улар банкларга рақобатдош устунликларни беради ва замонавий тўлов тизимини ривожлантиришга ҳисса қўшади.

Хорижда банкларнинг классик филиаллари тармоғи бугунги кунда ўз-ўзига масофавий хизмат кўрсатиш зоналарига айлантирилмоқда ва мижознинг банкка ташриф буюришини талаб қилмайдиган операциялар сони ортиб бормоқда. Шу муносабат билан кўплаб филиаллар банк ходимлари иштирокисиз банкомат ва терминалларга эга ихтисослаштирилган хизмат кўрсатиш марказларига айлантирилмоқда. Маҳаллий банклардаги инновацион банк маҳсулотлари, хизматлардаги ўзгаришлар ва энг сўнгги технологиялар, биринчи навбатда, ёш авлодни жалб қилиш ёки рақобатдош банкларнинг браконерлик мижозларини жалб қилиш орқали мижозлар базасини кўпайтиришни осонлаштиради.

Хулоса шундаки юқори тенденцияда ривожланаётган иқтисодиётда энг муҳим секторлардан бири ҳисобланган банк секторини янги технология ва рақамлаштириш нақадар кераклигини кўришимиз мумкин. Банклар рақобатбардошлигини ҳамда бозор талабларини қондира олиши учун албатта доимий рақамли ривожланишни такомиллаштириб боришлари талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги Қонуни. ЎРҚ-578-сон

2. «2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 ... Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги ПФ-5099-сонли «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2019 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон Фармони [Электрон ресурс]: www.lex.uz.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 18 февралдаги 5349-сон Фармони. [Электрон ресурс]: www.lex.uz.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепцияси қарори лойиҳаси. <https://regulation.gov.uz/uz/document/9413>.

УЎК: 87.6

ПОСТМОДЕРН СОЦИУМДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ИЖТИМОЙ МЕХАНИЗМЛАРИ

Ю.Ю.Исомиддинов, ўқитувчи, Самарқанд давлат чет тиллар институти, Самарқанд

Аннотация. Ушбу мақолада коррупцияга қарши кураш борасидаги фалсафий парадигмалар, коррупцияга қарши кураш ҳақидаги гоялар, қарашлар ва тушунчаларнинг такки тизимини белгилаш учун ишлатиладиган дастлабки концептуал схемалар, уларни амалга оширишнинг тактикаси ва стратегияси ҳақидаги постулатлар ва стандартлар ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: тарихий макон, қадимги, ўрта аср, янги ва энг янги давр, субъектлари бўйича – индивидуал, жамоавий, ахлоқий-маънавий таъсир, Сингапур, Швеция, ички назорат, ташиқи бошқарув, сайлов тизими.

Аннотация. В данной статье рассказывается о философских парадигмах противодействия коррупции, об исходных концептуальных схемах, используемых для определения ведущей системы антикоррупционных идей, видений и концепций, постулатов и стандартов тактики и стратегии их реализации.

Ключевые слова: историческое пространство, древняя, средневековая, новая и новейшая эпоха, по субъектам - индивидуальное, коллективное, морально-духовное воздействие, Сингапур, Швеция, внутренний контроль, внешний контроль, избирательная система.

Abstract. In this article, we will talk about the philosophical paradigms in the fight against corruption, the initial concerted schemes used to define the leading system of ideas, views and concepts about the fight against corruption, the tactics and strategies of their implementation, postulates and standards.

Keywords: historical space, ancient, medieval, new and most recent period, by subjects – individual, collective, moral-spiritual influence, Singapore, Sweden, internal control, external management, electoral system.

Кириш. Бугунги кунда коррупция феноменини чуқур ўрганиш жуда долзарб бўлиб, бу ана шу ҳодисанинг моҳиятини унга хос белгиларни аниқлашни республикада коррупция пайдо бўлиши ва ривожланишига унинг ижтимоий-сиёсий иқтисодий вазиятга таъсир кўрсатишга имконият туғдирувчи ҳолатларни ҳар томонлама тадқиқ этишни истиқболга оид муайян тахминларни ишлаб чиқаришни назарда тутати.

Коррупцияни олдини олиш нафақат Республикамизда, балки жаҳон ҳамжамияти олдида турган долзарб муаммолапрандан бири ҳисобланади. Шу сабабли дунё мамлакатлари

коррупцияга қарши умумий қоралаш муҳити орқали курашаётган бир пайтда унга қарши курашиш чораларини излаб топиш шу соҳада амалий, назарий ва илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ва тарғиб этиш асосий вазифамиз эканлигини англаб етишимиз лозим.

Кишилар жамият ҳаётида юз бераётган барча жараёнларни кузатар экан, уларга нисбатан хайрихоҳ ёки қарши ёки бефарқ муносабатдабўлаётганликларини кўришимиз мумкин. Шу нуқтаи назардан қараганда коррупцияга қарши кураш масаласида ҳам шундай муносабат мавжудлигини кузатиш мумкин. Бироқ, коррупциянинг жамият тараққиётининг кушандаси эканлигини англаган одамлар, бу иллатга қарши кураш бўйича бир қатор тактик усулларни қўллаш ва стратегик йўналишларини белгилаб олиш борасида илмийамалий аҳамиятга эга бўлган ишланмаларни фалсафий парадигмалар шаклида ишлаб чиққан ҳолда ҳаётга жорий қилишга ҳаракат қилмоқдалар.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Коррупциянинг давлат хавфсизлигига таъсири ва коррупцион жараёнларининг дунё давлатлари ва маданиятларига таъсири инобатга олган ҳолда Д.Кауфман[1], С.Мелман, Р.Реникка[2] каби муаллифлар ўрганишган.

Коррупция ҳодисасини ижтимоий-фалсафий, сиёсий ва мафкуравий жиҳатдан таҳлил қилишда россиялик қатор олимлар ҳамда тадқиқотчиларнинг роли катта. Улар қаторига П.Андрукович, Ю.Благовешченский, И.Винюков, С.В.Ванюшкина, В.М.Есипова, В.О.Правников, В.В.Куликова, М.Левина, А.С.Малчинова, Э.Н.Мисловский, В.А.Номоконова, С.З.Павленко, В.И.Попова, А.Пономаренко, Э.С.Сазонова, С.С. Сулакшина [3] ларнинг илмий изланишларини келтириш лозим.

Коррупцияга қарши кураш борасидаги фалсафий парадигмалар деб коррупцияга қарши кураш ҳақидаги ғоялар, қарашлар ва тушунчаларнинг етакчи тизимини белгилаш учун ишлатиладиган дастлабки концептуал схемалар, муаммоларни қўйиш ва уларни ҳал қилиш моделлари, тадқиқот усуллари, уларни амалга оширишнинг тактикаси ва стратегияси ҳақидаги постулатлар ва стандартлар тизимига айтилади. Бу борада яратилган фалсафий парадигмаларни;

а) тарихий макон ва замонда жойлашган ўрнига қараб – қадимги, ўрта аср, янги ва энг янги даврдаги;

б) жазоларни қўллаш усул ва воситаларига қараб – қилмишига яраша қонунларда белгиланган тартибда жазолаш;

в) субъектлари бўйича – индивидуал, жамоавий;

г) ахлоқий-маънавий таъсирига қараб – жамоа олдида уялтириш, тадбирларига қўшмай изза қилиш ва бошқа шу кабиларга ажратиш мумкин. Бу парадигмаларни қуйидаги давлатлар мисолида кўриш мумкин. Сингапурнинг коррупцияга қарши курашдаги фалсафий парадигмаси ва уни амалга ошириш стратегияси. Сингапурнинг коррупцияга қарши кураш стратегияси ўзининг қатъийлиги ва изчиллиги билан ажралиб туради. Бу мамлакатдаги фалсафий парадигма "коррупцияни назорат қилиш мантиғи" га асосланиб: "коррупцияни йўқ қилишга уринишлар ҳам рағбатлантирувчи, ҳам шахсни коррупциявий ҳаракатларни содир этишга ундаш учун имконият яратадиган шароитларни минималлаштириш ёки йўқ қилиш истагига асосланган бўлиши керак"[4] ,– деган ғояга асосланади. Бу парадигмада:

биринчидан, мансабдор шахсларнинг ҳаракатларини тартибга солиш;

иккинчидан, бюрократик процедураларни соддалаштириш; учинчидан, юксак ахлоқий-маънавий меъёрларга риоя қилиш устидан қатъий назоратни кучайтириш масаласи илгарилган эди. Швециянинг коррупцияга қарши курашдаги фалсафий парадигмаси ва уни амалга ошириш стратегияси. XIX асрнинг ўрталарига қадар Швецияда коррупция ривожланган мамлакат эди. Бундан қутилиш йўлини ўзида акс эттирувчи фалсафий парадигманинг ўзига хос хусусиятлари: биринчидан, меркантилизм ва унинг оқибатларини тугатиш; иккинчидан, барча поғонадаги мансабдорлар учун юксак даражадаги ахлоқий-маънавий нормаларни ишлаб чиқиш ва уларга амал қилишни таъминлаш; учинчидан, мустақил ва адолатли суд тизимини яратиш кабилар билан тавсифланади. Шунга кўра мамлакатни модернизация қилишда меркантилизмни йўқ қилиш бўйича чора-тадбирлар кўрилди. Ўшандан бери давлат томонидан тартибга солиш фирмаларга қараганда кўпроқ уй хўжаликларига қаратилди, бунда эътибор

тақиқлаш ва рухсатномалар беришга эмас, балки имтиёзларни солиқлар юкини камайтириш ва шу кабилар орқали беришга қаратилди.

Муҳокама. Коррупция муаммоси БМТ Европа кенгаши шунингдек Америка давлатлари ташкилоти Европа иттифоғоқи ва бошқа халқаро уюшмалар томонидан кўриб чиқилган.

Коррупция бутун дунё муаммосидир. Ундан бирон-бир давлат қутила олган эмас. Унинг кўринишлари шунчалик хилма-хилдирки, хатто турли туман кўринишдаги маданий анъанага айланиб қолган дейиш мумкин.

Ички давлат ҳужжатларидан фойдаланиш имконияти очилди, мустақил ва самарали судловга асосланган адолат тизими яратилди. Шу билан бирга, Швеция парламенти ва ҳукумати маъмурлар учун юқори ахлоқий меъёрларни ўрнатди ва уларни бажариш бошланди. Натижада, бир неча йил ўтгач, ҳалоллик амалдорлар(бюрократия) ўртасида ижтимоий нормага айланди. Юқори мартабали амалдорларнинг иш ҳақи дастлаб ишчиларнинг иш ҳақидан 12-15 баравар ошиб кетди, аммо вақт ўтиши билан бу фарқ икки бараварга камайди[6] . Бугунги кунда Швеция дунёдаги энг паст коррупция даражасига эга давлатлардан бири саналади. Булардан ташқари бундай парадигмаларни амалга оширишни Гонгконг, Португалия, Малазия, Эстония каби мамлакатлар мисолида кўплаб келтириш мумкин. Ҳозирги кундаги коррупцияга қарши кураш бўйича фалсафий парадигмалар: муаммо ва ечимлар. Бугунги кунга қадар педагогика, психология, фалсафа, бошқарув назариясида бирон бир шахснинг идеал даражадаги амалдор бўлишига қафолат берадиган маълум усуллар мавжуд эмас. Бироқ, коррупция даражаси жуда паст бўлган кўплаб мамлакатлар мавжуд. Бундан ташқари, давлатлар тарихида коррупцияни камайтиришга қаратилган ҳаракатлар муҳим ютуқларга олиб келганлиги ҳақида мисоллар ҳам бор. Масалан, Эстония, Сингапур, Гонгконг, Португалия, Швеция шундай давлатлар қаторига киради. Бу эса, ўз навбатида коррупцияга қарши кураш бўйича муайян фалсафий парадигмаларга асосланган усулларининг мавжудлигини кўрсатади.

Ҳозирги кунда коррупцияни камайтириш борасида учта фалсафий парадигмал ёндашув борлиги кўзга ташланади. Биринчиси, коррупцияга алоқадор бўлганларни қилмишига яраша жинойий жавобгарликка тортиш учун янги қонунлар қабул қилиш ва уларнинг ижросини қатъий тарзда амалга оширишни таъминлаш. Иккинчиси, амалдорларнинг коррупция батқоғига ботиб кетмаслиги учун қоида ва қонунларни бузмасдан туриб, уларнинг даромадларини кўпайтиришга имкон берадиган иқтисодий механизмларни яратишни йўлга қўйиш. Учунчиси, бозорлар ва рақобатнинг ролини ошириш орқали коррупциядан олинадиган даромадлар улушини камайтириш. Мазкур фалсафий парадигмаларни амалга оширишнинг умумий илмий амалий механизмлари жумласига қуйидагилар киради.

1. Ички назорат. Бунга давлат бошқарув аппаратида мавжуд бўлган ички механизмлар ва рағбатлантириш омиллари киради. Буларга мансабдор шахсларнинг ўз вазифаларини бажариши учун аниқ стандартларнинг ишлаб чиқилганлиги ва уни бажариш юзасидан ходим устидан қатъий назорат ўрнатилишни таъминлашнинг мавжудлиги киради. Назоратни таъминлаш учун кўпинча автоном ишлайдиган махсус бўлимлар ташкил қилинади.

2. Ташқи бошқарув. Бунга ижро ҳокимиятидан юқори даражада мустақилликка эга бўлган механизмлар киради. Ташқи назорат эркин бозор иқтисодиёти ва либерал демократик давлатларга хосдир. Бу биринчи навбатда, бозорнинг нормал ишлашини таъминлаш учун аниқ қоидалар, механизмларни яратиш ва ишга тушуриш, иккинчи навбатда соғлом рақобат муҳитини таъминлайдиган самарали ҳуқуқий тизимини шакллантиришни талаб этилиши билан боғлиқлиги билан тавсифлаш мумкин.

3. Сайлов тизими. Демократик мамлакатларда сайланган вакилларни коррупция учун жазолашнинг асосий усули, уларни кейинги сайловларда ҳокимиятдан четлаштириш ҳисобланади. Бу шуни англатадики, сайловчининг ўзи танлаган кишиларнинг ҳалоллиги ва жавобгарлиги даражаси учун жавобгардир. Коррупцияга қарши қурол сифатида сайловларнинг юқори самарадорлигига қарамай, уларнинг таъсири жуда суст. Бир қатор

муаллифларнинг таъкидлашича, сайлов жараёнидаги камчиликлар коррупция доирасига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин.

Хулоса. Шунини алоҳида қайд қилиш керакки, мажоритар тизим энг катта индивидуал жавобгарликни таъминлайди ва бир нечта вакилларни ёки очик партиялар рўйхати билан сайланадиган сайловчилар номзодларнинг бенуқсонлигига бўлган эътиборини сезиларли даражада оширади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Kaufmann, D., & Kraay, A., Governance and Growth: Causality which way? – Evidence for the World, in brief. Washington, DC: World Bank. 2003.
2. Reinikka, R., Svensson, J., Fighting corruption to improve schooling. Journal of the European Economic Association, 3(2–3), 2005. – P. 259–267.
3. Терещенко И.А. Личность, общество, государство в проблеме борьбы с коррупцией // Обозреватель - Observer – № 3.–2009. – 0,5 п.л.
4. ВЦИОП — Сингапурская стратегия борьбы с коррупцией (недоступная ссылка). Дата обращения: 25 сентября 2006. Архивировано 29 апреля 2005 года.
5. Lindbeck A. Swedish lessons for post-socialist countries. — Institute for International Economic Studies, Seminar Paper No. 645. — Stockholm: 1998. [11] (англ.)
6. Кулматов, П. М. (2014). Динамика ценностных ориентаций молодежи Узбекистана. Система ценностей современного общества, (34).

УЎК: 336.143

СОЛИҚ МАЖБУРИЯТИНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШДА УЧИНЧИ ШАХС КАФОЛАТЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ

Б.К.Кучкаров, катта ўқитувчи, Фарғона политехника институти, Фарғона

Аннотация. Мақолада солиқ мажбуриятининг бажарилишини таъминлашда учинчи шахс кафолатларини расмийлаштириши тартиби назарий ва ҳуқуқий асослари, унинг асосий тушунчалари ва моҳияти, унинг мазмуни ва турлари асос сифатида ўрганилди. Солиқ соҳасидаги олимларнинг қарашларига эътибор қаратилиб улар орасидаги фарқлар ўрганилди. Кафиллик бўйича шартнома имзолаш шартлари ва у бўйича вужудга келадиган мажбуриятлар таҳлил этилиб бу бўйича тавсия ва таклифлар берилди.

Калим сўзлар: солиқлар; солиқ мажбурияти; учинчи шахс; кафиллик; кафиллик шартномаси; кафиллик мажбуриятлари.

Аннотация. В статье рассмотрены теоретические и правовые основы процедуры оформления гарантий третьих лиц в обеспечении исполнения налогового обязательства, ее основные понятия и сущность, ее содержание и виды в качестве основы. Ориентируясь на взгляды ученых в области налогообложения, были изучены различия между ними. Был проведен анализ условий заключения договора поручительства и вытекающих из него обязательств, а также даны рекомендации и предложения по этому поводу.

Ключевые слова: налоги; налоговое обязательство; третье лицо; поручительство; договор поручительства; обязательства по поручительству.

Abstract. The article discusses the theoretical and legal foundations of the procedure for issuing guarantees of third parties in ensuring the fulfillment of a tax obligation, its basic concepts and essence, its content and types as a basis. Focusing on the views of scientists in the field of taxation, the differences between them were studied. An analysis of the conditions for concluding a surety agreement and the obligations arising from it was carried out, as well as recommendations and suggestions on this matter were given.

Keywords: taxes; tax liability; third party; surety; surety agreement; surety obligations.

Кириш. Умуман олганда солиқ ҳамма даврда ҳам давлат хазинасини тўлдириш ҳамда амалдорлар ёки давлат вазифа ва функцияларини амалга ошириш ҳамда жамият эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида йиғилган. Шунингдек, давлат даромадининг асосий манбаи бўлган.

Ҳозирги вақтда давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида энг долзарб муаммолардан бири — бу солиқ муносабатларини тартибга солиш масаласидир. Бирон бир давлат солиқларсиз мавжуд бўлиши мумкин эмас. Солиқлар, маълум бир маънода, давлатнинг асосий хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Фуқароларимиз солиқдан қочиш эмас, уни вақтида тўлашдан манфаатдор бўлиши керак. 2019 йилдан бошлаб жорий этилаётган янги солиқ концепциясининг энг асосий ғояси солиқ юкини камайтириш, содда ва барқарор солиқ тизимини қўллашни кўзда тутади. Шу орқали иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини ошириш, тадбиркор ва инвесторлар учун ҳар томонлама қулай муҳит яратишга эришиш мумкин. Афсуски, ялпи ички маҳсулотда “яширин” иқтисодиётнинг улуши катта бўлиб, бу мамлакат ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда” [2].

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Солиқлар тарихда инсон цивилизацияси билан бирга ривожланиб, унинг ажралмас қисми ҳисобланади. Солиқларнинг иқтисодий муносабатларда асосий ўринга чиқишига, авваламбор, давлатнинг шаклланиши, жамоаларнинг синфларга бўлиниши, қадимги ижтимоий тузумнинг вужудга келиши ҳамда уларнинг маълум молиявий манбага эҳтиёж сезишлари сабаб бўлган [6].

Пол Мари Годменинг фикрига кўра, “солиқ тушунчасида мажбурийлик элементи шунчалик буюкки, бу мажбурийлик хусусиятига эга бўлмаган тушумларнинг солиқ соҳасидан истисно этилишига олиб келади” [4]. Айрим мамлакатларнинг ҳозирги замон солиқ тизимида қонун кучи билан мажбурий бўлмаган солиқлар ҳам мавжуд бўлиб, бу — черков солиғи ҳисобланади. Диний меъёрлар уларни ижроси таъминланади. Хусусан, мусулмон давлатлари (Саудия Арабистони, Яман, Покистон ва бошқалар) да дини давлат юқори ривожланган бўлиб, давлат санкциялари диний солиқ меъёри сифатида қабул қилинган меъёр бўлиб ҳисобланади. Хусусан, бундай тўловлардан бўлган ислом солиқлари (закот, закот ал фитр, ушр) [5]. Қуръонга мувофиқ ундириб олиниши ва чет эллардаги мусулмон жамоаларини қўллаб-қувватлаш, кам таъминланганларга ёрдам бериш ва бошқа мақсадларга йўналтирилади.

Солиқларнинг асосий ва муҳим ҳуқуқий хусусияти уларни ўрнатиш ва жорий этиш тартибидир. Солиқларни белгилаш ва уларни ундириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда амалга оширилиши керак. Шу билан бирга, қонунда назарда тутилмаган ҳар қандай мажбурий тўловлар солиқ ҳисобланмайди. Солиқларнингизнинг ҳуқуқий моҳиятини ташкил етувчи яна бир муҳим хусусият шундаки, уларни тўлаш орқали даромаднинг бир қисми қонун билан олдиндан белгиланган тартибда давлат фойдасига ундирилади.

Давлат давлатнинг бюджет тизими даромад қисмига ўтказиладиган солиқлар миқдори ва уларни тўлаш муддатларини белгилайди, қонунда белгиланган кўрсатмаларни бузган солиқ муносабатлари субъектларига нисбатан жавобгарлик чораларини қўллайди.

Тадқиқот методологияси. Мақолада қуйидаги метод ва усуллар қўлланилди: дедукцион ва индукцион белгилаш, солиқ мажбуриятининг бажарилишини таъминлашда учинчи шахс кафолатларини расмийлаштириш тартиби бўйича фактор таҳлили ва етакчи олимлар фикрлари ўрганиш.

Таҳлил ва натижалар. Юқорида айтиб ўтилганидек солиқларни белгилаш ҳамда уларни ундириб олиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартиб ва шартларда амалга оширилади [2]. Солиқ мажбуриятининг бажарилиши мол-мулк гарови, кафиллик, банк кафолати, пенялар, банкдаги ҳисоб варақлар бўйича операцияларнинг тўхтатилиши ва солиқ тўловчининг мол-мулкни хатлаш билан таъминланиши мумкин [8].

2019 йилда янги таҳрир қилинган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг олинган мавзу доирасидаги дахлдор моддаларини ўрганилди жумладан Кодекснинг «108-моддаси Кафиллик» деб номланиб ушбу модда шахсларнинг кафиллиги билан боғлиқ муносабатлар солиқ объекти нуқталари ёритилган.

Бундан ташқари «97-модда. Солиқларни тўлаш муддатларини ўзгартиришнинг умумий шартлари» [1], «99-модда. Солиқларни тўлаш муддатларини ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилишга ваколатли органлар» [1], «101-модда. Солиқларни тўлашни кечиктириш ёки

бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш тартиби» [1], «106-модда. Солиқ мажбуриятининг бажарилишини таъминлаш усуллари» [1], «120-модда. Солиқ қарзини ундириш тўғрисидаги умумий қоидалар» [1], «161-модда. Таъминлаш чоралари» [1], «244-модда. Солиқ солишдан озод этиладиган молиявий хизматлар» [1], ва «310-модда. Фоизлар ва айрим чиқимлар бўйича харажатлар» [1] да ҳам кафиллик муносабатларига назарда тутилган, маълум, изоҳлар ва шартлар берилган.

Солиқ бўйича мажбуриятини бажариш муддатлари ўзгаришлари амалга оширилган тақдирда ва Солиқ Кодекси бўйича назарда тутилган бошқа ҳолларда солиқ тўлаш мажбуриятини бажариш бўйича кафиллик билан таъминланиши мумкин айтилган.

Солиқ кодекси бўйича кафил, агар солиқ тўловчи унга белгиланган солиқлар бўйича белгиланган суммаларини ва тегишли пеняларни қонун билан белгиланган муддатда тўламаса, солиқ тўловчининг солиқларни тўлаш бўйича мажбуриятини тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини кафил ўз зиммасига олади.

Кафиллик фуқаролик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ органи ва кафил ўртасидаги шартнома билан расмийлаштирилади.

Солиқ тўловчи кафиллик билан таъминланган солиқни тўлаш бўйича мажбуриятини бажармаган тақдирда, кафил ва солиқ тўловчи жавобгар бўладилар.

Тўланиши бўйича мажбурият кафиллик билан таъминланган солиқ белгиланган муддатда тўланмаган ёки тўлиқ тўланмаган тақдирда, солиқ органи солиқни тўлаш тўғрисидаги талабномани бажариш муддати тугаган кундан эътиборан беш кун ичида кафиллик шартномаси бўйича пул суммасини тўлаш тўғрисида кафилга талабнома юборади.

Агар кафил кафиллик шартномаси бўйича пул суммасини тўлаш тўғрисидаги талабномани белгиланган муддатда бажармаса, солиқ органи ушбу Солиқ Кодекснинг «15-боб. Солиқ қарзини ундириш»[1], бўйича назарда тутилган тартибда ва муддатларда ушбу кафилдан тўлаш мажбурияти унинг кафиллиги билан таъминланган суммаларни мажбурий равишда ундириш чораларини қўллайди.

Кафил шартномага мувофиқ ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажаргач, кафил томонидан тўланган суммаларни, шунингдек шу суммалар бўйича фоизларни ҳамда солиқ тўловчининг мажбуриятлари бажарилиши муносабати билан кўрилган зарарларнинг ўрни қопланишини солиқ тўловчидан талаб қилиш ҳуқуқи унга ўтади.

Солиқ маъмурчилиги бўйича кафиллик – солиқ таъминотининг бўлиб, унда кафил солиқ тўловчининг қарздор суммаси тўлаб беришни ўз бўйнига олади.

Банк маъмурчилиги бўйича кафиллик – кредит таъминотининг бир тури бўлиб, унда кафил кредитни қарздор томонидан тўлиқ ёки қисман тўланишига кафолат беради, акс ҳолда, кафилнинг ўзи кредитни кафиллик суммаси доирасида тўлаб беришни ўз бўйнига олади. Банкнинг ички тартибидан келиб чиққан ҳолда, кредит таъминоти учун кафилликни қабул қилишга лимит ўрнатилиши мумкин, масалан, 50 млн. сўмдан юқори кредитларга кафилликдан бошқа таъминот турлари талаб этилиши мумкин.

Кафиллик шартномаси бошқа шахснинг кредитори ва кафил ўртасида тузилади, кафиллик шартномаси бўйича мажбуриятнинг мазмуни қарздор асосий мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганда кафилнинг қарздор билан бирга кредитор олдида жавоб бериш мажбурияти ҳисобланади [7].

Кафиллик алоҳида шартнома билан расмийлаштирилиши, шунингдек кафиллик тўғрисидаги шартлар улар билан қайси шартнома мажбуриятлари таъминланаётган бўлса, шу шартномага киритилиши мумкин. Бундай ҳолда шартнома кредитор, қарздор ва кафил томонидан имзоланади.

Хулоса ва таклифлар. Кафилнинг жавобгарлиги унинг қайси кўринишидан қатъий назар у томонидан имзоланган шартномада барча шартлар кўрсатилиши ва белгиланиши керак. Яъни, унинг мажбуриятлари ўрнатилган, ҳолат биринчи навбатда қарздордан қарзни ундириш учун чоралар кўриши, қарзни кафилдан тўлашни талаб қилиши тартиби. Агар жавобгарлик белгиланган бўлса (бу энг кўп қўлланиладиган ҳолат), тўсатдан қарздордан ва кафилдан қарзни тўлашни талаб қилади ҳолатлар аниқ белгиланиши лозим. Кўринишидан,

солиқ органлари ўзлари учун қулай шаклни танлайдилар, деярли ҳар доим кафолат берувчи катъий жавобгарлик белгиланадиган шартларни белгилайди. Яъни, агар қарздор қарзни ўз вақтида тўламаса, солиқ мажбуриятини, қарзни ҳатто кафилдан тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Қандай бўлмасин, кафил барча мол-мулк билан қарздорлик учун тўлиқ жавобгардир.

Аксарият ҳолларда солиқ органлари янада қулай тўлов амалиётидан фойдаланадилар, солиқ қарзини кафил ҳисоб рақамидан (банк картаси) дарҳол ҳисобдан чиқаришга рози бўладилар. Агар солиқ мажбуриятини солиқ тўловчи ўз вақтида қарзни тўламаган бўлса, қарз тўғридан-тўғри кафил ҳисобидан олинади.

Кўп одамлар, кафиллик шартномасини жиддий қабул қилмайдилар, шартнома тузиш сўнг, ва осонлик билан уни рад қилиш мумкин, деб ўйлайдилар, лекин аслида бундай эмас. Кафолат шунингдек, қарздор томонидан кафолат мажбуриятлари бўйича мажбурият олади. Қонунга кўра, шартномани бир томонлама бекор қилиш, яъни кафолатни бир томонлама рад этишга йўл қўйилмайди. Мисол учун, агар кафил шартнома тузилгандан кейин ишдан чиқса, касал бўлиб қолса, қарздор билан жанжаллашса (қарз олган томон), кафил ҳали ҳам ўз кучида қолади. Кафолат шартномасини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун солиқ органи билан келишиш керак бўлади ва солиқ органи ҳеч қачон ўз вазифасига зиён этказмайдиган шартлар белгилайди. Кафолат муддати шартнома мажбуриятлари бошқа шахсга ўтказилганда ёки кафолат муддати тугаганидан кейин тугайди. Яна бир усул-кафилни алмаштириш учун мурожаат қилишдир, агар томонлар келишиб қолса, кафилни бошқа шахсга алмаштириш мумкин.

Шундай қилиб, агар сиз дўстингиз, қариндошингиз, танишингиздан солиқ мажбуриятлари бўйича кафил бўлишни таклиф қилсангиз, қуйидагиларни ҳисобга олинг:

- кафил бўлиш солиқлар бўйича барча мажбуриятларни олишни англатади. Шунингдек, агар қарздор дўстингизнинг солиқ мажбуриятларини тўлай олмаса, уни ўзингиз тўлашингиз керак бўлади ва бундай вазият юзага келиши эҳтимол кам;
- кафил бўлишдан олдин, солиқ миқдори, пиниялар, муддатлар, шартноманинг бошқа муҳим шартлари, шунингдек солиқ тўловчининг молиявий ҳолати, солиқларни тўлаш имконияти, унинг шахсияти, яшаш жойи тўғрисида аниқ маълумотни ўқинг;
- агар солиқ тўловчи сиз ишонадиган, адолатли ва солиқларни тўлаш имкониятига эга бўлган шахс бўлса, кафиллик шартномасини тузинг.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Солиқ кодекси” (янги таҳрири) , 2019 йил 30 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси” 1994 йил 01 апрель.
3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. — Т: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019. — 61 б.
4. А. М. Аманов, Х. Н. Джамалов. Солиқ ҳуқуқи. (Ўқув қўлланма). — Т.: “Ниҳол принт” ОК, 2021.- 320 б.
5. Qudbiyev N. T. et al. Soliq yukining biznes uchun ahamiyati //Scientific progress. – 2022. – Т.3.–№.3.– С. 699-708.
6. Temirqulov, A., & Qudbiyev, N. (2022). Iqtisodiy rivojlanish maqsadlarini amalga oshirishda soliq siyosati o'rnini. Journal of Integrated Education and Research, 1(2), 121-127.
7. Курпаяниди, К. И., & Кундузова, К. И. (2013). Совершенствования системы налогообложения субъектов предпринимательства в условиях институциональной трансформации. Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук, (6), 129-131.
8. Кундузова, К. И. (2022, April). Об эффективности налоговой системы. In E Conference Zone (pp. 92-95).

УДК: 656.078.1

МОДЕЛИРОВАНИЕ ОБЪЁМА ГРУЗОВЫХ ПЕРЕВОЗОК НА ОСНОВЕ РЯДОВ ДИНАМИКИ*М.М.Марупов, доц., Ташкентский государственный транспортный университет, Ташкент**Д.Т.Ахмедов, ассистент, Ташкентский государственный транспортный университет, Ташкент**З.Ю.Юсуфхонов, ассистент, Ташкентский государственный транспортный университет, Ташкент*

Annotatsiya. Maqolada yuk tashish hajmi va kelajakdagi avtomobil transportining yuk aylanmasini modellashtirish masalalari ko'rib chiqiladi. Prognozlashda uchta turdagi funksiyalardan foydalanilgan, ya'ni chiziqli, kvadratik va eksponensial. Parametrlari eng kichik kvadratlar usuli bilan aniqlanadigan tendentsiya funksiyasi turini tanlash ko'p hollarda empirik tarzda, bir qator funksiyalarni qurish va ularni quyidagi mezonlarning qiymati bo'yicha bir-biri bilan taqqoslash yo'li bilan amalga oshiriladi: o'rtacha, mutlaq og'ish, standart og'ish, o'zgaruvchanlik koeffitsienti va korrelyatsiya indeksi. Eksperimental hisob-kitoblarni amalga oshirishda o'rta muddatli bashoratlarni amalga oshirish uchun ishlatiladigan eksponensial tekislash usuli qo'llanildi.

Kalit so'zlar: funktsiya, mezon, trend, o'rtacha mutlaq og'ish, standart og'ish, variatsiya koeffitsienti, korrelyatsiya ko'rsatkichi, modellashtirish.

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы моделирование объем перевозок грузов и грузооборота автомобильного транспорта на перспективу. При прогнозировании использованы три вида функции, а именно линейная, квадратичная, показательная. Выбор вида функции тренда, параметры которой определяются методом наименьших квадратов, производится в большинстве случаев эмперически, путем построения ряда функций и сравнения их между собой по величине следующих критериев: среднее абсолютное отклонение; среднеквадратическое отклонение; коэффициент вариации; индекс корреляции. При проведении экспериментальных расчетов использованы метод экспоненциального сглаживания которого применяют для реализации среднесрочных прогнозов.

Ключевые слова: функция, критерия, тренд, средне абсолютное отклонение, среднеквадратическое отклонение, коэффициент вариации, индекс корреляции, моделирование.

Abstract. The article deals with the issues of modeling the volume of cargo transportation and cargo turnover of road transport for the future. When forecasting, three types of functions were used, namely linear, quadratic, and exponential. The choice of the type of trend function, the parameters of which are determined by the least squares method, is made empirically in most cases, by constructing a number of functions and comparing them with each other according to the value of the following criteria: average absolute deviation; standard deviation; the coefficient of variation; correlation index. When carrying out experimental calculations, the method of exponential smoothing was used, which is used to implement medium-term forecasts.

Keywords: exponential smoothing method, least squares method, function, criterion, trend, mean absolute deviation, standard deviation, coefficient of variation, correlation index, modeling, standard error.

Введение. Методы прогнозирования, основанные на анализе одномерных временных рядов, наиболее полно отвечают следующим требованиям: реалистичность; простота и т.д. В самом деле, методы анализа одномерных временных рядов, в отличие от многих других методов (множественной регрессии, эконометрических методов, экспертных оценок, комплексных методов), не требует обширной информации, содержащейся в отдельных временных рядах. Одномерные временные ряды представляют собой выборку из экономических показателей (совокупности случайных чисел), взятых в динамике их развития.

Используемые в этих методах математические модели, как правило, имеют весьма ясный смысл и несложные формулировки. В то же время точность прогноза, получаемая с помощью анализа одномерных временных рядов, в большинстве случаев может быть достаточно удовлетворительной.

В основе такого подхода в сфере предприятий, как и в других областях экономики, лежат следующие причины: во – первых, точно неясно, какие факторы в данный момент и в какой степени воздействуют на работу предприятия; во – вторых, как правило, трудно представить эти факторы в формализованном виде; в – третьих, неясно, как различны фактора, влияющие на работу предприятий, взаимодействуют между собой; в – четвертых, велико воздействие внешней среды. Все сказанное выше и предопределяет применение методов анализа одномерных временных рядов в прогнозировании развития предприятий автотранспорта, и прежде всего методов простой экстраполяции сглаживанием временных рядов по методу наименьших квадратов.

Наиболее распространенным и легко реализуемым с вычислительной точки зрения методом прогнозирования по одному ряду динамики является метод экспоненциального сглаживания. Он позволяет получить оценку параметров тренда, которые характеризуют не средний уровень процесса, а тенденцию, сложившуюся к моменту последнего наблюдения. Чаще всего этот метод применяют для реализации среднесрочных прогнозов; суть его состоит в выборе параметра сглаживания α , начальных условий и степени прогнозирующего полинома [1].

Методология

Идея метода экспоненциального сглаживания заключается в том, что ряд динамики сглаживается с помощью взвешенной скользящей средней, в которой веса подчиняются экспоненциальному закону. Поэтому она служит характеристикой последних значений ряда. А так как экономические процессы обладают некоторой инерцией, вследствие чего процессы протекают в прогнозируемом периоде примерно в тех же условиях, что и в анализируемом, то ее использование для составления прогноза вполне оправдано.

Прогнозные расчеты начинают с анализа исходных данных и установления тенденций изменения рассматриваемых показателей на определенный период, предшествующий плановому. Предварительный анализ исходных данных следует проводить с установления их сопоставимости и достоверности. Исходные данные должны быть качественно однородными, а динамические ряды – отражать достаточно длительный период времени для надежности определения тенденций [2,3,4].

При прогнозировании объема перевозок грузов и грузообороте методом экстраполяции главное место занимает подбор функции $y(t)$, которая бы наилучшим образом аппроксимировала временной ряд. От правильности этого выбора в значительной степени зависит, насколько построенная модель будет адекватна изучаемому явлению.

Для выделения общей тенденции исследуемых показателей в работе использованы три функции: прямая $y=a_0+a_1 t$, полином второй степени

$y = a_0 + a_1 t + a_2 t^2$ и степенная $y = a_0 * a_1^t$. Параметры прогнозирующих функций рассчитывается методом наименьших квадратов, широко распространенным в экономических исследованиях. Выбор наилучшей функции производили по следующим критериям:

- среднее абсолютное отклонение

- среднеквадратичное отклонение $|A| = (y_t - \hat{y}_t)$

$$\sigma = \sqrt{\frac{\sum_{i=1}^n (y_t - \hat{y}_t)^2}{N-P-1}}$$

- коэффициент вариации

$$v = \frac{\sigma}{\bar{y}} \cdot 100\%$$

- индекс корреляции, для оценки близости теоретического процесса к исходному

$$R^2 = 1 - \frac{\sum_{i=1}^n (y_t - \hat{y}_t)^2}{\sum_{i=1}^n (y_t - \bar{y}_t)^2}$$

где $y_t, \hat{y}_t, \bar{y}_t$ - исходные, теоретические и среднеарифметические уровни временного ряда; n- число параметров, определяемых в функции тренда [5].

Результаты

При помощи стандартной программы построены следующие расчетные модели для показателя: “объем перевозок грузов” и ”грузооборот”(таблица 1)

Таблица 1

Расчетные модели прогнозирования объема перевозок грузов и грузооборота

Показатель	Модели	Критерии			
		A	σ	υ, %	R ²
Объем перевозок грузов	$Y_{Qt} = 144,02 + 12,245t$	0,001	16,37	11,37	0,9464
	$Y_{Qt} = 126,822 + 12,245t + 0,469t^2$	0,001	4,32	3,0	0,9969
	$Y_{Qt} = 2,0941 * 0,0397^t$	1,78	6,07	4,2	0,9939
Грузооборот	$Y_{Pt} = 2937,8 + 261,5t$	0,005	0,2	6,8	0,972
	$Y_{Pt} = 2733,0 + 261,5t + 11,02t^2$	0,001	0,077	2,64	0,996
	$Y_{Pt} = 3,4342 * 0,0423^t$	0,301	0,109	3,7	0,992

После анализа по критериям выбраны следующие модели прогноза для показателя: “объем перевозок грузов” и “грузооборот “ (таблица 2)

Таблица 2

Модели прогноза объем перевозок грузов и грузооборота автомобильного транспорта

Показатели	Модели	Средняя квадратическая ошибка	
		%	Услов. ед.
Объем перевозок грузов	$Y_{Qt} = 126,822 + 12,245t + 0,469t^2$	3,0	4,32
Грузооборот	$Y_{Pt} = 2733,0 + 261,5t + 11,02t^2$	2,6	77,0

Выводы. Разработка использования прогнозов является одним из важных направлений совершенствования планирования в современных условиях, повышения его научного уровня. В современных условиях научным может быть лишь такое планирование, которое базируется на тщательно разработанных прогнозах-технических и экономических, демографических и других, охватывающих все возможные изменения в производительных силах в окружающей среде. К разрабатываемым прогнозам предъявляются следующие требования. Прогнозы должны быть, прежде всего, научно обоснованы, своевременны и надежны, а также содержать в достаточном объеме информацию, необходимую для разработки перспективных планов.

Однако трендовые методы не всегда дают приемлемые результаты. Видимо, выравнивая фактические данные с помощью экспоненциального сглаживания, нельзя проследить и учесть влияние факторов на уровень объема грузовых перевозок, поскольку они сливаются в один собирательный фактор- время [6].

Потребность в прогнозах и широкое их распространение способствовали появлению разнообразных эмпирических, математических, логических и других методов и способов разработки экономических и научно-технических прогнозов. Все многообразие методов условно можно объединить в три группы; экстраполяции, экспертных оценок и моделирования. Значительная роль в прогнозировании отводится интуиции, основанной на анализе статистических данных и изучении действующих тенденции и закономерностей.

По поводу применения изложенных методов можно сделать некоторые общие выводы. Экстраполяцию сглаживанием временных рядов по методу наименьших квадратов следует применять с осторожностью, так как и при неправильном подборе аппроксимирующей функции, выражающей тенденцию развития, результаты прогноза могут быть ошибочными.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Марупов М.М. Прогнозирование развития производства. Учебное пособие. – Ташкент 2007.
2. Просветов Г.И. Прогнозирование и планирование: Задачи и решения. СПб: РДЛ. 2005

3. Черныш Е.А. и др. Прогнозирование и планирование. Учебное пособие. – М.: ПРИОР, 2000.
4. Zokirkhan Yusufkhonov, Malik Ravshanov, Akmal Kamolov, and Elmira Kamalova. Improving the position of the logistics performance index of Uzbekistan. E3S Web of Conferences 264, 05028 (2021), CONMECHYDRO – 2021. <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202126405028>
5. Qodirov, T. U. U., Yusufxonov, Z. Y. O. G. L., & Sharapova, S. R. Q. (2021). O'zbekistonda transport-logistika klasterlari faoliyatini takomillashtirish. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(6), 305-312.
6. Atajanov, Maxmud Kenjabayevich, & Yusufxonov, Zokirxon Yusufxon O'g'li (2021). Innovatsion infratuzilmalarni multimodal shahar jamoat transportiga jalb qilish orqali ko'cha-yo'ltarmoqlari yuklanishini bartaraf etish. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1 (8), 74-86.

УДК 338.002

ТЕОРИЯ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

*Р.Р. Матниезов, старший преподаватель, Ташкентский финансовый институт,
Ташкент*

Annotatsiya. Raqamli iqtisodiyot nazariyasi rivojlanish jarayonida. Maqolada O'zbekiston Respublikasida raqamli iqtisodiyot nazariyasi muhokama qilinadi.

Kalit so'zlar: elektron iqtisodiyot, elektron hukumat, axborot, biznes.

Аннотация. Теория цифровой экономики находится в процессе своего развития. В статье рассматривается теория цифровой экономики в Республике Узбекистан.

Ключевые слова: электронная экономика, электронное правительство, информация, бизнес.

Abstract. The theory of the digital economy is in the process of its development. The article discusses the theory of the digital economy in the Republic of Uzbekistan.

Key words: e-economy, e-government, information, business.

В научной литературе современную эпоху по-разному называют Новой цифровой экономикой. Например, —Постиндустриальная экономика (Д.Белл), —Информационная экономика (О.Тоффлер), —Мегаэкономика (В.Кувалдин), —Экономика, основанная на информации и коммуникации (И.Ниинилуто), —Технологическая экономика или цифровая экономика (Б. Гейтс), «экономика, основанная на знаниях» (Д. Тапскотт). Фактором, связывающим эти понятия, является первостепенное место информационных технологий в процессе глобализации экономических процессов. Говоря о цифровой экономике, уместно дать определение информационному обществу. Под информационным обществом понимается общество, в котором большая часть работающих в нем людей занимается производством, хранением, обработкой и реализацией информации, особенно знаний, что является ее высшей формой. Этот этап развития общества и экономики характеризуется возрастанием значения информации, знаний и информационных технологий в жизни общества. Экономисты используют различные технологические, экономические, трудовые, пространственные, потребительские и творческие критерии для определения информационного общества, где цифровая экономика является приоритетом.

Некоторые могут задаться вопросом, зачем нужна цифровая экономика и что она дает. Цифровая экономика — это не только технология Блокчейн и ее использование на международных финансовых рынках или криптовалютах. Конечно, технология Blockchain и криптовалюты также являются частью цифровой экономики. Но термин «Цифровая экономика» относится к экономике, ведущейся с помощью цифровых коммуникаций и ИТ. В этом случае его также можно рассматривать как средство ликвидации теневой экономики. Потому что, во-первых, все операции будут регистрироваться в электронном виде, а во-вторых, они будут прозрачными. Кроме того, за счет использования в производстве новых ИТ-технологий стоимость продукции и услуг снизится. В цифровой экономике есть такие термины, как собственная валюта (криптовалюта, биткойн), карта хранения денег (блокчейн),

методы расчета (майнинг). Проведение более детальных научных исследований по этим программам является актуальным вопросом на сегодняшний день.

На сегодняшний день, по данным информационной службы Министерства развития информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан, проводится ряд работ в направлении развития телекоммуникационной инфраструктуры и решения проблем.

В частности, общая пропускная способность Интернет-соединения составляет 1200 Гбит/с, создана возможность выхода в Интернет на скорости 750 Гбит/с через коммутационный центр, уровень загрузки сети составляет 76,6 процента.

С 1 января 2020 года тариф на услуги интернета для операторов и провайдеров снижен на 34% по сравнению с 2021 годом и составил 56 000 сумов за 1 Мбит/с. Количество пользователей интернет-сервиса на сегодняшний день составляет 22 миллиона человек. увеличилось с , из которых количество пользователей мобильного интернета составляет 19 млн. человек. На 237 объектах по республике расширены магистральные сети телекоммуникаций, модернизировано телекоммуникационное оборудование, увеличена пропускная способность магистральных сетей телекоммуникаций до 200 Гбит/с на межобластном уровне и 40 Гбит/с на межрайонном уровне. уровень. Положительные результаты есть, но этого недостаточно.

Ведь цифровая экономика продолжает накапливать невероятное количество цифровых данных.

Ожидается, что глобальный IP-трафик достигнет 150 700 Гбит/с в 2022 году (по сравнению с 45 000 Гбит/с в 2017 году).

Таблица 1.

Таблица о пользователях системы Интернет в Узбекистане

№	Название	число	Gbit/s	Место
1	пропускная способность интернета	1200	750	Узбекистан
2	Количество пользователей интернет-сервиса	22 млн.	750	Узбекистан
3	Количество пользователей мобильного интернета	19 млн.	750	Узбекистан

Цифровой бизнес — это появление новых бизнес-моделей, объединяющих физический и цифровой миры. На Западе Школа менеджмента определяет цифровую трансформацию как использование современных технологий для радикального повышения стоимости и производительности предприятий. Взрыв социальных сетей, рынок смартфонов, широкополосный доступ в Интернет, технологии машинного обучения и искусственный интеллект меняют мир, в котором работают компании. Им придется либо восполнять пробелы на новом рынке, либо адаптироваться к изменениям, изменив существующие пробелы. Получается, что 22-значная трансформация организаций — это ответ на развитие и активное распространение новых информационных технологий по всему миру.

Цифровая трансформация достигает разных уровней, и разница между ними имеет такое же значение, как и разница между двумя терминами — «цифровизация» и «цифровизация». Оцифровка — это перенос информации с физических носителей на цифровые носители. Примерами цифрового рендеринга являются электронные книги, видеокурсы, создание цифровой копии фотографии и т. д. При этом информационная структура не изменится: она будет иметь только электронный вид.

Цифровизация часто используется для улучшения существующих бизнес-моделей и оптимизации бизнес-процессов. Оцифровка — это создание совершенно новых продуктов в цифровом виде. Например, курс динамического обучения с умножением или интерактивная система интерпретации документов — это оцифровка. Невозможно перевести продукт, созданный на основе цифровизации, в технические средства без серьезной потери его качества, поэтому цифровизация, в отличие от цифровизации, позволяет предприятиям значительно ускорить развитие и получить новые конкурентные преимущества.

Как отметил Президент Ш.Мирзиев, «Конечно, мы прекрасно понимаем, что для формирования цифровой экономики требуется необходимая инфраструктура, много средств и трудовых ресурсов». Однако, как бы это ни было сложно, если мы не начнем сегодня, то когда

же мы начнем?! Завтра будет слишком поздно. Поэтому активный переход к цифровой экономике будет одним из наших главных приоритетов на ближайшие 5 лет.

Неадекватные цифровые навыки у всех слоев населения остаются еще одним препятствием на пути развития цифровой экономики. Цифровой оборот также низок. В связи с этим стоит вспомнить мнение Билла Гейтса, основателя корпорации Microsoft, известное многим в мире технологий: «Скоро на планете останется только два типа компаний». Первые — это компании, которые ведут бизнес через Интернет, а вторые — компании, которые вышли из бизнеса. Учитывая этот аспект, предпринимателям целесообразно строить свою деятельность на основе известных во всем мире принципов «бизнес для потребителя», «бизнес для бизнеса», «потребитель для потребителя».

Также проблемой внедрения цифровой экономики является отсутствие высоких зарплат у ИТ-специалистов, которые длительное время являются техническим персоналом в бюджетных организациях. Причина в том, что квалифицированные программисты недолго задерживаются на этой должности в организациях, если зарплата невысокая. Они предпочитают работать на международные организации, совместные предприятия, зарубежных заказчиков. Сейчас внедрить механизм их премирования, обучить их работе на международных рынках и создать для этого научную базу – единственный для нас путь, который нельзя откладывать.

Термин «цифровая экономика» используется для обозначения двух разных концепций. Во-первых, цифровая экономика считается современным этапом развития, характеризующимся приоритетом творчества и информационных благ. Во-вторых, цифровая экономика – это уникальная теория, объектом ее изучения является информационное общество.

Национальное агентство проектного управления при Президенте Республики Узбекистан является уполномоченным органом в сфере внедрения и развития цифровой экономики. Кроме того, на министерства экономики, финансов, информационных технологий, юстиции и других государственных структур возложены определенные обязанности и задачи по развитию цифровой экономики [3].

Интеллект и знания – крылья развития. Вершина современной науки видна в высоких технологиях, в цифровом мире. Четвертая промышленная революция знаменует собой начало новой формы развития — цифровой экономики. На сегодняшний день подсчитано, что цифровая экономика в мире стоит 2 триллиона долларов США в 20 развитых странах. В Великобритании, мировом лидере по развитию цифровой экономики, она уже достигла 12% национального валового внутреннего продукта. Цифровая экономика подразумевает цифровизацию технологических и бизнес-процессов, производства, логистики и торговли готовой продукцией.

В нашей стране в 2020 году поставлена задача полной цифровизации таких сфер, как транспорт, геология, образование, архивы, и работа в этом направлении ведется быстрыми темпами. ИТ-парки с современной инфраструктурой — тому подтверждение.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Постановление Президента Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёева от 3 июля 2018 года №PQ-3832 «О мерах по развитию цифровой экономики в Республике Узбекистан».
2. Указ Президента Республики Узбекистан от 19 февраля 2018 года № ПФ-5349 «О мерах по дальнейшему развитию сферы информационных технологий и связи».
3. С. Гулямов, Р.Х. Аюпов, О.М. Абдуллаев, Г.Р. Балтабаева. Блокчейн-технологии в цифровой экономике. Т.: ТМИ, издание «Экономика-финансы», 2019, 447 с.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА РИСКЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ**Ш.З.Мухитдинов, доц., Наманган муҳандислик-технология институти, Наманган**

Аннотация. Мазкур мақолада ишлаб чиқариш корхоналарида рискларнинг ахамияти ва рискларни бошқариш самарадорлигини оширишнинг асосий тамойилларига бағишланган. Шунингдек мақолада рискларнинг Ишлаб чиқариш тадбиркорлигига таъсир этувчи рискларни бошқариш тамойиллар схемаси, Ишлаб чиқариш корхонасига таъсир этувчи рисклар тамойилларининг таснифларнинг назарий асослари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: ишлаб чиқариш, риск, тамойиллар, риск таснифлари

Аннотация. Данная статья посвящена основным принципам повышения риск-менеджмента и эффективности управления рисками на производственных предприятиях. В статье также рассматривается схема принципов управления рисками, влияющих на предпринимательство рискованного производства, теоретические основы классификаций принципов рисков, влияющих на производственное предприятие.

Ключевые слова: производство, риск, принципы, классификации рисков

Abstract. This article is devoted to the basic principles of improving risk management and the effectiveness of risk management at manufacturing enterprises. The article also discusses the scheme of risk management principles affecting the entrepreneurship of risk production, the theoretical foundations of classifications of risk principles affecting the production enterprise.

Keywords: production, risk, principles, risk classifications

Кириш. Ишлаб чиқариш бу моддий ишлаб чиқариш ҳисобланиб — жамиятнинг яшаши ва тараққий этиши учун зарур бўлган моддий бойликлар (турли икти-содий маҳсулотлар)ни яратиш жараёни, ишлаб чиқариш омиллари истеъмол ва инвестициялар учун мўлжалланган товарлар ва хизматларга айлантириш ҳисобланади [1]. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг турларга қараб бўлинади бу қуйиш, қайта ишлов бериш, ярим тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва бошқалардан иборат. Ишлаб чиқариш турлар йирик, ўрта, кичик бўлинади [2]. Ишлаб чиқариш корхоналари мамлакат иктисодиёти барқарорлигини таъминлашдаги ижтимоий-иктисодий кучга эга бўлган субъектлардан ҳисобланади. Мамлакатимизда ишлаб чиқариш суратлари йилдан йилга ўсиб бормоқда. Айниқса саноат ишлаб чиқариш ҳажми 108,7 фоизга ошган. Ҳар қандай вазиятда ҳам ишлаб чиқаришга таъсир этувчи рискларни инобатга олишни тақозо этади. Ишлаб чиқариш рисклари ўзига хос хусусиятларга эга. Рисклар ички ва ташқи турларга бўлиниб улар ишлаб чиқариш жараёнини турли даражалари номоён бўлиши ва турли хавфларна келтириб чиқариш мумкин.

Адабиётлар шарҳи. Ишлаб чиқариш корхоналарида рискларни бошқариш тамойиллари бўйича хорижлик олимларидан D.Pons [3], E.Loehman [4] бошқаларнинг асарларида тадқиқ этилган.

МДҲ олимлардан М.Г.Лапуста [5], М.С.Гарафли ва А.Ч.Касаев [6] асарларида ишлаб чиқариш корхонасида рискларни бошқаришнинг асосий тамойиллари ва хусусиятлари борасида назарий асослар тадқиқ этилган.

Мамлакатимиз олимларидан Н.К.Йўлдошев ва Г.Э.Захидов [7], А.А.Исломов [8] асарларда эса ишлаб чиқариш кучларига таъсир этувчи рискларни камайтириш хусусиятлари ва рискларни бошқаришнинг асосий йўналишлари самарадорлигини оширишга бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Олимлар томонидан тадқиқ этилган масалаларга кўра ишлаб чиқариш рискларининг асосий тамойиллар бу ишлаб чиқаришга таъсир этувчи ички ва ташқи омилларнинг бевосита таъсирни ҳисобга олиш, Ишлаб чиқариш тадбиркорлик фаолиятидаги рисклар моддий, меҳнат, молиявий зарарларнинг махсус турларидан иборат бўлиши ва айнини рискларнинг асосий тамойилларидан эканлигини назарий асосланган.

Таҳлил ва натижалар. Ҳозирги кунда давлатимиз томонидан олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида ишлаб чиқариш тадбиркорлиги соҳасида иқтисодий ўсиш қайд этиб борилиб ялпи ҳудудий маҳсулотлар ҳажми ҳам ошиб бормоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Фарғона водийсида 2018-2020 йилларда ишлаб чиқарилган ялпи ички (ҳудудий) маҳсулотлар ҳажми (млрд. сўм) (Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси)

№	Худуд номи	Йиллар					
		2018	Ўсиш сурати (фоизда)	2019	Ўсиш сурати (фоизда)	2020	Ўсиш сурати (фоизда)
1	Наманган	18 046,0	104,5	23 144,8	107,6	26 632,3	104,8
2	Андижон	26 503,0	109,8	33 242,4	105,9	37 913,7	102,8
3	Фарғона	26 611,5	107,7	31 818,4	104,5	36 538,9	103,0

Жадвалдан кўриш мумкинки ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2018 йилда 109,8 фоиз билан Андижон вилояти етакчиликини эгаллаган бўлса 2020 йилга келади ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми ўсиш сурати 104,8 фоиз билан Фарғона водийсида Наманган вилояти етакчи ўринни қайд этган.


Ишлаб чиқариш рисклари ўзига хос хусусиятларга эга. Рисклар ички ва ташқи турларга бўлиниб улар ишлаб чиқариш жараёнининг турли даражалари номоён бўлиши ва турли хавфларна келтириб чиқариш мумкин.

Ишлаб чиқариш тадбиркорлик фаолиятидаги рисклар моддий, меҳнат, молиявий зарарларнинг махсус турларидан иборат бўлиб. Ишлаб чиқариш рискларнинг юқори таъсирга эга риск деб бу моддий йўқотишлар омили деб ҳисоблаш мумкин.

Моддий йўқотишлар қўшимча харажатларда ёки асбоб-ускуналар, техника-технологиялар, мулк, хом ашё, энергия ва ҳоказоларда номоён бўлади. Моддий йўқотишлар шу турдаги моддий ресурсларнинг миқдорида ўлчанадиган бирликларда, яъни оғирлик, ҳажм, майдон ва ҳоказоларнинг миқдор бирликларида ўлчанади. Миқдор ўлчовдаги йўқотишларни тегишли моддий ресурсларнинг бирлик баҳосига кўпайтириш йўли билан қийматга айлантдирилиб моддий йўқотишларнинг умумий миқдори ўлчаш имконияти пайдо бўлади ва бу рискларнинг таъсир дорирасини анқлаш имконини беради.

Ишлаб чиқаришга таъсир этуви рисклар иқтисодий фаолиятнинг турли соҳаларида хавфлар юзага келтиради. Шунинг учун рискларни бошқаришда асосий эътиборни ўрганилаётган корхонага нисбатан мумкин бўлган риск соҳаларини аниқлаш иборат бўлиши керак.

Риск миқдор жиҳатдан ишлаб чиқариш тадбиркорлигига критилган капиталдан кутилаётган максимал ва минимал даромаддан келиб чиқиши мумкин бўлган зарар ёки йўқотишларни субъектив баҳолаш билан тавсифланади. Шу билан бирга максимал ва минимал даромад орасидаги зарар оралиғи қанча катта бўлса, риск даражаси шунча юқори бўлади.



1-расм. Ишлаб чиқариш тадбиркорлигига таъсир этувчи рискларни бошқариш тамойилининг схемаси (муаллиф ишланмаси)

Рискларни бошқариш тамойилларидан риск даражасига таъсир қилувчи объектив ва субъектив омиллардан иборатдир. Объектив омилларга ишлаб чиқариш корхосинанинг ташқи муҳитида юзага келадиган сабаблар, яъни фаолиятига бевосита боғлиқ бўлмаган сабаблар киради. Масалан, сиёсий, иқтисодий ва экологик инқирозлар, божхона, солиқ, давлатнинг

бюджет сиёсати. Субъектив омиллар ички муҳитига бевосита боғлиқ меҳнат унумдорлиги даражаси, техник ва технологик ускуналар қудрати, ишлаб чиқариш салоҳияти, бошқарув тизими, меҳнатни ташкил этиш, маркетинг, нарх-наво, корхонанинг инвестиция сиёсати.

Рискларни бошқариш муайян даражада хавф юзага келишини башорат қилиш ва уларга таъсир этувчи қарорларни қабул қилиш имконини беради (1-расм).

Расмдан маълумки ишлаб чиқариш корхонасининг объекти ва субъектига таъсир этувчи рисклар аниқлаш ва уни бартараф этиш бошқарув тамойиллари ва усуллари ва унинг стратегиясига боғлиқ. Рискларни бошқариш стратегияси корхона фаолиятига қараб тузилиши керак.

Ишлаб чиқариш корхонаси рискларини бошқариш тамойиллар кетма-кетлигини амалиётда қўллаш корхонада самарали бошқарувни ташкил ва ноаниқ шароитларда қарор қабул қилиш тизимини самарадорлигини оширади.

Рискларни бошқариш бўйича ўрганилган тамойиллар ишлаб чиқариш корхонасининг барқарорлигини таъминлаш, маҳслот сифатини ошириш, бозордаги тебранишларга дош бера олиш, бошқарув самарадорлигини таъминлаш имконини оширади. Рискларни бошқариш усуллари рискни принципаал бошқариш мумкинлигига асосланади. Рисклар статик ҳодиса деб ҳисобланмаслиги керак риск даражаси камайтириш имкони мавжудлигини доим мененжерлар инobatга олишини лозим.

Фикримизча, корхонанинг ишлаб чиқариш соҳасидаги рисклар ишлаб чиқариш фаолияти турлари бўйича бирламчи таснифлашни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Ёндашувга кўра ишлаб чиқариш рисклари қуйидагича таснифланиши керак (2-расм).



2-расм. Ишлаб чиқариш корхонасига таъсир этувчи рисклар тамойилларининг таснифлари (муаллиф ишланмаси)

Расмдан кўриш мумкинки ишлаб чиқариш корхонаси рисклари бу ёрдамчи фаолиятдаги, асосий фаолиятдаги ва бошқаришдаги риск омилларидан иборатдир. Рискларни бошқаришнинг асосий тамойиллари молиявий зарар учун компенсация тизими сифатида қаралиши керак ва бу бошқарув ҳаракатлари стратегиясини ва тактикасини ўз ичига олиши лозим. Бунда бошқарув стратегияси мақсадга эришиш учун маблағлардан оқилона фойдаланишни англатади. Тактика эса аниқ шароитда қўйилган мақсадга эришиш ва маълум иқтисодий вазиятда оптимал ечимни топиш учун бошқарувнинг амалий услубларини билдиради.

Риск менежменти рискларни бошқариш усулларида иборатдир. Рискларни бошқариш тизимида профилактика чораларини тўғри танлаш ва хатарларни минималлаштиришда муҳим

роль ўйнайди. Унинг асосий тамойили ҳал қилиш воситалари ва хавфни камайтириш усулларидан иборат. Рискларни бошқариш усулларини қуйидача тасвирлаш мумкин (3-расм).



3-расм. Ишлаб чиқариш корхоналарида рискларни бошқариш усуллари (муаллиф ишланмаси)

Ишлаб чиқариш тадбиркорлигида рискларни бошқариш усулларининг энг мақбул вариантлари самарали бошқарувни ташкил этиш ва диверсификация жараёнларга эътибор беришни талаб этиши керак.

Ишлаб чиқариш корхоналарида рискларни бошқариш тамойиллари нуқтаи назарида хавф оқибатларини таҳлил қилиш ва баҳолашда эътиборга олиниши керак бўлган тадбиркорлик субъектларининг ўзига хос хусусиятлари ташкилотнинг ишлаб чиқариш фаолиятдан фойда олишга мақсадли йўналтирилганлиги ва тадбиркорлик фаолияти турига қараб фарқлаш, хавф оқибатларини ҳисобга олган ҳолда бошқарув қарорларини қабул қилиш заруратидан иборат.

Ишлаб чиқариш корхонасининг рискларни бошқариш самарадорли фаолиятга таъсир этувчи муҳитни таҳлил қилиш нуқтаи назаридан рискни юзага келтирувчи омилларни юзага келиш соҳасига қараб, ички ва ташқи омилларга бўлиш керак.

Юқорида айтиб ўтилганидек, риск кенг тарқалган ҳодиса сифатида бозор шароитида фаолият юритувчи барча хўжалик юритувчи субъектларга таъсир этувчи омилларни ўз ичига олади, шунинг учун ишлаб чиқариш корхонасида рискларни бошқаришда комплекс ёндашувни ишлаб чиқиш муаммоси алоҳида долзар ҳисобланади. Ресурс компонентларидан самарали фойдаланиш қобилияти глобаллашув, жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши ва қийин ташқи сиёсий муҳит шароитида корхоналарга муваффақиятли ишлаш, молиявий барқарорлик, рақобатбардошлик ва рентабелликни сақлашга имкон берадиган потентсиалга айланиши керак.

Рискларни бошқариш истикболининг самарадорлигини ошириш хавф сифатида таъсир этувчи омилларнинг эҳтимолини олдини олиш ёки камайтириш деб тушуниш керак.

Рискларни бошқаришда қарор қабул қилиш учун шарт-шароитлар пухта таҳлилни назарда тутати ва фаолиятини такомиллаштириш, ташкилотнинг иш жараёнлари самарадорлигини ошириш йўлини танлаш учун фойдаланиш мумкин мантиқий ва тизимли жараёндан иборат бўлиши керак.

Бизнингча ишлаб чиқариш тадбиркорлигида рискларни бошқариш қуйидаги асосий таркибий элементлардан иборат бўлиши керак (2-жадвал).

**Ишлаб чиқариш корхоналарида рискларни бошқариш жараёнининг асосий таркибий элементлари
(муаллиф ишланмаси)**

Босқич	Хусусиятлари
1. Ўзаро ҳамкорлик ва консалтинг	Хатарларни бошқариш жараёнининг ҳар бир ишлаб чиқариш босқичига таъсир этувчи ташқи ва ички омилларни ҳисобга олиш лозим
2. Рискларни бошқариш контекстини аниқлаш	Ишбилармонлик муҳитининг ташқи хусусиятларини, ташкилотнинг ички параметрларини, шунингдек, жараён амалга ошириладиган рискларни бошқариш параметрларини аниқлаш керак. Фаолиятга қўйиладиган талаблар белгиланиши керак, улар асосида рисклар мезонлари, шунингдек уларни таҳлил қилиш тузилмаси ва усуллари аниқланади.
3. Риск идентификацияси	Қаерда, қачон, нима учун ва қандай хавфли вазиятлар мавжуд фойдага тўсқинлик қилиши, заифлашиши, кечикиши мумкинлигини аниқлаш
4. Рискларни таҳлил қилиш	Оқибатларни юзага келиш эҳтимолини ва шунинг учун хавф даражасини, шунингдек, хавф ҳолатларининг сабаблари ва омилларини аниқлаш лозим. Бундай таҳлил потенциал оқибатлар кўламини ва уларнинг юзага келиш йўллари ҳисобга олиши керак. Рискларни таҳлил қилишда хавфларни назорат қилишнинг мавжуд воситаларини (моделлари ва усулларини) аниқлаш ва баҳолаш керак.
5. Рискларни баҳолаш	Риск даражаси олдиндан белгиланган мезонлар билан таққосланади. Олинган маълумотлар ва хатарларни бошқариш моделининг параметрларига мувофиқ потенциал фойда ва салбий оқибатлар ўртасидаги мувозанат аниқланади. Бу таваккалчилик қарорининг кўламини ва характери, таваккалчиликка бошқарув таъсири ҳақида қарорлар қабул қилиш, шунингдек, таваккалчиликни бошқариш билан боғлиқ фаолиятнинг устувор йўналишларини белгилаш имконини беради.
6. Хавфли қарор қабул қилиш ва амалга ошириш	Иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлган стратегия ва ҳаракат режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш унинг мақсади потенциал имтиёزلарни ошириш ва кейинги хавфли вазиятларнинг потенциал харажатларини камайтиришдир.
7. Мониторинг ва таҳлил	Бу фаолиятни узлуксиз такомиллаштириш учун хатарларни бошқариш жараёнининг барча босқичларида самарадорлигини назорат қилиш учун зарур бўлган жараёндр.

Жадвалдан маълумки бошқарув жараёнида риск параметрлари ва хусусиятлари ўзгарувча бўлади, мавжуд вазият ва унинг ўзгариш тенденциялари ҳақидаги маълумотлар шакллантирилади, ҳаракатлар алгоритми тизимлаштирилади ва ишлаб чиқариш корхонасининг иқтисодий фаолият йўналишлари ва воситалари ўрнатилади.

Хулоса. Рискларни бошқарувга таъсири қулай ва ноқулай ҳодисаларнинг нисбатлари, уларнинг ҳар бирининг рўй бериш эҳтимолигининг қийматига кўра ҳисобланади. Шу йўл билан рискларнинг салбий таъсир этувчи натижалари эҳтимолини аниқлаш имкони пайло бўлади.

Риск омилларидан ресурс сифатида фойдаланиш орқали тадбиркор фаолиятининг ташқи муҳитдаги ўзгаришларга жавоб бериш имкониятларини кенгайтириш мумкин. Шуни таъкидлаш керакки, "Рискларни бошқаришда, агар у доимий ва асосли бўлса, фақатгина бир марта қарор қабул қилиш билан чекланмаслик лозим. Тадбиркорлик фаолияти учун тез ўзгарувчан шароитларда рискларни бошқариш самарадорлигини таъминлаш учун фақатгина бир марта қарор қабул қилиш самарадорлик тамойилига зид келади. Шунинг учун рискларни бошқариш динамик жараён бўлиб, умумий бошқарувнинг ажралмас ва муҳим элементи ҳисобланиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- <https://qomus.info/encyclopedia/cat-i/ishlab-chiqarish-uz/>
- В.А.Сорокин. Типы производства в современном машиностроении беларуси: тенденции, особенности и перспективы. (<https://elib.bsu.by/bitstream/123456789/260077/1/396-400.pdf>)
- D.Pons. Strategic risk management in manufacturing. *The Open Industrial & Manufacturing Engineering Journal* 3(1):13-29.: 2010 у.
- E.Loehaman. Economic Principles of Risk Management in Production. *New Risks: Issues and Management.* 2012 у.: p-175
- Лапуста, М.Г. Риски в предпринимательской деятельности.: Инфра-М. 2011г. С- 251

6. М.С.Гарафли, А.Ч.Касаев. “Ривожланишининг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик тараққиёт асоси”. Рисола.: Т-2001. 299-б.
7. Н.К.Йўлдошев, Г.Э.Захидов. “Менежмент”. Дарслик.: Т-2018. Б-45
8. А.А.Исломов. “Ишлаб чиқариш кучларини жонлаштиришининг назарий асослари”. “Иқтисодий ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2017 йил. 2-б

УЎК 332.1

**МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИДА РАҚОБАТБАРДОШЛИКНИ
ОШИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЎРНИНИ БАҲОЛАШ**
Н.Панжиева, ўқит., Термиз Давлат Университети, Термиз

Аннотация. Мақолада минтақа иқтисодиёт тармоқларида рақобатбардошликни оширишда инвестицияларни ўрни баҳоланган. Сурхондарё вилоятида туризм соҳасига инвестицияларни жалб қилиш прогноз қийматлари ҳисобланган.

Калит сўзлар. Минтақа, рақобатбардошлик, инвестиция, минтақавий туризм, инфратузилма, кластер

Аннотация. В статье оценивается роль инвестиций в повышении конкурентоспособности региональных отраслей экономики. Рассчитаны прогнозные значения привлечения инвестиций в туристическую сферу Сурхандарьинской области.

Ключевые слова. Регион, конкурентоспособность, инвестиции, региональный туризм, инфраструктура, кластер, эконометрическая модель.

Abstract. The article evaluates the role of investments in increasing competitiveness in regional economic sectors. Forecast values of attracting investments in the tourism sector in Surkhandarya region were calculated.

Key words. Region, competitiveness, investment, regional tourism, infrastructure, cluster, econometric model.

Янги Ўзбекистонни тараққиёт стратегиясида мамлакатни жаҳонда ривожланган давлатлардан бирига айлантириш кўзда тутилган. Бу эса самарали инвестиция сиёсатини ошиб боришини тақозо этмоқда[1]. Ушбу вазиятни инобатга олган ҳолда, миллий иқтисодиётнинг минтақавий таркибини такомиллаштириш мақсадида амалга оширилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини бешта устувор йўналиши буйича Харакатлар стратегиясида “Вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш” устувор йўналиш сифатида белгиланган эди[2].

Минтақада инвестиция сиёсати аввало минтақа ривожланишининг стратегик мақсадлари ва вазифаларидан келиб чиқиши, минтақа иқтисодиётининг шаклланган таркибини ҳисобга олиши, инвестиция жозибadorлигини оширишга йўналтирилган бўлиши лозим.

Минтақа иқтисодиёт тармоқларидан туризм соҳаси ўрганилиб, ташриф буюрган туристлар сони, соҳага жалб қилинган инвестициялар ҳажми ва бошқа бир қатор омилларни ўз ичига олган эконометрик моделлаштириш амалга оширилди [3].

Сурхондарё вилояти туризм соҳасининг кўп омилли эконометрик моделини тузиш учун 2010-2022 йиллар яъни 13 йиллик давр оралиғини қамраб олган қуйидаги кўрсаткичлар натижавий ва таъсир этувчи омиллар сифатида танлаб олинди: натижавий омил – туристик хизматлар ҳажми, млрд.сўм – (Y), таъсир этувчи омиллар – ташриф буюрган туристлар сони, минг.киши – (X₁), туризм соҳасига жалб қилинган инвестициялар ҳажми, млрд.сўм — (X₂)[4].

Ўзгарувчиларнинг ўлчов бирлиги турлича бўлгани ҳамда кўп омилли эконометрик моделнинг интерпретациясини (талқини) яхшироқ тушунтириш учун барча омиллар қийматларини натурал логарифмлаймиз.


Кўп омилли эконометрик модель тузишдан олдин омилларнинг статистик тавсифини кўриб ўтамиз (1 — жадвал).

Омилларнинг статистик тавсифи (Муаллиф ишланмаси)

	LN(Y)	LN(X ₁)	LN(X ₂)
Mean (ўртача)	2.694724	4.816685	9.152015
Median (медиана)	2.433613	4.268298	8.874812
Maximum (максимум)	3.698830	7.125364	13.42298
Minimum (минимум)	1.808289	3.916015	5.013963
Std. Dev. (стандарт четланиш)	0.686144	1.132739	2.823690
Skewness — S (Асимметрия коэффициент)	0.192525	1.267929	0.156059
Kurtosis — K (Эксцесс коэффициент)	1.412122	2.794211	1.711421
Jarque-Bera (Жарка-Бера мезони)	1.446045	3.506165	0.952171
Probability (эҳтимоллик)	0.485283	0.173239	0.621210
Sum (умумий йиғинди)	35.03141	62.61691	118.9762
Sum Sq. Dev. (стандарт четланишларнинг умумий йиғиндиси)	5.649518	15.39717	95.67873
Observations (кузатувлар сони)	13	13	13

Жадвал маълумотларида ҳар бир омил бўйича ўртача қиймати (mean), тенг иккига ажратувчи қиймати (median), максимал ва минимал қийматлари (Maximum, minimum), шунингдек ҳар бир омилнинг ўртача қийматдан канчалик фарқ қилиши (Std. Dev (Standard Deviation)) берилган. Бундан ташқари жадвалда ҳар бир омилнинг назарий тақсимот эгри чизиғи нормал тақсимот эгри чизиғига нисбатан ўнг тарафда ($S > 0$) ёки чап тарафда ($S < 0$) жойлашганини билдирувчи асимметрия коэффициент (Skewness — S) ва ҳар бир омилнинг назарий тақсимот эгри чизиғи нормал тақсимот эгри чизиғига нисбатан баландроқ ($K > 0$) ёки пастроқ ($K < 0$) жойлашганини англатувчи эксцесс коэффициент (Kurtosis — K) ҳамда ҳар бир омилнинг нормал тақсимотга мослигини тасдиқлаш учун ўтказиладиган тест Жарка-Бера мезони (Jarque-Bera) қийматлари келтириб ўтилган.

Омилларнинг нормал тақсимотга бўй суниши ёки сунмаслиги асимметрия коэффициент, эксцесс коэффициент ва Жарка-Бера мезони ёрдамида кўриб чиқилади. Жадвалдаги сон қийматларга эътибор берсак асимметрия коэффициент, эксцесс коэффициент ва Жарка-Бера мезонининг кўрсаткичлари унча катта бўлмаган қийматларга эга бундай ҳолда маълумки омилларни нормал тақсимотга яқинлигини тахмин қилиш мумкин. Аксинча асимметрия, эксцесс ва Жарка-Бера мезонининг катта қийматлари омилларнинг нормал тақсимотдан анча четланишини кўрсатади[5].



1-расм. Омилларнинг нормал тақсимот функциялари графиклари (Муаллиф ишланмаси)

Бу ҳолатни янада яхшироқ тасаввур қилиш учун ҳар бир омилнинг нормал тақсимот функциялари орқали кўриб ўтамиз. Барча омилларнинг нормал тақсимот функциялари куйидаги 1—расмда берилган.

Расмдан ҳам кўриш мумкинки деярли барча омиллар нормал тақсимот қонунига бўйсунар экан.

Кўп омилли эконометрик моделга омилларни танлаш учун корреляцион таҳлил ўтказиш керак. Бунинг учун омиллар ўртасида жуфт корреляция коэффицентлари ҳисобланади. Корреляцион таҳлил натижаларига кўра, натижавий омил ($\ln Y$) ва таъсир этувчи омиллар ($\ln X_1, \ln X_2$) ўртасида зич боғланишлар мавжудлигини кўрсатмоқда, яъни жуфт корреляция коэффицентлари қиймати 0,8 дан катта[6].

Жуфт корреляция коэффицентларининг матрицаси таҳлили натижалари $\ln(x_i)$ ($i = \overline{1, 2}$) ва $\ln(x_j)$ ($j = \overline{1, 2}$) омиллар коллинеар деб эътироф этиш мумкин эмас. Чунки, агар $r_{\ln(x_i), \ln(x_j)} < 0,8$ бўлса ҳамда $X'X$ матрица аниқловчиси нолга яқин бўлмаса, у ҳолда бу мультиколлинеарликнинг мавжуд эмаслигидан далолат беради. Демак, омиллар орасидаги жуфт корреляция коэффицентлари 0,8 дан кичик бўлган сон қийматларни қабул қилган. Демак, кўп омилли эконометрик моделга киритиладиган омиллар ўртасида корреляция коэффицентлари t – Стьюдент мезонининг ҳисобланган қиймати ва эҳтимоллиги бўйича кўйиладиган талабларга жавоб берадир экан. Ушбу омиллар асосида туристик хизматлар ҳажми ва унга таъсир этувчи омиллар бўйича кўп омилли эконометрик модел тузиш мумкин бўлади.

Кейинги босқичда кўп омилли эконометрик моделни тузамиз. Умумий ҳолда кўп омилли эконометрик модел куйидаги кўринишга эга:

$$\ln(Y) = \ln(\alpha_0) + \alpha_1 * \ln(X_1) + \alpha_2 * \ln(X_2) + \dots + \alpha_n * \ln(X_n) + \varepsilon \quad (1.1)$$

Бу ерда, Y – натижавий омил, X_i – таъсир этувчи омиллар ($i = \overline{1, n}$), ε – тасодикий хато.

Кўп омилли эконометрик моделдаги (1.1) номаълум $\alpha_0, \alpha_1, \alpha_2, \dots, \alpha_n$ параметрларни аниқлашда “энг кичик квадратлар усули” қўлланилади.

Кўп омилли эконометрик моделнинг номаълум параметрларини ҳисоблаш натижалари куйидаги 3 -жадвалда келтирилган.

3 - жадвал

Кўп омилли эконометрик модел параметрларининг ҳисоблаш натижалари (Муаллиф ишланмаси)

Variable (Ўзгарувчи)	Coefficient (Коэффициент)	Std. Error (Стандарт хатолик)	t-Statistic (t-Статистика)	Prob. (Эҳтимоллик)
C	1,25436	0,139342	9,002024	0,0366
LN _{X1}	2,32345	0,118876	19,54516	0,0016
LN _{X2}	9,432321	0,221419	42,59942	0,0464
R-squared (R-квадрат)	0.853799	Mean dependent var (Боғлиқ ўзгарувчи ўртача қиймати)		8.990686
Adjusted R-squared (текисланган R-квадрат)	0.814235	S.D. dependent var (Боғлиқ ўзгарувчи стандарт четланиши)		1.165643
S.E. of regression (Регрессиянинг стандарт хатолиги)	0.344894	Akaike info criterion (Акайке ахборот мезони)		0.959146
Sum squared resid (Қолдиқлар квадратлар йиғиндиси)	1.308468	Schwarz criterion (Шварц мезони)		1.200580
Log likelihood (Логарифмик ҳақиқатга яқинлиги)	-2.673165	Hannan-Quinn criter (Ханнан-Куин мезони)		0.971509
F-statistic (F-статистика)	40.08434			

3—жадвал маълумотларидан фойдаланиб кўп омилли эконометрик моделнинг кўриниши келтирамыз:


$$\ln(Y) = 1,25436 + 2,32345 * \ln(X_1) + 9,432321 * \ln(X_2) \quad (1.2)$$

Ҳисобланган кўп омили эконометрик модел шуни кўрсатадики, ташриф буюрган туристлар сони ўртача 1 фоизга ортса, туристик хизматлар ҳажми ўртача 2,32 фоизга ортиши мумкин экан. Туризм соҳасига жалб қилинган инвестициялар ҳажми ўртача 1 фоизга ошиши, туристик хизматлар ҳажмини ўртача 9,43 фоизга ошишига олиб келар экан.

Кўп омили эконометрик модел (1.2) сифатини текшириш учун детерминация коэффицентини текшираемиз. Детерминация коэффиценти натижавий омилнинг ўзгаришига моделга киритилган омиллар неча фоиз таъсир кўрсатишини изоҳлайди. Ҳисобланган детерминация коэффиценти (R^2 - R-squared) 0,853799 га тенг. Бу эса туристик хизматлар ҳажмининг ($\ln Y$) ўзгаришига моделга киритилган омиллар 85,3799 фоиз таъсир кўрсатмоқда. Қолган 14,6201 ($1,0 - 0,853799$) фоизи моделга киритилмаган омиллар таъсиридир.

Кўп омили эконометрик моделдаги (1.2) омилларнинг стандарт хатоликларининг кичик қийматларни қабул қилганлиги ҳам моделнинг статистик аҳамияти юқори эканлигидан далолат беради.

(1.2) кўп омили эконометрик моделининг ҳақиқий, ҳисобланган ва улар ўртасидаги фарқлар қуйидаги 2-расмда келтирилган.



2-расм. Туристик хизматлар ҳажмининг ҳақиқий, ҳисобланган қийматлари ва улар ўртасидаги фарқлар графиги (Муаллиф ишланмаси)

Расмдан кўриш мумкинки (1.2) кўп омили эконометрик модел бўйича туристик хизматлар ҳажмининг ҳисобланган қийматлари графиги унинг ҳақиқий қийматлари графиги билан жуда яқин жойлашган, улар ўртасидаги фарқлар унчалик катта эмас. Ҳисобланган (1.2) кўп омили эконометрик моделдан келгуси давларга натижавий кўрсаткични прогнозлашда MAPE (Mean absolute percent error — фоизлардаги ўртача абсолют хатолик) коэффиценти ҳисобланади ва у қуйидаги формула ёрдамида топилади:

$$MAPE = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n \left| \frac{y_i - \tilde{y}_i}{y_i} \right| * 100\% \quad (1.3)$$

бу ерда y_i — натижавий омилнинг ҳақиқий қийматлари, \tilde{y}_i — натижавий омилнинг ҳисобланган қийматлари.

Агар ҳисобланган MAPE коэффиценти қиймати 15,0 фоиздан кичик бўлса, моделдан натижавий омилни прогнозлашда фойдаланиш мумкин бўлади, акс ҳолда фойдаланиб бўлмайди. Туристик хизматлар ҳажми бўйича MAPE коэффиценти 8,425 фоизни ташкил этмоқда. Шунинг учун (1.2) кўп омили эконометрик моделдан туристик хизматлар ҳажмини келгуси давларга прогнозлашда фойдаланиш мумкинлигини билдиради.

Прогноз ҳисоб—китобларини амалга ошириш учун аввало ҳар бир таъсир этувчи омил бўйича тренд модель тузамиз. Тренд модель — бу таъсир этувчи омилларни вақтга боғлиқ функциясидир ҳамда у умумий ҳолда қуйидаги кўринишга эга:

$$X_t = \alpha_0 + \alpha_1 * t + \varepsilon \quad (1.4)$$

Ташриф буюрган туристлар сони ($\ln X_1$) бўйича тренд модел қуйидаги кўринишга эга:

$$\ln(X_1) = 3,227 + 0,227 * t \quad (1.5)$$

$$R^2 = 0,8764, F_{\text{ҳисоб}} = 17,1732, t_{\alpha_0(\text{ҳисоб})} = 7,4195, t_{\alpha_1(\text{ҳисоб})} = 4,144$$

$$F_{\text{жадвал}} = 4,6, t_{\text{жадвал}} = 2,1448$$

Туризм соҳасига жалб қилинган инвестициялар ҳажми ($\ln X_2$) бўйича тренд модел куйидаги кўринишга эга:

$$\ln(X_2) = 4,299 + 0,693 * t \quad (1.6)$$

$$R^2 = 0,914, F_{\text{ҳисоб}} = 117,3, t_{\alpha_0(\text{ҳисоб})} = 8,46 \quad t_{\alpha_1(\text{ҳисоб})} = 10,829$$

$$F_{\text{жадвал}} = 4,6 \quad t_{\text{жадвал}} = 2,1448$$

Таъсир этувчи омиллар ва вақт омили ўртасида тузилган тренд моделлар таҳлили шуни кўрсатадики (1.5) — (1.6) тренд моделлардаги барча ҳисобланган коэффицентларнинг статистик аҳамиятлилиги, параметрларнинг ишончилиги аниқланди. Демак, мазкур моделлардан прогноз қийматларни шакллантиришда фойдаланиш мумкинлигини асослайди.

Шунингдек, вақтли қаторлар типидagi маълумотларни ўрта муддатли даврга прогнозлашда ARIMA (Autoregressive integrated moving average) моделидан кенг фойдаланилади.

Прогнозлашни ARIMA (Autoregressive integrated moving average) яъни “Сирғалувчи ўртачага интеграллашган авторегрессион” моделида (p,d,q) тартиби мавжуд бўлиб, бунда p-авторегрессия параметрини, d-интеграциялаш қисмини, q-сирғалувчи ўртача параметрини ифодалайди. ARIMA моделини умумий кўриниши куйидаги кўринишга эга бўлади:

$$Y_t = \alpha + \beta_1 Y_{t-1} + \dots + \beta_p Y_{t-p} + \epsilon_t + \mu_1 \epsilon_{t-1} + \dots + \mu_q \epsilon_{t-q} \quad (1.9)$$

ARIMA (Autoregressive integrated moving average) моделида прогнозлаш учун даставвал минтақа туризм соҳасининг мазкур кўрсаткичларининг ҳар бири учун ARIMA модели шакллантириш зарур ҳисобланади.

Мавжуд статистик маълумотлар асосида олиб борилган ҳисоб – китоб натижалари асосида вилоят туризм хизматлар ҳажмини прогнозлашга асосланган ARIMA (0, 1, 1) модели шакллантирилди (4-жадвал).

4-жадвал

Model: ARIMA, using observations 2011-2022 (T = 12)

Dependent variable: (1-L) Y

Standard errors based on Hessian (Муаллиф ишланмаси)

	Coefficient	Std. Error	z	p-value	
Const	2.79885	1.16459	2.403	0.0162	**
theta_1	-0.211079	0.678822	-0.3109	0.7558	
Mean dependent var	2.858333		S.D. dependent var	5.204624	
Mean of innovations	-0.050628		S.D. of innovations	4.954399	
R-squared	0.821148		Adjusted R-squared	0.821148	
Log-likelihood	-36.25336		Akaike criterion	78.50672	
Schwarz criterion	79.96144		Hannan-Quinn	77.96813	
	Real	Imaginary	Modulus	Frequency	
MA					
Root 1	4.7376	0.0000	4.7376	0.0000	

4-жадвалдаги детерминация коэффиценти, стандарт хатоликлар, F-Фишер, t-Стюдентъ, Акаике, Шварц мезонлари кўрсаткичлари моделнинг статистик жиҳатдан аҳамиятли ва адекватлигини ифодаламоқда.

Шунингдек, ташриф буюрган туристлар сони, соҳага жалб қилинган инвестициялар ҳажми прогнозлашга асосланган ARIMA моделлари шакллантирилди (5-жадвал).

5-жадвал

Вилоят туризм соҳасининг асосий кўрсаткичларини прогнозлашга асосланган “ARIMA” моделлари натижалари (Муаллиф ишланмаси)

(Model: ARIMA, using observations 2011-2022 (T = 12) Standard errors based on Hessian)

	Coefficient	Std. Error	Z	p-value	
Const	94.5517	59.8879	1.579	0.1144	
phi_1	-0.403034	0.258335	-1.560	0.1187	
Mean dependent var	99.40833		S.D. dependent var	326.4857	
Mean of innovations	-2.459262		S.D. of innovations	283.7858	
R-squared	0.549739		Adjusted R-squared	0.549739	
Log-likelihood	-84.89453		Akaike criterion	175.7891	

Schwarz criterion		177.2438	Hannan-Quinn		175.2505
		<i>Real</i>	<i>Imaginary</i>	<i>Modulus</i>	<i>Frequency</i>
AR					
	Root 1	-2.4812	0.0000	2.4812	0.5000
Dependent variable: (1-L) X2					
		<i>Coefficient</i>	<i>Std. Error</i>	<i>Z</i>	<i>p-value</i>
const		79267.8	68431.0	1.158	0.2467
phi_1		0.838238	0.204237	4.104	<0.0001 ***
theta_1		-0.357670	0.256240	-1.396	0.1628
Mean dependent var		56247.78	S.D. dependent var		95745.84
Mean of innovations		11069.50	S.D. of innovations		76437.69
R-squared		0.894486	Adjusted R-squared		0.883935
Log-likelihood		-152.2765	Akaike criterion		312.5530
Schwarz criterion		314.4926	Hannan-Quinn		311.8348
		<i>Real</i>	<i>Imaginary</i>	<i>Modulus</i>	<i>Frequency</i>
AR					
	Root 1	1.1930	0.0000	1.1930	0.0000
MA					
	Root 1	2.7959	0.0000	2.7959	0.0000

Юқоридаги 5-жадвалдаги детерминация коэффициенти, стандарт хатоликлар, F-Фишер, t-Стюдентъ, Акаике, Шварц мезонлари кўрсаткичлари шакллантирилган моделларнинг барчасини статистик жиҳатдан аҳамиятли ва адекватлигини ифодаламакда.

Демак юқорида шакллантирилган моделлардан олиб борилган ҳисоб – китоб натижалари вилоят туризм соҳасининг асосий кўрсаткичларини прогнозлашда тўлиқ фойдаланиш мумкинлигини асослайди.

Вилоят туризм соҳасининг асосий кўрсаткичларини 2023–2026 йилларга мўлжалланган прогноз қийматлари куйидаги жадвалда берилган.

Вилоят туризм соҳасининг асосий кўрсаткичларини прогнозлашга асосланган эконометрик моделларнинг қиёсий натижаларига кўра, юқоридаги кўрсаткичларни ARIMA модели асосида ҳисобланган прогноз қийматлари ва уларнинг стандарт хатоликлари энг кичик қийматга эга бўлиши, шунингдек, ушбу прогноз қийматларни ишончилиқ интервалларига тушиши орқали реал жараёнга тўла мос келиши мазкур кўрсаткичларининг прогноз қийматлари айнан ARIMA модели бўйича ишончли эканлигини асослайди.

Олинган натижаларга кўра, вилоятда туризм соҳасига инвестициялар хажми барқарор ўсиш суръатига эга бўлади, 2026 йилга бориб 2021 йилга нисбатан 1,6 баробарга ўсади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистан Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг "Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси" асари. -Тошкент,2021й ; -172 б
2. Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида" ги ПФ-4947-сонли Фармони.
3. Рuzmetov B., Panjjeva N. Минтақа туристик салоҳиятни юксалтириш стратегияси ва устувор йўналишлари. // "Минтақавий ривожланишнинг замонавий муаммолари: озиқ-овқат хавфсизлиги, бошқарувнинг марказлаштирилмаслиги, яшаш даражасининг ўсиши" илмий мақолалар тўплами. Тошкент давлат иқтисодиёт университети Хузуридаги "Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари" илмий-тадқиқот маркази, Тошкент. 2020. № 9/4- Б. 92-96.
4. Ruzmetov B., Panjjeva N. Strategic Directions Of Tourism Development In Surkhandarya Region. Electronic journal of actual problems of modern science, education and training. 2020. № 4-pp. 179-187.
5. Панжиева Н.Н. Факторы повышения конкурентоспособности и качества туристических услуг в регионе. // Журнал "Экономика и предпринимательство". Москва, 2021. № 9. – С. 1425-1429.
6. Ruzmetov B. Regional economy. Experience, problems, effectiveness of integrated development. Tashkent, "FAN", 2002

**КИЧИК БИЗНЕСНИНГ РИВОЖЛАНИШИГА ТАҲСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ВА
ТАДБИРКОРЛИК МОДЕЛЛАРИ**

Р.А.Рашидов, PhD, Наманган муҳандислик-технология институти, Наманган

Аннотация. Мақола инновацион иқтисодиёт шароитида кичик бизнесни ривожлантириш, сифат жиҳатдан ўзига хослиги, шунингдек кичик бизнесни афзаллиги ва камчилиги масалаларига бағишланган.

Калит сўзлар: инновацион иқтисодиёт, кичик бизнес, тадбиркорлик, бизнес ҳаракатчанлиги, рақобат, сифат.

Аннотация. Статья посвящена развитию малого бизнеса в условиях инновационной экономики, его качественному своеобразию, а также преимуществам и недостаткам малого бизнеса.

Ключевые слова: инновационная экономика, малый бизнес, предпринимательство, динамика бизнеса, конкуренция, качество.

Abstract. The article is devoted to the development of small business in an innovative economy, its qualitative originality, as well as the advantages and disadvantages of small business.

Keywords: innovative economy, small business, entrepreneurship, business dynamics, competition, quality.

Кириш. Иқтисодиётда рўй бераётган ўзгаришларни шахсий манфаатларни мутлақлаштириш нуқтаи назаридан тушунтириш, тизим-қадрият муносабатларининг асосий таъсир механизмларини эътибордан четда қолдириш тадбиркорликнинг чекланган талқин қилиниши муқаррар. Қиймат-прагматик ёндашув меъёрий-қийматли ва қиймат-амалий воситалар ва баҳолашлардан интерактив асосда фойдаланишни таъминлайди. Тадбиркорлик инсон фаолиятининг бир тури сифатида ўзига хос қийматга йўналтирилган тузилишга эга. Ишлаб чиқариш - бу фирманинг барча манфаатдор томонлари таъсирида бўлган ва унинг ички муносабатлари ва жамият билан муносабатларига боғлиқ бўлган мураккаб қиймат яратиш жараёни. Тадбиркор учун компаниянинг ишбилармонлик муҳити билан ўзаро муносабатларининг бутун тизимини унинг ўзига хос жойлашувини, шу жумладан рақобатчилар ва истеъмолчилар билан муносабатларни излаш асосида қуриш муҳимдир, бу унга компания ва жамият учун муваффақиятли қиймат яратиш имконини беради.

Таклиф этилаётган тизимли-динамик ёндашув тадбиркорлик хулқ-атворининг икки томонлама табиатидан келиб чиқади, бу тизим миқёсидаги ва индивидуал параметрлар ва уларнинг қиймат-рационал фаолиятининг устувор йўналишларининг ўзига хос комбинацияси билан тавсифланади. Бугунги кунда кўплаб тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, реал шароитларда бизнес хатти-ҳаракатларининг мотивацияси жорий фойдани максимал даражада оширишга йўналтирилганидан кўра анча мураккаброқ. Шундай қилиб, корпоратив бошқарув, стратегик менежмент, корпоратив ижтимоий масъулият ва бизнес этикаси концепцияларида компаниянинг барқарор ривожланишини таъминлайдиган, унга катта фойда олиш имконини берадиган ва шу тариқа ўз ҳиссасини қўшадиган стратегик позицияларни топиш зарурлигига эътибор қаратилган.

Инновациялар жараёнида қиймат занжирини ўзгартириш моделини танлашда тадбиркор учун қабул қилинган қарорларнинг ижобий ва салбий таъсирини тортиш ва солиштириш, шунингдек, энг мақбул ва ўзаро манфаатли бўлган қийматларни танлаш имконини берувчи қиймат ўлчагичлар тизимидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Шу асосда бизнеснинг зарурий даражадаги ишончи, обрўси ва жозибдорлиги шаклланади ва адолат, тенглик, эркинлик, бирдамлик ва бошқалар каби прагматик тушунилган қадриятлардан фойдаланилади, натижада давлат ва хусусий манфаатлар ўртасида сезиларли тафовутларни келтириб чиқаради. Жамият ва жамоат гуруҳлари томонидан ҳаддан ташқари босим (сўровлар), шунингдек, ушбу субъектни узоқ муддатли натижалар зарарига қисқа муддатли натижаларга йўналтириш. Худбин ишбилармонлик хулқ-атвори ва ресурслардан самарасиз

фойдаланишнинг кўплаб мисоллари шахсий ва жамоат манфаатлари ўртасида сезиларли тафовутни келтириб чиқарадиган маданий кадриятлар ва институтлар тизимидаги носозликларни бартараф этиш муҳимлигини кўрсатади.

Айрим хўжалик юритувчи субъектлар учун соф фойданинг мавжудлиги мувозанат ёндашувининг моҳиятига зид келади. Бироқ фойданинг бундай назарий “йўқолиши” бозор иқтисодиёти воқелигига зид келади, бунда тадбиркорлик ва унинг асосий мотиви сифатида фойда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Шунинг учун ҳам иқтисодчилар фойда ҳодисасига алоҳида тушунтириш беришга ҳаракат қилишган. Бу муаммонинг иккита асосий ёндашуви мавжуд: фойда аниқ ишлаб чиқариш омилининг маржинал маҳсулоти ёки қолдиқ даромад сифатида кўриб чиқилади.

Инновацион рента кўшилган қийматни ошириш бўйича эришилган келишув ва барча манфаатдор томонларнинг биргаликдаги ҳаракатлари натижасини ифодалайди, тадбиркорлик рентаси эса инновацион рента таркибига киради ва тадбиркорнинг уни яратишга қўшган ҳиссасини тавсифлайди. Шунинг ҳисобга олиш керакки, инновациялар орқали яратилган қўшимча қиймат (инновация ижараси шаклида) нафақат тадбиркорлик ва илмий-техникавий фаолиятдан, балки ходимларнинг инновацион хулқ-атворини шакллантириш натижасида ҳам синергик таъсир натижасида юзага келади ва индивидуал ишда (гуруҳда ёки умуман ташкилотда ишлаш) янги ғояларни яратиш ва қўллаш билан боғлиқ қобилиятларини ривожлантириш ва уларнинг самарадорлигини оширишга имкон бериш натижасидир.

Тадбиркорлик даромади тадбиркор турли фаолиятни амалга ошириш учун, шу жумладан имкониятларни аниқлаш, иқтисодий ресурсларни бирлаштириш ва ишлатиш бўйича ташкилий қобилиятларини ва йўқотиш хавфини амалга ошириш учун оладиган тўлов сифатида ишлайди. Бу даромадларни ажратиш кўрсатиш мумкин: биринчидан, турли фаолият турларини бажариш учун иш ҳақи кўринишидаги даромадлар; иккинчидан, ташкилий-хўжалик фаолиятини инновацион асосда амалга ошириш, ноаниқлик ва таваккалчилик шароитида инновацияларни излаш ва жорий этиш учун тадбиркорлик фойдаси. Тадбиркорлик фаолияти компания томонидан барча манфаатдор томонларнинг манфаатларини кўзлаб, унинг афзалликлари ва қобилиятларини ривожлантириш ва амалга ошириш асосида яратилган қийматнинг бир қисми сифатида тадбиркорлик фойдасини олишга қаратилган. Замонавий шароитда рақобатбардош рақобат механизмлари ҳам тузатилмоқда, рақобатдош курашда муваффақият рақобатчиларга қарши қаратилган ҳаракатларни амалга ошириш орқали эмас, балки истеъмолчилар ва барча манфаатдор томонларнинг эҳтиёжларини яхшироқ қондириш туфайли кўпроқ таъминланмоқда.

Шу билан бирга, тадбиркорнинг ташқи муҳит ҳолати билан белгиланадиган имкониятлар доирасида инновацион рентани яратишга қўшган ҳиссасини тавсифловчи тадбиркорлик фойдасининг қиймати ақлий ва ижодий фаолиятнинг ривожланиши ва амалга оширилишига боғлиқ бўлади. Бизнес муҳитини тушуниш учун маданий ва қиймат механизмларидан фойдаланиш билан боғлиқ қобилиятлар ёрдами билан бизнес ғоялари ва бизнес лойиҳалари ишлаб чиқилади ва филтрланади, тадбиркорлик танлови амалга оширилади, хатти-ҳаракатлар стратегияси ва тактикаси аниқланади.

Ҳозирги вақтда Ғарбнинг етакчи мамлакатларида иккита бизнес модели ривожланган - Евроконтинентал ва Англия-Америка, улар бир қатор муҳим мезонлар, жумладан: корпоратив бошқарув усуллари, тадбиркорликни молиялаштириш манбалари ва механизми, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга ёндашувлар, замонавий глобаллашув жараёнларига интеграциялашув стратегиялари ва бошқалар билан ажралиб туради. Англия-Америка моделида асосий иқтисодий бирлик компания (корпорация) бўлса, Евро-континентал моделда бу ролни молиявий ва саноат гуруҳлари (баъзан холдинглар) бажаради.

Эгаларининг тузилишидаги фарқлар аниқ кўринади. Англия-Америка модели эгаларининг сезиларли концентрацияси билан тавсифланади. Евроконтинентал уларнинг катта тарқалиши билан ажралиб туради. Англия-Америка версияси доирасида компанияларни бошқаришда ҳал қилувчи ролни менежерлар эгаллайди ва Евроконтиненталда менежерлар-

эгалари иттифоқи доирасидаги масъулиятни аниқ тақсимлаш сақланиб қолади. Тадбиркорлик моделлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Мезонлар		Тадбиркорлик моделлари	
		Евроконтинентал	Англия-Америка ("Акциядорлик Капитализм")
Ташкилий тузилма	Асосий иқтисодий бирлик	Молиявий ва саноат гуруҳлари (холдинглар)	Компания (корпорация)
	Мулкчилик тузилмаси	Эгаларининг катта тарқалиши	Мухим концентрацияси эгалари
	Компанияларни бошқаришда ҳал қилувчи рол	Эгалар ва менежерлар ўртасида масъулиятни аниқ тақсимлаш (уларнинг маоши сезиларли даражада паст)	Менежерларга тегишли (юқори маош билан)
Молиявий ва иқтисодий фаолият	Молиялаштириш усули	Банклар ва бошқа кредит ташкилотларининг кредитлари	Фонд бозори
	Молиялаштириш муддати	Узоқ муддатли қарз олиш	Қисқа муддатли молиялаштириш
	Қимматли қоғозларда кўрсатилган мулкнинг табиати	Ликвидлик	Юқори ликвидлик
	Фаолиятнинг мақсади	Даромад ставкасини максимал даражада ошириш	Савдо улушини ошириш (ёки сизнинг бозор улушингиз)
Ижтимоий жиҳатлар	Ижтимоий тамойиллар	Ижтимоий ҳамкорлик ва келишувга эришишнинг аҳамияти.	Бизнес манфаатларига асосланган ечимларни танлаш эркинлиги
	Қарорлар қабул қилишда меҳнат жамоасининг роли.	Фаол	Пассив

Хулоса. Тадбиркорликнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашнинг муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда, уларни мутлақлаштирмаслик ва тадбиркорлик фаолияти меҳнат фаолиятининг алоҳида тури эканлиги ва шунинг учун меҳнат фаолияти учун умумий хусусиятларнинг барчасига эга эканлигини эътиборсиз қолдирмаслик керак. Одамларнинг иқтисодий фаолияти доимо реал ҳаётда ноаниқлик ва таваккалчилик шароитида амалга оширилади. Шу муносабат билан, таваккал тадбиркорнинг ҳам, ходимнинг ҳам фаолиятига хосдир, албатта, улар қабул қиладиган хавфли қарорларнинг табиати ва оқибатларида фарқлар мавжуд. Тадбиркорлик меҳнат фаолиятининг алоҳида тури сифатида янада самарали технологиялар ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакллари излаш ва жорий этиш асосида тадбиркорлик даромади ва ижтимоий фойда келтиради. Баъзан тадбиркорликни ишлаб чиқаришнинг тўртинчи омили сифатида кўриб чиқиш таклиф этилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Chandler, A. D. Jr. The Visible Hand. The Managerial Revolution in American Business. Cambridge, Mas, 1997
2. Назарова Т.Ю. Российский и зарубежный опыт развития семейного предпринимательства. ISSN 1810-0201. Вестник ТГУ, выпуск 2 (58), 2012
3. Симоненко, С.И. (2010). Операция «Преимник». Управление человеческим потенциалом, 1, 34-39.

УДК 336.761

ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ РЫНКА ЦЕННЫХ БУМАГ В НАШЕЙ СТРАНЕ

Б.А.Сарсенбаев, преподаватель, Каракалпакский государственный университет, Нукус
Ф.Б.Оспанова, преподаватель, Каракалпакский государственный университет, Нукус
М.К.Кулмуратова, магистрант, Каракалпакский государственный университет, Нукус
Н.К.Джуманиязова, студент, Каракалпакский государственный университет, Нукус

Аннотация. Мақолада Республикамизда қимматли қозғозлар бозорини ривожлантиришининг устувор йўналишлари, капитал бозорининг рақобатбардошлигини ошириши, банк кредитлашига муқобил молиялаштириши тизимини яратиши механизминини яратиши йўллари ҳақида сўз боради.

Калим сўзлар: молия бозори, қимматли қозғозлар бозори, капитал бозори, инвестициялар, савдо, акциялар, облигациялар, андеррайтинг, фонд биржаси.

Аннотация. В статье рассмотрены приоритетные направления развития рынка ценных бумаг в нашей Республике, повышение конкурентоспособности рынка капитала, пути создания механизма системы финансирования, альтернативного банковскому кредитованию.

Ключевые слова: финансовый рынок, рынок ценных бумаг, рынок капитала, инвестиции, трейдинг, акции, облигации, андеррайтинг, фондовая биржа.

Abstract. The article considers the priority directions of development of the securities market in our Republic, increasing the competitiveness of the capital market, ways to create a mechanism for a financing system alternative to bank lending.

Keywords: financial market, securities market, capital market, investments, trading, stocks, bonds, underwriting, stock exchange

Сегодня ценные бумаги являются не просто обычным капиталом, но при грамотном управлении организации их рынком они также могут служить финансовым трамплином для выхода на новый высокий уровень экономического развития.

«Финансовый рынок – это устройство перераспределения денег от нетерпеливых инвесторов к терпеливым» сказал, пожалуй, один из самых известных людей в мире инвестирования и трейдинга Уоррен Баффет [1]. Его философия инвестора проявляется во многих его высказываниях. Например, «Посадившие когда-то дерево сегодня сидят в его тени». Его цитаты о трейдинге и об инвестировании чрезвычайно точны и остры и сегодня.

«Разумный инвестор – это реалист, который продает акции оптимистам и покупает у пессимистов» – говорил американский инвестор, экономист, профессор Бенджамин Грэхэм [2].

Рынок ценных бумаг считается основным сегментом финансового рынка, который перераспределяет капитал, используя финансовые активы как ценные бумаги. Под ценными бумагами по ст. 96 Гражданского Кодекса Республики Узбекистан понимаются документы, удостоверяющие с соблюдением установленной формы и обязательных реквизитов имущественные права, осуществление или передача которых возможны только при их представлении. А в соответствии, со статьей Закона Республики Узбекистан от 22.07.2008 г. № ЗРУ-163 «О рынке ценных бумаг», под ценными бумагами понимаются документы, удостоверяющие имущественные права или отношения займа между выпускавшим эти документы юридическим лицом и их владельцем, предусматривающие выплату дохода в виде дивидендов или процентов и возможность передачи прав, вытекающих из этих документов, другим лицам.

Рынок ценных бумаг находится в постоянном развитии, так как связан с ростом мировой экономики. Однако, характер и направленность тенденций развития рынка ценных бумаг напрямую зависит от того, на каком этапе развития находится государство, так как тип экономической системы и экономическая модель непосредственно влияет на следующие факторы:

- нормативно-правовая база, обеспечивающая функционирование рынка;

- политика ЦБ по отношению к рынку ценных бумаг;
- основные цели, которые будет преследовать рынок ценных бумаг [3].

Рынок ценных бумаг в Республике Узбекистан создан на основе государственной инициативы и поддержки. Необходимо отметить, что одним из важных результатов проводимых реформ в Республике Узбекистан является функционирующий рынок ценных бумаг (РЦБ), который сформировался в 1992–1996г.г. и поэтапно совершенствуется и сейчас [4].

В целях дальнейшего развития рынка капитала, увеличения выпуска ценных бумаг, а также расширения участия физических и юридических лиц в фондовом рынке 13 апреля 2021 года Президент Республики Узбекистан Шавкат Миромонович Мирзиёев принял Указ № УП-6207 «О мерах по дальнейшему развитию рынка капитала».

В нем были определены следующие основные направления развития рынка капитала:

- повышение конкурентоспособности и доведение до 45 трлн. сумов до конца 2023 года капитализации рынка капитала, создание эффективного механизма финансирования, альтернативного банковскому кредитованию

- повышение доступности рынка капитала для всех категорий инвесторов посредством активной интеграции с международными финансовыми рынками, широкого использования современных информационно-коммуникационных технологий и применения передовых подходов, успешно апробированных за рубежом;

- доведение до 5 процентов до конца 2023 года части проектов, финансируемых путем выпуска ценных бумаг в рамках республиканской и региональных инвестиционных программ, посредством обеспечения гармоничного функционирования и развития всех сегментов рынка капитала

- создание необходимых условий для активного финансирования инвестиций, направленных на цели развития на фондовом рынке, путем внедрения передовых международных практик, устранения излишних барьеров и ограничений;

- создание законодательной базы, обеспечивающей целостность регулирования рынка капитала и предупреждение системных рисков с внедрением международных критериев и опыта;

- развитие системы обеспечения рынка капитала кадрами, отвечающими современным требованиям, создание привлекательных условий для привлечения перспективных, в том числе зарубежных специалистов;

- подготовку и переподготовку специалистов для рынка капитала, систематическое налаживание повышения их квалификации;

- охват 40 тысяч человек до конца 2023 года в рамках программ поддержки повышения знаний, навыков и финансовой грамотности миноритарных инвесторов, иных участников рынка капитала и широких слоев населения.

Указом была утверждена «Программа развития рынка капитала в 2021 – 2023 годах». Основной целью данной программы – является кардинальное совершенствование государственной политики, предусматривающей углубление реализации реформ, направленных на доведение общего объема свободных ценных бумаг в ВВП страны до 5 процентов.

В результате реализации этой программы будут достигнуты выше перечисленные стратегические цели развития рынка капитала.

Для укрепления рынка ценных бумаг и для внедрения механизмов развития рынка капитала Президент Шавкат Миромонович Мирзиёев 17 января 2022 года подписал постановление «О дополнительных мерах по внедрению эффективных механизмов поддержки рынка капитала». Основной целью этого документа является расширения практики приватизации пакетов государственных акций, посредством рынка капитала, стимулирования инвестирования населения в ценные бумаги и создания здоровой конкурентной среды на финансовом рынке.

Для достижения этих задач в постановлением предоставлены налоговые льготы физическим лицам, резидентам и нерезидентам нашей Республики получающие доходы в виде дивидендов по акциям.

В значительном размере были уменьшены налоги на прибыль от доходов в виде дивидендов по акциям юридических лиц не резидентов нашей Республики. Доходы физических и юридических лиц резидентов и нерезидентов в виде процентов по облигациям хозяйственных обществ освобождаются от НДФЛ и налога на прибыль с 1 апреля 2022 года по 31 декабря 2024 года.

Постановлением было одобрено предложение Агентства по управлению государственными активами и Министерства финансов о проведении в республиканской фондовой бирже «Ташкент» первичного (IPO) и (или) вторичного (SPO) публичного предложения акций акционерных обществ по ниже приведенной таблице №1.

Таблице №1

Перечень акционерных обществ, первичные (IPO) и (или) вторичные (SPO) публичные предложения акций которых будут проведены на РФБ «Ташкент» [5]

№	Наименование акционерного общества	Регион расположения	Доля государства	Форма реализации
1.	АО «UzAuto Motors»	Андижанская область	100,0	IPO
2.	АО «UzAuto Motors Powertrain»	Ташкентская область	100,0	IPO
3.	АО «O'zbekgeofizika»	Ташкентская область	96,8	IPO
4.	АО «O'ztemiryo'lkonteyner»	Город Ташкент	90,0	IPO
5.	АО «Dori-Darmon»	Город Ташкент	36,1	IPO/SPO
6.	АО «Узбекистон почтаси»	Город Ташкент	77,6	SPO
7.	АО «Universal Sug'urta»	Город Ташкент	14,48	SPO
8.	АО «Alskom»	Город Ташкент	5,21	SPO

Процесс приватизации автомобильного завода ускорился после указания Президента, который поручил провести IPO UzAuto Motors до конца 2022 года. Компания UzAuto Motors 6 октября объявила о начале IPO – публичного размещения акций на бирже. Это первое IPO крупной государственной компании в Узбекистане. Сперва пройдет региональное IPO на Ташкентской фондовой бирже. Затем будет выбрана площадка для иностранного андеррайтинга – по рекомендации андеррайтера.

Согласно техническому заданию на андеррайтинговые услуги, АО «UzAuto Motors» предполагает разместить до 5% акций АО на отечественной фондовой бирже «Ташкент» и до 25% акций АО на зарубежной бирже в 2022–2023 годы. Компания выходит на IPO на Республиканской фондовой бирже «Ташкент» в конце года. Дата закрытия книги – 22 декабря. Срок начала торгов – 28 декабря 2022 года [6].

В результате проведенных мер по развитию рынка капитала января по апрель 2022 года количество иностранных владельцев акций увеличилось в АО Узбекистана на 6%, до 3,32 тыс, число иностранных юридических лиц в капитале выросло за четыре месяца на семь и достигло 328 а количество физлиц поднялось на 180 и составило почти три тысячи. Принадлежащий иностранным владельцам совокупный портфель акций по номинальной стоимости вырос на 4,9 %, до 4,06 трлн. Сумов [7].

7 января текущего года на торги фондовой бирже были выставлены 51 процент государственного контрольного пакета акций «No'kis vinozavodi» - стратегического предприятия, обеспечивающего основную часть бюджета города Нукуса и 11 января 2022 года ООО «Qarataw Sawda Bazasi» приобрел эти 1 784 970 контрольных акций на сумму 17,5 млрд сумов.

Еще одним шагом в развитии рынка ценных бумаг стало разрешения приобретения государственных ценных бумаг резидентам (в том числе физические лица) и нерезидентам Узбекистана. До 2022 года размещение государственных ценных бумаг между физическими лицами и нерезидентами не было предусмотрено.

«Государственная услуга по проведению аттестации (переаттестации) физических лиц на право осуществления операций с ценными бумагами» запущенная в этом же году стала еще одним шагом развития этой сферы.

Несмотря на принятые меры по расширению практики приватизации государственных акций через рынок капитала, по показателям Центрального депозитария государственная доля остается доминирующей. Мы можем видеть эти данные из графической информации, приведенного рисунка.

№1.




Рисунок 1. Динамика изменений государственной доли в структуре владельцев акций за 2022 год [8]

Из графических данных видно, что доля государства в акциях акционерных обществ за 2022 год уменьшилась на 1,2%. Изменения есть, но их недостаточно.

Для дальнейшего развития рынка ценных бумаг нужен детальный анализ деятельности институтов подготовки кадров для рынка капитала и обучение молодых, амбициозных специалистов, подготовленных внутри страны для эффективности системы подтверждения квалификации кадров. Уменьшение транзакционных расходов рынка капитала могла бы стать еще одним шагом в решении выше поставленной задачи. Для укрепления доверия населения Узбекистана к ценным бумагам, и для тех, кто хочет приобрести ценные бумаги на сегодняшний день нужно больше достоверной информации о компаниях. Нужно запустить выпуск гарантированных ценных бумаг - акции и облигации акционерных обществ, по которым правительство гарантирует регулярную выплату доходов (дивидендов, процентов).

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. <https://vsdelke.ru/bogatstvo/citaty-uorrena-baffeta.html>
2. Бенджамин Грэхем: Разумный инвестор. Полное руководство по стоимостному инвестированию «Альпина Паблишер 568стр. 2019г. стр. 365-366.
3. Крикливец, А. А. Рынок ценных бумаг: основные проблемы и тенденции развития / А. А. Крикливец, П. С. Сухомыро. — Молодой ученый. — 2019г. С. 230-231. .
4. Бекмухамедова, Б. У. Инфраструктура рынка ценных бумаг Узбекистана / Б. У. Бекмухамедова. 2017. — С. 233-235.
5. Постановление президента Республики Узбекистан № ПП-90 «О дополнительных мерах по внедрению эффективных механизмов поддержки рынка капитала» 17 января 2022 г.
6. <https://uz.kursiv.media/2022-11-28/po-kakoj-cene-mozhno-budet-kupit-akcii-uzauto-motors-na-ipo/>
7. <https://uz.kursiv.media/2022-05-19/za-chetyre-mesyaca-chislo-inostrannyh-akcionerov-v-uzbekskih-vo-vyroslo-na-6/>
8. <https://deponet.uz/>

УЎК 330.354

ТАШҚИ ҚАРЗ ВА ИҚТИСОДИЙ ҶСИШ БОҒЛИҚЛИГИ ТАҲЛИЛИ Ф.Сатторий, катта ўқитувчи, Тошкент Кимё халқаро университети, Тошкент

Аннотация. Ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади ташқи қарзнинг иқтисодий ўсишига таъсирини аниқлашдир. Ушбу мақолада иқтисодий ўсиш ва давлат ташқи қарзи ўртасидаги боғлиқлар ҳамда давлат ташқи қарзининг иқтисодий ўсишига таъсири бўйича эмпирик адабиётлар таҳлил қилинди. Шундай қилиб, ташқи қарзнинг иқтисодий ўсишига таъсирига доир адабиётлар таҳлили орқали ташқи қарзнинг иқтисодий ўсишига таъсири ижобий, салбий ва чизикли бўлмаган муносабатларга эга бўлиши мумкинлиги аниқланди. Ушбу ўзаро таъсирни тавсифловчи назарий моделларнинг учта гуруҳи мавжуд.

Калит сўзлар: иқтисодий ўсиш, давлат ташқи қарзи, неоклассик ўсиш модели, ЯИМ.

Аннотация. Основной целью данного исследования является определение влияния внешнего долга на экономический рост. В данной статье проанализирована эмпирическая литература о взаимосвязи между экономическим ростом и государственным внешним долгом и влиянии государственного внешнего долга на экономический рост. Таким образом, путем анализа литературы о влиянии внешнего долга на экономический рост было установлено, что влияние внешнего долга на экономический рост может иметь положительную, отрицательную и нелинейную зависимости. Существуют три группы теоретических моделей, описывающих это взаимодействие.

Ключевые слова: экономический рост, государственный внешний долг, неоклассическая модель роста, ВВП.

Abstract. The main objective of this study is to determine the effect of external debt on economic growth. This article analyzed the empirical literature on the relationship between economic growth and public external debt and the impact of public external debt on economic growth. Thus, through the analysis of the literature on the impact of external debt on economic growth, it was found that the impact of external debt on economic growth can have positive, negative and non-linear relationships. There are three groups of theoretical models describing this interaction.

Key words: economic growth, public external debt, neoclassical growth model, GDP.

Кириш. Ҳозирги кунда ривожланётган мамлакатларда ташқи қарз билан боғлиқ асосий муаммо бу - ташқи қарзлар ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий ўсишга олиб келиши ёки йўқлигини аниқлашдан иборат. Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётини таъминлаш мамлакатимиз мустақиллигининг кафолати, жамият барқарорлиги ва самарали ҳаёти, муваффақиятларга эришиш шарт бўлган энг муҳим миллий устувор вазифалардан биридир. Асосий иқтисодий назарияларга кўра, ташқи қарз иқтисодиётга инвестициялар ва меҳнат унумдорлиги орқали таъсир кўрсатиши керак. Ташқи кредитларни жалб қилишнинг асосий сабаби инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун ўз маблағларининг етишмаслиги бўлганлиги сабабли, ялпи ташқи қарзнинг кўпайиши инвестициялар ва капитал шаклланишининг ўсишини рағбатлантириши керак, бу эса ЯИМнинг потенциал ҳажмининг ошишига олиб келади.

Бирок, кўпинча ташқи давлат қарзлари инвестиция лойиҳалари учун эмас, балки иқтисодиётнинг пайдо бўлган тақчиллигини қоплаш учун қисқа муддатли мақсадлар учун ишлатилиши мумкин. Шундай қилиб, иқтисодий назарияда ташқи қарз ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги муносабатни баҳолашда турлича ёндашувлар мавжуд. Бир томондан, неоклассик ўсиш моделлари ташқи қарзнинг иқтисодий ўсишга ижобий таъсири борлигини тарғиб қилади. Бундан ташқари, улар ташқи қарзлар капитални шакллантиришни молиялаштириш манбаларидан бири эканлигини ва улар иқтисодий ўсишга ёрдам бериши мумкинлигини таъкидладилар. Бошқа томондан, қарама-қарши назария тарафдорлари ҳам борки, улар қарзнинг ҳаддан ташқари кўплиги туфайли мамлакатларнинг иқтисодий ўсиши доимо пасайиб боришини таъкидладилар [1].

Материал ва методлар. Ташқи қарз ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги муносабатлар иқтисодий жиҳатдан турли хил даражадаги мамлакатларда қарз юкининг иқтисодий ўсишга таъсирини аниқлашга қаратилган турли тадқиқотларда таҳлил қилинади. Бундай таъсирни ўрганувчи адабиётларни қисқача кўриб чиқиш ташқи қарз ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги муносабатларнинг бир нечта турларини ажратиш имконини беради. Шундай қилиб, ташқи қарзнинг иқтисодий ўсишига таъсирга доир адабиётлар таҳлили орқали ташқи қарзнинг иқтисодий ўсишга таъсири ижобий, салбий ва чизикли бўлмаган муносабатларга эга бўлиши мумкинлиги аниқланди. Ушбу ўзаро таъсирни тавсифловчи назарий моделларнинг учта гуруҳи мавжуд.

Биринчи гуруҳ иқтисодий ўсиш ва ташқи қарз ўртасидаги ижобий муносабатни тасдиқловчи далилларни таклиф қилади. Бу қарашлар ўсишнинг Кейнс ва неоклассик назарияси қоидаларига асосланади, бунда ташқи қарз қарз маблағларидан унумли

фойдаланиш шарти билан янада интенсив иқтисодий ўсишга ёрдам беради. Бу ёндашув 1992 йилда Варнер (Warner) [2], 2003 йилда Эастерлй (Easterly) [3] ва 1985 йилда Слине (Cline) [4] томонидан кузатилган. Варнер 1992 йилда ташқи қарз ва инвестициялар ўртасида ижобий муносабатни аниқлади. 2003 йилда Эастерлй ҳам бундай таъсирнинг маълум эмпирик далилларини топди. Слине маълумотларига кўра, ташқи қарз ўсишга ижобий ҳисса қўшади. Унинг таъкидлашича, ҳар бир мавжуд ташқи қарзнинг маржинал унумдорлиги асосий қарз ва фоиз тўловидан катта ёки тенг бўлса, ташқи қарз қарз олувчи мамлакат иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатади.

Таъкидлаш жоизки, мавжуд эмпирик адабиётларнинг аксарияти юқори ташқи қарз иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатиши ҳақида хабар беради. Моделларнинг иккинчи гуруҳи ташқи қарзнинг юқори даражасининг иқтисодий ўсишга салбий таъсири сабабларини таҳлил қилишга бағишланган. Ушбу моделлар гуруҳи 1980-йилларнинг охирида Кругман (Krugman) [5] томонидан ишлаб чиқилган “қарзнинг ошиб кетиши” назариясига асосланади.


Қарзнинг ошиб кетиши мамлакатнинг кутилаётган даромадининг жорий қиймати тўпланган қарздан кам бўлганда юзага келади. Сиддиқ ва Селванатан (Siddique & Selvanathan) 2015 йилда 1970-2007 йиллар давомида 40 та кам ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий ўсишига ташқи қарз даражасининг салбий таъсирини аниқладилар [6]. Эмпирик далиллар қарздорлик муаммосининг асосий сабаблари сифатида яхши юритилмаган ички ва ташқи иқтисодий сиёсатни кўрсатди. Рифақат ва Усмон (Rifaqat & Usman) 2012 йилда бошқа бир мамлакат тадқиқотида 1970 йилдан 2010 йилгача Покистонда ташқи қарзнинг иқтисодий ўсишга узоқ ва қисқа муддатли таъсирини ўрганиб, ЯИМ, ташқи қарз, йиллик таълим харажатлари, капитал, ишчи кучи ва иқтисодий ўсиш функцияси сифатида кўриб чиқдилар. Улар ташқи қарз иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатишини аниқладилар; юқори ташқи қарз иқтисодий ўсишни секинлаштиришини ўзларининг тадқиқотида кўрсатиб бердилар [7].

Ҳозирги кунда энг кенг қўлланиладиган учинчи гуруҳ моделлари ташқи қарзнинг иқтисодий ўсишга чизиқли бўлмаган таъсирини кўриб чиқади ва олдинги икки гуруҳ моделлари қоидаларини бирлаштирган эклектик (кўп турли услублар ёки усулларни ўз ичига олган) тушунчалар билан ифодаланади. Ушбу моделлар гуруҳи Лаффер эгри чизиғи тамойилларига асосланади. 1986 йилда Сачснинг (Sachs) фикрига кўра, ушбу концепциянинг марказий нуқтаси ташқи қарзнинг критик даражасининг мавжудлигини тахмин қилишдир, унга эришилгандан кейин хорижий кредитларни янада жалб қилиш амалий бўлмайди [8]. Муносабатларнинг чизиқли бўлмаган шакли инвестицияларнинг мутлақ ҳажми ва самарадорлигининг қисқариши билан изоҳланади, бу капиталнинг маржинал самарадорлигини пасайтириш тенденцияси ва ноқулай макроиқтисодий вазият таъсиридан келиб чиқади. Эмеренини ва Ннанна (Emerenini & Nnanna) 2015 йилда Солов (Solow) типигаги неоклассик ўсиш моделидан фойдаланганлар [9]. Натижалар Нигерияда иқтисодий ўсишга қарзнинг чизиқли бўлмаган таъсири мавжудлигини кўрсатди. Солдатова 2006 йилда ўз тадқиқотида ташқи қарз маълум бир нуқтага қадар ўсишга ижобий ҳисса қўшишини, кейин эса унинг ҳиссаси салбий бўлишини ўрганди [10].

Давлат қарзи муаммоси ва унинг иқтисодий ўсишнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари билан боғлиқлигини назарий жиҳатдан ўрганишга қарамадан, ташқи давлат қарзи, хусусан, давлат қарзининг ялпи ички маҳсулотга нисбатини баҳолаш бўйича фундаментал тадқиқотлар ҳали ҳам етарли эмас.

Натижалар. Давлат қарзини макроиқтисодий барқарор даражада сақлаш ва уни самарали бошқариш юзасидан амалга оширилаётган чоралар ҳамда миллий валюта алмашув курсининг барқарорлиги шароитларида республика иқтисодиётининг юқори суръатлар билан ўсишининг таъминланиши натижасида 2021 йилдан бошлаб давлат қарзининг ЯИМга нисбати барқарорлашиши кузатилди.

Давлат қарзининг хавфсиз даражаси (ЯИМга нисбатан 60 фоиз)



1-расм. Ўзбекистон Республикаси давлат қарзи динамикаси [11]

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси номидан ва Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида жалб қилинган давлат қарзининг суммаси ялпи ички маҳсулотнинг йиллик прогноз кўрсаткичига нисбатан 60 фоиздан ошмаслиги;

2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси номидан ва Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида ички ва ташқи қарзларни жалб қилиш бўйича йиллик имзоланадиган янги битимларнинг чекланган соф ҳажми 5,5 млрд. АҚШ доллари миқдорида белгиланди.

Натижада, 2021 йил давомида янги имзоланган давлат ташқи қарз битимларининг ҳажми 4,9 млрд. АҚШ долларини ҳамда Давлат бюджетини молиялаштириш учун чиқарилган давлат қимматли қоғозларининг соф ҳажми 4,1 трлн. сўмни ташкил этди. Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси номидан жалб қилинган ташқи қарз 17,0 млрд. АҚШ долларни ёки давлат ташқи қарзининг 73,4 фоизини, ва Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида жалб қилинган ташқи қарз 6,2 млрд. АҚШ долларни ёки давлат ташқи қарзининг 26,6 фоизини ташкил этди.

2022 йил III чораги якуни бўйича жами давлат ташқи қарзининг 28,4 фоизи ёки 6,6 млрд. АҚШ доллари давлат бюджетини қўллаб-қувватлашга, 12,6 фоизи ёки 2,9 млрд. АҚШ доллари энергетика саноатига, 11,5 фоизи ёки 2,7 млрд. АҚШ доллари электроэнергетика саноатига, 10,4 фоизи ёки 2,4 млрд. АҚШ доллари транспорт ва транспорт инфратузилмасига, 10,6 фоизи ёки 2,5 млрд. АҚШ доллари қишлоқ ва сув хўжалигига, 9,5 фоизи ёки 2,2 млрд. АҚШ доллари уй-жой коммунал хўжалиги соҳаларига йўналтирилган маблағлар ҳиссасига тўғри келади [11].

Хулоса. Ташқи қарзнинг барча мамлакатлар учун умумий хатарли бўлган максимал кўрсаткичини белгилашнинг имконияти мавжуд эмас. Ушбу кўрсаткич ҳар бир давлатга нисбатан хусусий ёндашувлар асосида мамлакатнинг экспортидан тушадиган валюта маблағлари миқдори, мамлакатнинг олтин ва бошқа валюталардаги захиралари каби кўрсаткичларни таҳлил қилган ҳолда тавсиявий характерда ишлаб чиқилади.

Иқтисодий назариялар шуни кўрсатадики, ривожланаётган мамлакат томонидан ўртача даражада қарз олиш унинг иқтисодий ўсишини кучайтириши мумкин. Ривожланишнинг дастлабки босқичларида бўлган мамлакатлар кичик капитал захираларига ега ва илғор иқтисодиётларга қараганда юқори даромадли инвестиция имкониятларига ега бўлиши мумкин. Ривожланаётган мамлакатлар қарз маблағларини самарали инвестициялар учун ишлагалар ушбу мамлакатлар учун иқтисодий ўсиш суръати ошиши ва қарзларни ўз вақтида тўлаш имконини бериши керак.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Shkolnyk, I., & Koilo, V. (2018). The relationship between external debt and economic growth: Empirical evidence from Ukraine and other emerging economies. *Investment Management and Financial Innovations*, 15(1).
2. Warner, A. M. (1992). Did the Debt Crisis Cause the Investment Crisis? *Quarterly Journal of Economics*, 107(4), 1161-1186
3. Easterly, W. (2003). The political economy of growth without development: A case study of Pakistan. In Dani Rodrik (Ed.), *Analytic Narratives on Economic Growth*. Princeton: Princeton University Press.
4. Cline, W. R. (1995). *International Debt Re-examined*. Washington DC: Peterson Institute for International Economics
5. Krugman, P. R. (1988). Financing versus Forgiving a Debt overhang. *Journal of Development Economics*, 29, 253-268
6. Siddique, A., Selvanathan, S. (2015). The impact of external debt on economic growth: empirical evidence from highly indebted poor countries (31 p.) (Discussion paper). University of Western Australia. Business School Economics
7. Rifaqat, A., & Usman, M. (2012). External Debt Accumulation and Its Impact on Economic Growth in Pakistan. *The Pakistan Development. Review*, 51(4), 79-96
8. Sachs, J. D. (1986). The Debt Overhang Problem of Developing Countries. Memorial to Carlos Diaz-Alejandro, Helsinki.
9. Emerenini, F. M., Nnanna, A. U. (2015). Debt Management and Economic Growth Empirical Evidence from Nigeria. *International Journal of Innovative Research & Development*, 4(1), 243-258
10. Soldatova, E. I. (2006). Существует ли оптимум внешнеэкономической задолженности? Теоретические и прикладные проблемы сервиса, 4.
11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йилнинг III чораги бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат қарзи ҳолати ва динамикаси шарҳи

УЎК: 336.77.75 (575.1)

**КОРХОНАНИНГ АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ МУОММАЛАРИ**

А.Таспанова, PhD, Қорақалпоқ Давлат Университети, Нукус
Б.Ережеева, ўқитувчи, Қорақалпоқ Давлат Университети, Нукус
Г.Пирниязова, ўқитувчи, Қорақалпоқ Давлат Университети, Нукус

Аннотация. Ушбу мақолада корхонанинг айланма маблағларини шакиллантириши ва бошқаришининг илмий асослари урганилиб, тегишли илмий хулосалар келтирилган.

Калит сўзлар: айланма маблағлар, жорий капитал, реал секторни ривожлантириши, дебиторлик қарзлар, маҳсулотни сотиши, ликвидлик даражаси, молиялаштириши манбалар, Ўз кредит маблағлари, рентабеллик

Аннотация. В данной статье изучены научные основы формирования и управления оборотным капиталом предприятия, представлены соответствующие научные выводы.

Ключевые слова: оборотный капитал, оборотный капитал, развитие реального сектора, дебиторская задолженность, реализация продукции, уровень ликвидности, источники финансирования, собственные кредитные средства, рентабельность.

Abstract. In this article, the scientific basis of the formation and management of working capital of the enterprise is studied, and relevant scientific conclusions are presented.

Key words: working capital, current capital, development of the real sector, receivables, product sales, liquidity level, financing sources, Own credit funds, profitability

Ҳозирги даврда, ривожланаётган бир қатор мамлакатларда корхоналарнинг айланма маблағларини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммоларнинг (инфляция даражасининг юқори эканлиги, миллий валютанинг қадрсизланиш суръатининг баландлиги, хом-ашё материаллари импортининг юқори эканлигини, корхоналарнинг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасининг паст эканлиги ва бошқалар.) мавжудлиги кузатилмоқда.

АҚШ, Германия ва Францияда тижорат векселлари муомаласининг яхши ривожланганлиги ва дебитор қарздорликни инкассация қилиш амалиётининг мавжудлиги компаниялар айланма маблағларини молиялаштиришда муҳим ўрин тутади.

Айни вақтда, республикамиз корхоналарининг айланма маблағларини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг мавжудлиги кузатилмоқда. Корхоналар ўртасидаги дебитор-кредитор қарздорлик миқдорининг катта эканлиги, уларнинг пул оқимини заиф эканлиги, корхоналарнинг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасининг паст эканлиги бу борадаги долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Айланма капиталнинг миқдори нафақат ишлаб чиқариш жараёнининг эҳтиёжлари, балки тасодифий омиллар билан ҳам белгиланади. Шунинг учун айланма капитални доимий ва ўзгарувчан турларига ажратиш тавсия этилади.

Молиявий менежмент назариясида "доимий айланма капитал" тушунчасининг икки асосий талқини мавжуд. Биринчи талқинга кўра, бутун операцион давр давомида дебиторлик қарздорлик ва ишлаб чиқариш захираларининг доимо эҳтиёж бўлган қисми айланма капиталдир. Бу, масалан, ўртача вақт параметри бўйича корхонанинг доимо ихтиёрида бўлган жорий активларнинг миқдоридир.

Иккинчи талқинга кўра, доимий айланма капитал ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган минимал миқдордир.

Ушбу ёндашув компанияга ўз фаолиятини амалга ошириш учун муайян минимал айланма маблағлар, масалан, захира капиталининг баъзи аналоглари бўлган жорий ҳисобрақамдаги пул маблағлари қолдиғи кераклигини билдиради. Маълумотларнинг кейинги баёнларида биз иккинчи талқинга риоя қиламиз.

Ўзгарувчан айланма капитал категорияси жараённинг энг қизғин даврида ёки суғурта захира сифатида керак бўлган қўшимча жорий активларни акс этади. Масалан, қўшимча ишлаб чиқариш-моддий захираларга бўлган эҳтиёж мавсумий жорий савдо даврида сотилишнинг юқори даражасини сақлаб қолишини қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шу билан бирга, сотишни ривожлантириш билан бирга дебитор қарздорлик ҳажми ошиб боради. Қўшимча пул маблағлари хом-ашё ва материалларни етказиб бериш, шунингдек, юқори даражадаги тадбиркорлик фаолияти давридан олдинги меҳнат фаолиятига пул тўлаш учун керак.

Корхонанинг узоқ муддатли ишлаб чиқариш ва самарали молиявий фаолиятини таъминлаш учун етарли бўлган айланма маблағлар ҳажми ва таркибини, уларнинг қоплаш манбаларини ва улар ўртасидаги нисбатларни белгилаш айланма капитални бошқаришнинг мақсади ҳисобланди.

Айланма капитал паст даражада бўлганда ишлаб чиқариш фаолияти талаб даражасида таъминланмайди. Натижада, ликвидлиликни йўқотиш эҳтимоли, ишда даврий узилишлар ва паст фойда олиш ҳолатлари юзага келиши мумкин. Айланма капиталнинг энг оптимал даврида даромад максимал кўринишда бўлади.

Айланма маблағлар миқдорини янада ошириш натижасида корхона вақтинчалик бўш, ҳаракат қилмайдиган жорий капиталга, шунингдек молиялаштириш билан боғлиқ бўлган ортиқча харажатларга эга бўлади. Натижада, фойда олиш ҳажми камайиб кетади.

Шундай қилиб, айланма маблағларни бошқариш стратегияси ва тактикаси ликвидлиликнинг йўқолиш risksи ва иш самарадорлиги ўртасидаги келишувини таъминлаши лозим

Пул маблағлари, дебитор қарздорлик ва товар захираларининг мўътадил даражасини таъминлаш билан боғлиқ ҳар бир қарор, ушбу турдаги активларнинг рентабеллиги ва айланма маблағларнинг мақбул тузилмаси нуқтаи назаридан ҳисобга олиниши керак.

Айланма маблағларнинг ҳажми ва таркиби ҳисобига ликвидлилик даражасининг пасайиши ёки самарадорликнинг камайиши эҳтимоли қуйидаги ҳодисаларни келтириб чиқариши мумкин:

1. Пул маблағларининг етишмаслиги.
2. Ўз кредит маблағларининг етишмаслиги.

Айланма маблағларни етарли даражада молиялаштира олмаслик risksи билан боғлиқ ҳолатлар қуйидагилардан иборат:

1. Кредитор қарздорлик даражасининг юқори бўлиши.

Корхона моддий захираларни кредитга сотиб олганида, муайян тўлов муддатлари билан боғлиқ кредитор қарздорлик юзага келади.

Эҳтимол, корхона яқин келажакда унга керак бўлмаган миқдорда ёки қиммат нархда катта миқдорда захиралар сотиб олгандир. Натижада, кредит миқдори ва ишлатилмайдиган захиралар ҳажми ўта катта бўлган бир пайтда қарзларни тўлаш учун корхонада пул маблағлари бўлмай қолади. Бу эса, ўз навбатида, мажбуриятларни бажармасликка олиб келади.

2. Қисқа ва узоқ муддатли қарз маблағлари манбалари ўртасидаги номутаносиблик.

Узоқ муддатли манбалар одатда қимматроқ бўлишига қарамасдан, айрим ҳолларда, улар ликвидликнинг ўсиши камроқ бўлганида катта миқдорда даромад келтириши мумкин. Қўплаб корхоналар менежерлари учун турли пул манбалардан унумли фойдаланиш нисбатан янги муаммо ҳисобланади.

3. Узоқ муддатли қарз маблағларининг пассивлар ҳажмидаги салмоғининг катта бўлиши.

Узоқ муддатли қарз маблағлари корхоналар фаолиятини техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантиришда муҳим ўрин тутаяди. Аммо, узоқ муддатли қарз маблағларининг пассивлар ҳажмидаги салмоғининг юқори бўлиши уларни қоплаб туриш билан боғлиқ бўлган харажатлар миқдорини ошишига олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда ҳар бир корхонанинг узлуксиз ишлашида айланма фонд ва муомала фондига эга бўлиши учун қўлланиладиган пул маблағлари шаклидаги айланма маблағ талаб қилинади.

Корхоналар айланма маблағларини бошқариш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган қуйидаги муаммолар аниқланди:

- * корхоналар ўртасидаги дебитор-кредитор қарздорлик миқдорининг катта эканлиги;

- * саноат тармоғида фаолият юритаётган хўжалик субъектларида маҳсулотлар таннархининг товарларни сотишдан олинган тушумлар ҳажмидаги салмоғини юқорилиги;

Бу эса, қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

- йирик саноат корхоналарида технологияларнинг эскириш даражасининг юқорилиги ҳисобига энергия ва фонд сифими ҳамда уларга сарфланадиган харажатларнинг кескин ошишига олиб келмоқда;

- саноат корхоналарнинг ўз айланма маблағларининг камлиги ва кредит таъминотидаги камчиликлар ҳисобига уларда технологик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари суст бормоқда;

- корхоналардаги мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари катта ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланганлиги ҳисобига уларни кичик ҳажмдаги буюртмаларни ишлаб чиқариш учун ишлатилиши самарасиз ҳисобланади;

- айрим корхоналарда хом ашёнинг ўз вақтида ва етарли ҳажмда таъминланмаслиги ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришни тўхтаб қолиши ва тузилган шартномаларни барбод бўлишига олиб келмоқда;

- саноат корхоналарида бозор конъюнктурасидаги ўзгаришларга мослашиш стратегияси яхши шаклланмаганлиги корхоналарнинг иқтисодий самарадорлигини турли йилларда кескин тебранишларга олиб келмоқда;

- асбоб ва ускуналарнинг технологик спецификациясини (тавсифини) тўлиқ ўрганмасдан сотиб олиш ҳисобига технологияларни ишга тушириш жараёнининг чўзилиб кетишига, ишга туширилган тақдирда эса, маҳсулотнинг сифатсиз бўлишига олиб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Критический анализ, строгая дисциплина и личная ответственность - должны быть ежедневным правилом деятельности каждого лидера. - Ташкент: Узбекистан, 2017. – с.26.

2.Тироль Ж. Теория корпоративных финансов. Пер. с англ. – М.: Дело, 2017. – С. 132-133.

3. Chanel-Reynaud G., Bloy E. La Banque et le risqué PME. – Presses Universitaires de Lyon, 2001. – P. 39-40.

4.Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. Пер. с англ. – М.: Гелиос АРВ, 2012. – 352 с.

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВНИНГ АҲАМИЯТИ****Ш.Т.Тоштемуров, магистрант, Тошкент давлат иқтисодий университет, Тошкент**

Аннотация. Ушбу мақолада бугунги кунда Ўзбекистонда Ишлаб чиқариш омиллари ва уларнинг самарадорлигини оширишда инновацион ёндашувнинг аҳамияти, ишлаб чиқаришдаги капиталларга инновациялар киритиш орқали корхона ва фирмалар бозорга сифатли маҳсулотларни етказиб бериш орқали истеъмолчилар эҳтиёжларини қондириш, юқори даромад олиш ҳамда мамлакатнинг иқтисодий ўсишини таъминлаш тадқиқ этилади.

Калим сўзлар: Иқтисодий ўсиш, ишлаб чиқариш, капитал, ишчи кучи, самарадорлик, инновация.

Аннотация. В данной статье раскрывается значение инновационного подхода в повышении факторов производства и их эффективности в Узбекистане на сегодняшний день, благодаря которому расширение производства в стране, инновации в производственных капиталах, предприятиях и фирмах, поставляя на рынок качественную продукцию, отвечают требованиям потребности потребителей, получение высоких доходов и обеспечение экономического роста страны.

Ключевые слова: Экономический рост, производство, капитал, рабочая сила, производительность, инновации.

Abstract. In this article, the importance of an innovative approach in increasing production factors and their efficiency in Uzbekistan today, through which the expansion of production in the country, innovation in production capitals, enterprises and firms, by supplying quality products to the market, meet the needs of consumers, obtain high income and ensure the economic growth of the country, is researched.

Keywords: Economic growth, production, capital, labor force, productivity, innovation.

Ишлаб чиқариш омиллари ва уларнинг самарадорлигини оширишда инновацион ёндашувнинг таҳлил қиладиган бўлсак, Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг барча босқичларида инсон ҳаётининг асосини моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ташкил этади. Чунки, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнлари бўлмаса, айирбошлайдиган, тақсимлайдиган ва истеъмол қиладиган неъматларнинг ўзи бўлмайди. Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғоя, инновацияга таянган давлат ютади. Инновация бу – келажак дегани. Буз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак”. Аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишни таъминлашда инновациялар ёрдамида ишлаб чиқариш ташкилотлари ва хизмат кўрсатишнинг турларини ошириш орқали кўплаб янги иш ўринлари яратиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада рағбатлантириш ҳамда тармоқ ташкилотлари ва кластерлар, венчур ташкилотлари ва тегишли молия бозорларининг турли воситалари кўмагида капитал яратишни, яъни арзонлаштирилган ва ҳаммабоп ишлаб чиқаришни таъминлаш тизимига ўтишга катта эҳтиёж мавжуд. Ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш учун қарорлар қабул қилинмоқда, хусусан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги ПФ-165-сон Фармонида асосан 2022—2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини кўришимиз мумкин.

Мазкун мавзуда хорижий ва маҳаллий бир қанча олимлар илмий изланишлар олиб боришган. М.Портер қарашларида компанияларнинг ривожланишида инновацияларнинг ўрни, уларни қўллаш хусусиятлари, компаниянинг барқарор ривожлантирилишига фақат


инновацияларни доимий равишда жорий этиш ҳамда компанияларнинг рақобат устунлигига эришишларида инновациянинг таъсири масалалари тадқиқ этилган[4]. Р.С.Муратов, И.А.Джалолова, С.Ш.Орипов қарашларида корхона алоҳида объект сифатида қаралиб, унинг мазмун ва моҳияти, унга қўйиладиган талаблар, кўрсаткичлар тизими, молиявий барқарорлиги ва бошқаруви масалалари атрофлича ёритиб берилган[5]. Р.Р.Абдурауфов қарашларида Ўзбекистонда хорижий инвестицияли корхоналар иқтисодий салоҳиятини бошқариш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий ёндашувларга алоҳида эътибор қаратилган[6]. Амалга оширилган илмий-тадқиқот ишларда айнан бугунги масалалар тизимли ҳолда ёритиб берилмаган.

Ишлаб чиқариш омиллари ва уларнинг самарадорлигини оширишда инновацион ёндашувни ўрганиш ва илмий тадқиқ қилиш мобайнида илмий абстракциялаш, қиёсий ва тизимли таҳлил, синтез, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш ва бошқа илмий билиш усулларида атрофлича фойдаланилди. Мамлакатимизда ҳам сўнги йилларда инновацияларни жорий қилган корхоналар сони ортиб бормолқда. Қуйидаги, 1-жадвалда Мамлакатимизда инновациялар жорий қилган корхоналар ва жорий қилган инновациялар сони кўришимиз мумкин.

1-жадвал

Мамлакатимизда инновациялар жорий қилган корхоналар ва жорий қилган инновациялар сони (бирликда)

Кўрсаткичлар	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Инновациялар жорий қилган корхона ва ташкилотлар сони:	852	935	933	1023	1024	1587	1217	1151
технологик	819	894	893	975	982	1514	1148	1098
маркетинг	13	14	20	22	17	28	37	29
ташкिलий	20	27	20	26	25	45	32	24
Жорий қилинган инновациялар сони:	1465	1819	1906	2046	2558	4689	4290	4148
технологик	1382	1737	1816	1946	2482	4427	4011	3936
маркетинг	41	36	51	62	42	128	202	145
ташкилий	42	46	39	38	34	134	77	67



1-расм. Корхона ва ташкилотларнинг инновацион ҳажми ва харажатлари

Мамлакатимизда Инновациялар жорий қилган корхона ва ташкилотлар 2021 йил 1151 тани ташкил этади бу эса 2014 йилга нисбатан қариб 136 % кўп дегани, хусусан инновациялар жорий қилган корхона ва ташкилотлар 2017 йилдан кейин сезиларли даражада кўпайганлигини кўриш мумкин. 2019 йил корхоналарда инновациялар жорий қилиниш кўрсаткичи 2017 йилга нисбатан 155% га ўсган. Сўнги йилларда иқтисодиётга жорий қилинган инновацияларга қарайдиган бўлсак 2021 йилда жами 4148 та инновациялар жорий қилинган бу кўрсаткич 2014 йилга нисбатан 283 % га кўпайганлигини кўриш мумкин. Инновацияларни жорий қилиш мамлакатимизда 2017 йилга келиб сезиларли ошганлигини кўриш мумкин, 2017

йилда 2046 та инновациялар жорий қилинган бўлса, 2019 йилга бориб 4689 тани ташкил қилмоқда, бу кўрсаткичларда ҳам кўриш мумкинки яъни пандемия ҳисобига пасайиш кўзатишган. (1-жадвал)

Мамлакатимиздаги корхона ва ташкилотлар 2008 йилда инновацияларга қилинган харажатлар 521,5 млрд.сўм ташкил этган, шунинг натижасида 1325,1 млрд.сўмлик ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатилган, 2021 йилга келиб инновацияларга қилинган харажатлар 17680,8 млрд.сўм ташкил этган, шунинг натижасида 27378,6 млрд.сўмлик ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатилган. Бунда кўришимиз мумкинки корхона ва ташкилотлар инновацион харажатлар кўпайгани оқибатига ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажми ортиб бурганини кўришимиз мумкин.

Инновацион салоҳиятни самарали бошқариш учун барча таркибий қисмлар, уларнинг динамикаси, улар ўртасидаги ўзаро алоқа ва боғлиқликлар ҳақида ўз вақтида ва комплекс маълумотга эга бўлиш зарур. Худудларнинг инновацион ривожланиши устида турли-туман тадқиқотлар олиб бориш имконини берувчи махсус асбоб-ускуналар тўпламини яратиш зарур. Аммо, бу жуда мушкул вазифа, негаки, бунинг учун инновацион ривожланиш назарияси соҳасидаги тадқиқотланнинг интеграциялашуви ва замонавий ахборот технологияларини қўллаш керак бўлади. Ҳозирги пайтда илмий кадрлар олдида турган энг муҳим муаммолардан бири бу самарали бошқарув қарорлари қабул қилинишига кўмаклашиш учун тадқиқотлар порталини, яъни худудларнинг инновацион фаоллиги ҳақидаги маълумотларни тўплаш ва таҳлилий қайта ишлаш имконини берувчи ахборот-таҳлил тизимини яратишдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги 2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида ПФ-165-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. - Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. –Б. 23.
3. Ш.И.Отажонов. Инновация фаолияти инфратузилмасини бошқариш самарадорлигини ошириш. – Тошкент-2018.
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти stat.uz

ЎУК 338.48

ТУРИЗМ БОЗОРИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯСИНING ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

М.Худайберганов, ўқитувчи, Урганч Давлат университети, Урганч
Д.Комилов, магистрант, Урганч Давлат университети, Урганч

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон туризм бозорининг мамлакат иқтисодиётига таъсири ҳамда туризм соҳасини диверсификация қилишнинг устувор йўналишлари очиб берилган.

Калим сўзлар: туризм, турист, туристик маҳсулот, диверсификация, ички туризм

Аннотация. В данной статье раскрывается влияние туристического рынка Узбекистана на экономику страны и приоритетные направления диверсификации туристического сектора

Ключевые слова: туризм, турист, туристический продукт, диверсификация, внутренний туризм

Abstract. This article reveals the impact of the tourism market of Uzbekistan on the country's economy and priority areas for diversifying the tourism sector

Keywords: tourism, tourist, tourism product, diversification, domestic tourism

Мамлакатимизда туризмни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида кўзда тутилган мамлакатимизни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида “туризм индустриясини жадал ривожлантириш,

иктисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш” масаласи устувор вазифа сифатида белгилаб берилди.

Бундан биров муқаддам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрда имзоланган “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4861-сонли Фармони қабул қилинган эди. Ушбу фармон ижросини таъминлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрда имзоланган “Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ПҚ-2666-сонли Қарори ҳам бир вақтда қабул қилинди. 2017 йил 16 августдаги «2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3217-сонли қарори, 2018 йил 3 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5326-сонли фармонлари, 2019 йил 5 январдаги «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ва қарорлари қабул қилинди. Мазкур ҳужжатлар асосида туризм соҳасида бир қанча ташкилий-иктисодий тадбирлар амалга оширилди.

Ўтган бир йиллик вақт кўрсатдики, мазкур соҳани юксалтириш, уни иқтисодиётнинг етакчи тармоғига айлантириш учун юқоридаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш ва бир қанча қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозим бўлди. Ушбу заруратдан келиб чиқиб, 2020-2021 йилларда ҳам Президентимизнинг қатор Фармон ва қарорлари имзоланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 майдаги ПФ-6002-сон “Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги ПФ-6199-сон “Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони Ушбу фармон ва қарорлар ижросини таъминлашга қаратилган бир қанча чора-тадбирлар ва “Йўл хариталари” қабул қилинди.

Мухтасар қилиб айтганда, тузилган Дастурлар ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажариш мазкур соҳада янги давр бошланганлигидан далолат бермоқда. Хусусан, мамлакатимизда ички ва ташқи туризмнинг бундан кейин янада тараққий этиши баробарида ҳудудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожига ҳам катта таъсир кўрсатади. Бу миллий иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бирига айланиб бораётган туризм соҳада катта ўзгаришлар ва янгиланишлар даври бошланганлигидан далолат беради. Бу нималарда намоён бўлмоқда:

Биринчидан, 2018 йил 10 февралдан бошлаб Япония, Сингапур, Исроил, Индонезия, Корея, Туркия, Малайзия давлатлари фуқаролари, юртимизга мунтазам авиақатновларни амалга ошириувчи хорижий авиакомпаниялар ҳаво кемалари экипажининг аъзолари учун мамлакатимиз ҳудудига кирган кундан эътиборан 30 кунлик муддатга визасиз режим белгиланди. Ушбу тадбир 2020 йилларда ҳам сақланиб қолди. Оқибатда туризм соҳасидаги тўсиқлар олиб ташланиши натижасида туристлар оқими кўпайиш имконияти туғилди. Аммо бу ҳолатда ҳам пандемиянинг салбий таъсири бўлди.

Иккинчидан, 2018 йил 10 февралдан бошлаб 39 та мамлакат фуқаролари учун ҳужжатларни қабул қилиш куни ҳисобга олинмаган ҳолда 2 иш куни мобайнида визаларни расмийлаштиришнинг соддалаштирилган тартиби ўрнатилди. Бундай давлатилар таркибига Европа Иттифоқи, Шарқий Осийнинг бир қатор давлатлари, Яқин Шарқ мамлакатлари, Ҳиндистон Республикаси, Америка Қўшма Штатлари, Канада, Янги Зеландия кабилар қиради. Бундай давлатлар фуқаролари олдин Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига туристик ваучерни ёки мамлакатимизга таклиф қилинаётган юридик ва жисмоний шахслар мурожаатномаси тақдим этилар эди. Ушбу тартиб 2018 йил 10 февралдан бошлаб бекор қилинди. 2020 йилда пандемия шароитида турли ёндошувлар амалга оширилди.

Учинчидан, 2018 йил май ойидан бошлаб транзит бўйича ҳаракатланаётган хорижий йўловчиларга 72 соат муддатга кириш визасини бариш жорий этилди. Бу 2020 йилда ҳам сақланиб қолди. Бунда шуни инобатга олиш жоизки, транзит туристларда учинчи мамлакатга авиачипта ва виза бўлишлиги лозим. Бундай ҳолда улар назорат остида қисқа муддатга аэропорт чегарасидан чиқишларига йўл қўйилади.

Тўртинчидан, 2018 йил 1 июлидан бошлаб бир қатор хорижий мамлакатлар фуқаролари учун электрон кириш визаларини бериш тизими жорий этилади. Бу ҳам туризм соҳасига ахборот-технологияларни жорий қилиш билан боғлиқ инновацияларни ва улардан самарали фойдаланиш тизимини яратишни тақозо қилади.

Бешинчидан, 2018 йилнинг февраль ойидан бошлаб, Дин ишлари бўйича кўмитада Зиёрат туризмни кўллаб-қувватлаш бўлими ташкил этилди. Мазкур бўлим асосан мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон тўғрисида, бу ердаги ислом дини ва бошқа динларга мансуб маданий-тарихий обидаларни тарғибот қилиш ишлари билан шуғулланади. Ушбу бўлим бир вақтнинг ўзида Исломи дини ва бошқа жаҳон динларининг маданий-тарихий ва илмий-технологик маркази сифатида ҳам фаолият кўрсатиб, шу соҳалар бўйича ахборотларни тўплайди ва дунё миқёсида тарғибот қилади.

Олтинчидан, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАКга қатновлар рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида халқаро қатновлар учун авиачипталарни таннархидан паст нархларда сотишга рухсат берилмоқда. Чунки улар туристларни бу ерга олиб келиши баробарида улардан олинган даромадлар эвазига қопланиб кетилади. Бу ҳам мамлакатимизга хорижий туристлар оқимининг кўпайиши учун муҳим омилларидан биридир. Ушбу масалага 2020 йилда янада энгилликлар киритилди.

Еттинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига биноан ички туризмни ривожлантириш мақсадида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига бир қанча вазифалар юклатилди. Жумладан, жамоавий шартномага ходимларнинг оилалари билан хордиқ чиқариши ва дам олишини ташкил этиш учун ҳар йили бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан уларнинг камида 10 фоизини оила аъзолари билан дам олишга ички туризм шаклида юборишни кўзда тутувчи нормани рағбатлантирувчи чора сифатида киритиш кўзда тутилиши кўрсатиб ўтилган. Иккинчидан, ходимларга меҳнат қонунчилигига муворфиқ, меҳнат татилининг ишлатилмаган қисми ҳисобидан уларга қулай бўлган вақтларда саёҳат ва дам олиш учун рухсат этилади. Ушбу тадбирлар ички туризмнинг ривожланиши учун муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Муҳими, одамларда ўз уйи ва ҳудудидан ташқарига чиқиб, дам олиш учун шароитнинг яратилиши, уларнинг маданий савиясининг ошиши билан бирга дунёқарашини кенгайтириш имконини беради.

2018 йилдан бошлаб, мамлакатимизда “Очиқ осмон” режимига ўтиш бошланди. Ушбу тадбирни биринчилардан бўлиб “Қарши” халқаро аэропортини ривожлантиришдан бошлаш кўзда тутилди.

Туристларга тезкор ёрдам кўрсатиш учун 2018 йил 1 мартдан бошлаб, ягона қисқа умумреспублика телефон рақамига эга Call-марказнинг фаолияти аутсорсинг шартлари асосида ташкил этилади. Оқибатда туристларга мамлакатимизда зарурий масалаларни тезкор тарзда ҳал қилиш имконияти яратилади. Бу ҳам ушбу масаланинг ечимида катта аҳамият касб этиши баробарида туристлар оқимининг кўпайишига ҳам муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, туристларга қўшимча хизматларнинг сони оширилади ва мос равишда улардан тушадиган даромадларнинг миқдори ҳам кўпаяди.

Туристлар учун яна бир қулайлик 2018 йилдан бошлаб, суратга олиш ҳеч қандай чекловларсиз амалга ошириладиган бўлди. Туристлар томонидан жамоат жойлари, бино ва иншоотларни фото ҳамда видео суратга олиш бўйича эндиликда ҳеч қандай чекловлар бўлмайди. Аммо қонун ҳужжатларига мувофиқ барча турдаги суръатга олиш тақиқланган объектлар рўйхатига киритилган бўлса, бундай жойлардагина ушбу жараённи амалга оширишга йўл қўйилмайди. Бу тартиб 2020 йилда ҳам бекор қилинган эмас.

Мамлакатимизда туристик объектларни тарғиб этиш мақсадида энг яхши видео, фото ва аудиоматериаллар танлови ташкил қилинади. Бундан туризмни реклама қилишда ҳам кенг фойдаланиш мумкин бўлади. Унда маҳаллий ва чет эл фуқарорларининг қатнашишлари кўзда тутилган. Улар Ўзбекистондаги туристик объектларни суратга олиш билан шуғулланган бўлишлари лозим.

Кўриниб турибдики, туризм соҳасига жуда кўп янгиликлар киритилди ва киритилмоқда. Булар пировардида, мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришда янги даврни бошлаб беради, дейиш мумкин. Бу давр мамлакат иқтисодиётининг етакчи тармоққа айланиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Туризм соҳасини диверсификация қилишнинг мамлакат иқтисодиётига таъсирини куйидаги расмда кўриш мумкин (1-расм).



1-расм. Туризм соҳасида диверсификация қилиниши мумкин бўлган асосий йўналишлар

Расмдан кўриниб турибдики, туризм соҳасида диверсификация қилиниши мумкин бўлган асосий йўналишлар, таъкидланганидек, туристик хизматлар диверсификацияси, туристик бозорлар диверсификацияси, туристик ресурслар диверсификацияси ва туристик ҳудудлар диверсификациясидан иборат экан. Аммо туристик ресурслар таркибида геотуризм ўз аксини топмаган. Мамлакатимизда геотуристик ресурслар жуда кўп. Туристик маршрутларга, албатта, геотуризмни кўшиш лозим бўлмоқда.

Геотуризмнинг асосий объекти – геопарклар ҳисобланади. Геопарк Ернинг геологик тарихи очик кўринишларига эга бўлган, маҳаллий табиий ландшафтлар, тоғ жинслари, қазилмаларнинг бузилмаган ҳолатларда сақланганлиги, қадимги ҳайвонларнинг қолдиқлари, излари мавжуд бўлган давлатларнинг махсус муҳофазасида турган халқаро аҳамиятдаги ноёб ҳудудлар ҳисобланади.

Геотуризм туризмнинг янги йўналиши - жойнинг ўзига хос бўлган тарихийлиги, сайёрамизнинг эволюциясидан маълумотлар берувчи ғаройиб кўринишларини мужассам қилган туристик ҳудудга қизиқишдир. «Геотуризм» атамаси 1997 йиллардан туризм соҳасида ишлатила бошлади ва дунё бўйича тезликда оммалашди. Геотуризм экотуризмнинг янги бир тармоғи ҳисобланиб, жойнинг ўзига хос тарихийлиги, ривожланиш босқичларини ҳикоя қилувчи ғаройиб маълумотлари билан ҳам, атроф-муҳитни муҳофаза қилувчи ва маҳаллий маданиятни хурмат қилувчи тамойиллари билан ҳам жуда қисқа вақтда дунёга танилди.

Геотуризм ҳудудлардаги тарихий жойларнинг ҳозирги ҳолатида сақланиши ва муҳофаза қилинишига, маҳаллий анъаналарнинг тикланишига ва тараққий этишига ёрдам беради. Шу нуқтаи назардан ҳам геотуризм экотуризмнинг янги, истиқболли йўналиши ҳисобланади.

Дунё бўйича Малайзия, АҚШ, Австралия, Оман, Буюк Британия, Хитой, Италия, Канада каби давлатлар геотуризмни ташкил қилиш ва ривожлантиришда олдинги ўринларда бормоқда. Ҳозирда Гватемала, Гондурас, Норвегия, Румыния ҳам геотуризмни ривожлантираётган давлатлар қаторида. Бу давлатлар геотуризм бўйича мутахассислар, гид-етакчилар тайёрлашга жадал киришган. Чунки, геологик тузилмалар, ҳозиргача сақланиб қолган тарихий туб жойлар тарихини, бу жойлар билан боғлиқ афсоналарни, ушбу ҳудудларда яшаб келаётган аҳоли маданиятини, этник хусусиятларини, геотуризмнинг ностандарт маршрутларидаги ўзгарувчан кўплаб саволларга қониқарли ва қизиқарли жавоб берадиган, комплекс билимларни эгаллаган мутахассисларгина (геологлар, палентологлар, биологлар,

зоологлар, ботаниклар, этнографлар ва бошқ.) туристларни геотуризмга чорлайди, қизиқтира олади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1972 йилда Париж шаҳрида ўтказилган «Ернинг маданий ва табиий меъросларини муҳофаза қилиш бўйича БМТ Конвенцияси»да белгиланган халқаро мезонлар бўйича ноёб табиий, тарихий геологик, палеонтологик жойлар, манзиллар, ҳудудлар давлатларнинг таклифлари ва асосномалари билан геопаркларга айлантирилиши мумкин.

ЮНЕСКОнинг «Геопаркларнинг глобал тармоқлари» - Members of the Global Geoparks Network (GGN) 2015 йил ноябрь ойида (1998 йилда ташкил қилинган «Ернинг геологик мероси тармоқлари» халқаро жамияти базасида) ташкил қилинди. Ушбу халқаро ташкилотга ноёб геологик хусусиятларга, геологик меросга эга ҳудудлари бўлган давлатлар аъзо бўлиши ва ўзларида геопарклар ташкил қилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси туризм соҳасини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сонли Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кириш туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 6 февралдаги ПҚ-3509-сонли қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 7 февралдаги ПҚ-3514-сонли қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 5 январда ПҚ-3217-сонли қарори.

УДК 330

КЛАССИФИКАЦИЯ И ОЦЕНКА ОСНОВНЫХ СРЕДСТВ ПО БУХГАЛТЕРСКОМУ УЧЕТУ

М.М.Юлдашева, доцент, Ташкентский государственный университет транспорта, Ташкент

Аннотация. Мақоллада узоқ мuddatli активларни тасниflashга бухгалтериya yondashuvi tasvirlangan. Buxгалтериya tizimida uzoq muddatli активларни тасниflash ularni baholash uchun muhim ekanligi ko'rsatilgan.

Калит so'zlar: бухгалтериya, asosiy vositalarni тасниflash, asosiy vositalarni baholash, qayta baholash, бухгалтериya hisobi.

Аннотация. В статье описан бухгалтерский подход к классификации долгосрочных активов. Показано, что классификация долгосрочных активов в системе бухгалтерского учета важна для их оценки.

Ключевые слова: бухгалтерия, классификация основных средств, оценка основных средств, переоценка, бухгалтерского учета счета.

Abstract. The article describes the accounting approach to the classification of long-term assets. It is shown that the classification of long-term assets in the accounting system is important for their evaluation.

Keywords: accounting, classification of fixed assets, valuation of fixed assets, revaluation, accounting accounts.

Основные средства - это ресурс, формирующий производственный потенциал организации и определяющий ее способность выпускать конкурентоспособную продукцию. Основные средства играют важную роль в процессе производства; они могут иметь

определенные резервы, которые способны обеспечить прирост продукции в предстоящем периоде. Важными характеристиками основных средств для анализа и принятия управленческих решений являются оценочные и классификационные признаки.

Основные средства представляют собой собственный капитал фирм, изъятый ими из оборота. Это активы со сроком использования более 12 месяцев. Поскольку основные средства имеют большое разнообразие типов и элементов, для обеспечения целенаправленного управления ими организация сталкивается с проблемой их классификации.

Международные стандарты финансовой отчетности представляют собой руководство по воплощению на практике экономической теории учета, имеющей в основе положения англо-американской школы бухгалтерии. В данных стандартах также раскрываются понятия доходов и расходов организации, которые обеспечивают понимание информации о финансовом положении фирмы, содержащейся в отчетности, которая составлена по международным стандартам.

В настоящее время существует множество классификаций основных средств. Если говорить о национальном бухгалтерском учете, то используется классификация основных средств по следующим признакам:

– по функциональным типам с точки зрения представления в балансе: нематериальные активы, основные средства, долгосрочные финансовые вложения, отложенные налоговые активы, прочее;

- по функциональным типам с точки зрения бухгалтерского учета счета: основные средства; нематериальные активы; биологические активы; разведочные и оценочные активы; отложенные налоговые активы;

– по характеру владения: собственное, арендованное, полученное в оперативное пользование, доверительное управление;

– по связи с землей: движимые и недвижимые внеоборотные активы.

Вопросы оценки основных средств являются актуальными. Оценка необходима для определения цены сделки купли-продажи, стоимости ипотеки при кредитовании, при определении вкладов в уставный капитал, при реструктуризации организации, подготовке бизнес-планов, переоценке предприятий, определении стоимости пакета акций, осуществлении эмиссии акций, ликвидации организации и другие случаи. В отечественном бухгалтерском учете с переходом к рыночной экономике стали применяться следующие виды оценок основных средств.

1) По первоначальной стоимости. Все основные средства принимаются к бухгалтерскому учету по этой оценке. Он формируется одинаково для основных средств, нематериальных активов и долгосрочных финансовых вложений и зависит от источника - приобретение за плату, внесение в счет вклада в уставный капитал, безвозмездное получение, создание собственными силами или силами подрядчика.

2) По остаточной стоимости. Он применяется к основным средствам и нематериальным активам.

3) По текущей восстановительной стоимости, под которой понимается стоимость воспроизведения (замены) объекта в условиях отчетного периода с учетом физического состояния и морального износа. Для определения восстановительной стоимости проводится процедура переоценки. В бухгалтерском учете термин «переоценка» означает изменение учетной стоимости, то есть первоначальную оценку того или иного объекта. Переоценка проводится в несколько этапов. Первый этап определяет цель оценки и вид определяемой стоимости, второй этап определяет предварительный план оценочных мероприятий, а также перечень оцениваемого имущества, и, наконец, заключительный этап производит непосредственную оценку активов (уценку или переоценку) с последующим отражением данных в бухгалтерский учет и финансовая отчетность. Переоценка, согласно справедливому замечанию представляет собой фактически не факт изменения стоимости актива, а решение об отражении этого факта в бухгалтерском учете. Пользователи бухгалтерской информации заинтересованы в получении объективных данных о стоимости имущества организации.

Поэтому переоценка имеет особое значение в условиях инфляции, когда стоимость проекта восстановления значительно отклоняется от его первоначальной стоимости (историческая оценка). Чем больше в организации используется актив, тем более вероятно, что в течение этого срока его стоимость изменится. В соответствии с законодательством о бухгалтерском учете коммерческая организация может изменять первоначальную стоимость следующих основных средств при переоценке:

- группы однородных объектов основных средств по текущей стоимости. Переоценка проводится не чаще одного раза в год на конец отчетного периода;

- группы однородных нематериальных активов по текущей рыночной стоимости, определяемой только в соответствии с активным рынком этих объектов. Допускается проверка (тестирование) на предмет износа в порядке, определенном амортизация активов;

- долгосрочные финансовые вложения. Финансовые вложения, по которым можно определить текущую рыночную стоимость, отражаются в бухгалтерской отчетности на конец отчетного года по текущей рыночной стоимости. Финансовые вложения, по которым текущая рыночная стоимость не определена, проверяются на конец отчетного периода (тестируются) на предмет износа. При признаках износа создается резерв под амортизацию и эти финансовые вложения отражаются в бухгалтерской отчетности по оценочной стоимости;

- выгодные вложения в материальные ценности. Могут быть переоценены аналогично объектам основных средств. Переоценка инвестиций не предусмотрена нормативными правовыми актами по бухгалтерскому учету в основных средствах. Таким образом, переоценке подвергаются только основные средства, выгодные вложения в материальные ценности и нематериальные активы. Сравнивая условия переоценки объектов основных средств и нематериальных активов, можно сказать, что основным отличием по мере их переоценки являются пересчитанные показатели.

Переоценка нематериальных активов производится путем перерасчета их остаточной стоимости, а переоценка основных средств — путем перерасчета первоначальной (восстановительной) стоимости и накопленной амортизации. В остальном условия переоценки остаются идентичными. Износ активов представляет собой износ актива вследствие физического износа, морального устаревания, а также влияния других факторов. Амортизации активов посвящен отдельный стандарт используется для более точного, более надежного предоставления данных о финансовом положении компании, а также описывает процесс выявления случаев обесценивания активов и их отражения в учете, а также требования к раскрытию соответствующей информации в отчетности. Прежде всего, выявляются признаки износа, к которым относятся:

- моральное устаревание и физический износ;

- произошедшие или ожидаемые значительные изменения, негативно влияющие на компанию;

- износ актива в течение отчетного периода;

- значительные изменения в технологии, экономических условиях, законодательстве.

При признаках износа по специальной технологии будет выполнена уценка стоимости основных средств. Несомненно, вопросы амортизации основных средств требуют решения на методологическом уровне стандартного регулирования бухгалтерского учета.

Таким образом, учет доходов и расходов по стандартам бухгалтерского учета и по Международным стандартам финансовой отчетности в целом сопоставим, но все же существуют некоторые ощутимые различия, поскольку зачастую строится на разных основополагающих принципах, теориях и целях. Расхождения между отечественной системой бухгалтерского учета и международными стандартами приводят к значительным различиям между финансовой отчетностью, составляемой в Узбекистан и в западных странах.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Юлдашева М., Хўжаев Б. Темир йўл транспортида ишлаб чиқариш захиралари таҳлили ва динамикаси //Актуальные вопросы развития инновационно-информационных технологий на транспорте. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 181-184.

2. Палий В. Ф. Теория бухгалтерского учета: Современные проблемы. Общий обзор дискуссионных вопросов //М.: Издательство: Бухгалтерский учет. – 2007.

3. Поленова, С. Н. Международные стандарты учета и финансовой отчетности / С. Н. Поленова, Н. А. Миславская. — М.: Дашков и К, 2017.

УЎК: 336.1:336.22

ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МОЛ-МУЛКИГА СОЛИНАДИГАН СОЛИҚНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ

В.Г.Якубов, катта ўқитувчи, Фаргона политехника институти, Фаргона

Аннотация. Мақола юридик шахсларнинг мол-мулкни солиққа тортиш соҳасидаги муаммоларни аниқлашга бағишланган. Мол-мулкни солиққа тортиш соҳасидаги янгиликлари умуман солиқ ставкалари даражасида ҳам, солиқ базасини шакллантириш тартибида ҳам ушбу соҳадаги глобал тенденциялар ўрганилди. Мақолада кўчмас мулкни солиққа тортиш ислохотининг енг муҳим йўналишлари кўрсатилган бўлиб, улар кўчар ва кўчмас мулкни аниқ Қонунчилик билан фарқлаш, кўчмас мулкнинг кадастр қийматини оқилона аниқлаш, хорижий ва маҳаллий иқтисодий адабиётларда мавжуд бўлган ушбу йўналишдаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши кераклиги ўрганилди.

Калим сўзлар: солиқ; мол-мулк; мол-мулк солиғи; кўчмас мулк; солиқ ставкаси; солиқ имтиёзлари; солиқ солиш; кадастр қиймати.

Аннотация. Статья посвящена выявлению проблем в сфере налогообложения имущества юридических лиц. Инновации в области налогообложения имущества изучены мировые тенденции в этой области, как на уровне налоговых ставок в целом, так и в порядке формирования налоговой базы. В статье очерчены наиболее важные направления реформы налогообложения недвижимости, в которых изучена необходимость разграничения движимого и недвижимого имущества с учетом специфики законодательства, рационального определения кадастровой стоимости недвижимости с учетом изменений в этом направлении, которые присутствуют в зарубежной и отечественной экономической литературе.

Ключевые слова: налог; имущество; налог на имущество; недвижимость; налоговая ставка; налоговый вычет; налогообложение; кадастровая стоимость.

Abstract. The article is devoted to the identification of problems in the field of taxation of property of legal entities. Innovations in the field of property taxation global trends in this area have been studied, both at the level of tax rates in general and in the order of formation of the tax base. The article outlines the most important areas of real estate taxation reform, in which the need to distinguish between movable and immovable property, taking into account the specifics of legislation, rational determination of the cadastral value of real estate, taking into account changes in this direction, which are present in foreign and domestic economic literature, is studied.

Keywords: tax; property; property tax; real estate; tax rate; tax deduction; taxation; cadastral value.

Кириш. Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида тадбиркорлик эркинлик, халқчиллик, самарадорлик, манфаатдорлик каби муҳим тамойиллар асосида амалга оширилувчи, иқтисодиётни соғлом рақобат орқали ҳаракатга келтирувчи фаолият сифатида тан олинган. Шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам хусусий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш орқали ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этиш, аҳолини иш билан таъминлаш, миллий даромад ҳажмини кўпайтириш ва миллат фаровонлигини ошириш, мамлакат иқтисодий ўсишининг қўшимча манбаларини яратишдан иборат асосий мақсад кўзда тутилади.

Ҳозирги шароитда солиққа тортиш бўйича амалга оширилаётган изланишларнинг аксарият қисми юридик шахслардан ундириладиган солиқларга бағишланган бўлиб, жисмоний шахслар тўлайдиган солиқларни алоҳида чуқур ўрганишга бағишланган тадқиқотларни сезиларли деб бўлмайди. Хусусан, юридик шахслар тўлайдиган мол-мулк

солиқлари бюджет тизимида катта салмоққа эга бўлмасада, аммо, солиқ тизимида алоҳида аҳамиятга эгадир.

Юридик шахслар тўлайдиган солиқларни назарий жиҳатдан тадқиқ этиш, бир томондан ушбу солиқларнинг бюджет-солиқ тизимидаги аҳамиятини оширишга хизмат қилса, иккинчи томондан аҳолининг солиқлар хусусидаги фикрларини ижобий бўлишини таъминлайди. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, юридик шахслардан ундириладиган солиқларни алоҳида чуқур ўрганадиган илмий изланишларга эҳтиёж мавжуддир.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Солиқлар давлат бюджети даромадларининг марказий институти бўлганига ҳали 200 йил тўлгани ҳам йўқ. Инглиз иқтисодчиси С.Паркинсон сўзи билан айтганда: «Солиқлар кўхнадир - худди дунёдек, унинг юзага келишида қачондир бир маҳаллий кўмондан ўз худудида жойлашган дарё ёки тоғдан савдогар ҳамда саёҳатчи ўтса улардан ҳақ олиши сабаб бўлган» [5].

М. М Алексеенко фикрига кўра, «солиқлар бу-бир томондан таксимот элементи сифатида нархнинг бир қисми бўлса, бошқа томондан давлатнинг жорий этиш, таксимлаш, ундириш ва истеъмол этишга қаратилган функциясидир» [6]

Л. Миронованинг фикрига кўра, «солиққа тортиш жараёнида юзага келадиган муносабатлар солиқ ҳуқуқининг предмети ҳисобланади. Аммо бу қараш солиққа оид муносабатларининг барчасини ўз ичига олмайди» [8].

Э. Покачалованинг фикрига кўра эса «солиқнинг предмети юридик ва жисмоний шахслардан бюджет тизимида ва баъзи ҳолларда бюджетдан ташқари мақсадли фондларга солиқларни белгилаш ва ундириш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар» [9].

Тадқиқот методологияси. Мақолани ёзишда қуйидаги метод ва усуллар қўлланилди: тизимли ва омили таҳлил, функционал ва қиёсий таҳлил, ахборотни қайта ишлаш амалга оширилди.

Таҳлил ва натижалар. Мол-мулк бир юридик ёки жисмоний шахснинг маълум бир даврда эга бўлган маълум бойликларига дахлдор барча иқтисодий қийматликларининг пулдаги ифодасидир. Мулк деганда унумли ва унумсиз истеъмол буюмларини инсонлар томонидан ўзлаштиришнинг белгиланган ижтимоий усули тушунилади.

Солиққа тортиш мақсадида умум қабул қилинган мулк икки гуруҳга — кўчар ва кўчмас мулкка бўлинади. Кўчмас мол-мулкка ер майдонлари, уларда қад ростлаган иморатлар, бинолар ва бошқа муҳим иншоотлар киради. Ваҳоланки, кўчма мулк ўз навбатида сезиларли ва сезилмайдиган мол-мулкдан иборатдир.

Сезиладиган мол-мулкка дастгоҳлар, машиналар, ускуна ва жиҳозлар ҳамда транспорт воситалари кирса, сезилмайдиган мулкка акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар, патентлар ва бошқалар киради. Табиийки, сезилмайдиган кўчма мулкни ҳисобга олиш қийин, шу боис мол-мулкни солиққа тортишда кўчмас мулкка солинадиган ва сезиладиган деб аталмиш кўчма мулкка солинадиган солиқлар асос қилиб олинади.

Мол-мулклар (айниқса унинг кўчмас қисмини) солиққа тортиш вазиятни тўлов (рента) ундириш воситаси сифатида намоён бўлиб, муайян мулкка эгаликнинг ўзи ушбу мулкдан ва мулкдан фойдаланишга асосланган фаолиятдан даромад олиш учун мунтазам ва ўта қулай шарт-шароитларни ташкил қилган.

Мол-мулкни солиққа тортишнинг энг кўхна турларидан бири ер солиғидир. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек давлатчилик ривожланишининг дастлабки даврларида мол-мулк солиқлари, қоидага мувофиқ у ёки бу мол-мулкка эга бўлган мулкдорнинг даромадга эришишига олиб келиши лозим эди. Даромад келтирувчи асосий, баъзан эса ягона манба ер ҳисобланарди. Ўша пайтдаги кишлоқ хўжалиги экинларининг бир турдалиги, экинлар парваришининг жуда оддийлиги шароитида мулкда бўлган ернинг умумий майдони солиққа тортиларди.

Мол-мулкни солиққа тортишнинг навбатдаги назарий ва амалий муаммоси мол-мулк эгасининг тўловга қобиллиги (солиқни тўлашга қобиллиги)ни ҳисобга олиш керакми, агар керак бўлса, қай тарзда ҳисобга олинади, деган масаладан иборатдир.

Солиқларнинг классик назарияси, тўловчиларнинг солиққа қобиллиги биргина даромаднинг миқдори билан белгиланмайди, деб уқтиради, чунки биринчидан, соф даромадни аниқлашнинг ўзи муайян қийинчиликлар билан боғлиқ бу, айниқса, даромад бир неча манбадан олинса, яққол кўринадиган турли жараёнлар хилма-хил харажатни кўп талаб қилади, шу сабабли уларнинг ҳаммасини инобатга олиш ва уларнинг даромадга кўрсатадиган аниқ таъсирини аниқлаш ута машаққатли ва умуман мумкин эмас. Шу заруратда, кўпгина ҳолларда мол-мулк эгаларининг мулки миқдорига қараб, уларнинг солиққа қобиллиги эътиборга олинади. Иккинчидан, субъектив муносабатда, солиқларнинг таъсирчанлиги бир хил даромад кўрадиган субъектлар учун даромад турига кўра, ҳар хил бўлиши мумкин. Булар тўғрисида иқтисодий адабиётларда даромадларни уларнинг келиб чиқиш манбаига қараб, фундлашган (пассив) ва фундлашмаганга (актив) бўлиш расм бўлган [2].

Даромадлар ва мол-мулкни солиққа тортиш билан боғлиқ тўғри солиқлар иқтисодий адабиётларда солиқ тўловчининг мулкӣ ва ижтимоӣ мавқега кўра шахсий ва реал солиқларга бўлинади [10].

Шахсий солиқлар — солиқ тўловчининг мулкӣ ва ижтимоӣ аҳволига боғлиқ ҳолда белгиланадиган солиқлар бўлса, реал солиқлар — солиқ тўловчининг молиявий аҳволдан қатъий назар фаолият ёки товарларга, яъни мулк (хусусий мулк)ни сотиш, сотиб олиш, эгалик қилишга солинадиган [11]. Тарихан реал солиқлар, бевосита солиқларнинг энг қадимги ибтидоӣ шаклида бўлган. Мол-мулк солиғи дастлаб асосан реал солиқлар шаклида амалиётда юзага келган. Бунда, қоидага кўра, мол-мулкнинг алоҳида турлари турли солиқлар: ер, мол-мулк уй, хунармандчилик ва пул сармояси солиқларига тортилган. Реал солиқлар асосида ташқи белгилар ётиб, улар ер майдонининг миқдори, қурилиш қиймати ёки унинг ижара тўлови ва бошқалар ташкил қилган. Реал солиқларда бир хил мол-мулкка эга бўлган шахслар, бир хил миқдорда солиқ тўлаганлар.

Демак шахсий солиқлар солиқ тўловчи олинган ҳақиқий даромаддан тўланса, реал солиқларга у ёки бу солиққа тортиш предмети ҳисобланган (кўчмас мулк)дан муайян иқтисодий шароитларда олинадиган тахминий ўртача даромад солиққа тортилади. Аввало реал солиқларга мол-мулк солиққа тортилиб, ва бундан уларнинг инглизча «реал» номи келиб чиқади.

Таниқли рус тадқиқотчи А. Тривус реал солиқларга қуйидагича таъриф беради: «Реал солиқлар (у ёки бу объект — ер, корхона, уй, пул тарзидаги сармоя тўловчига таълиқлиги омили бўйича) солиққа тортиладиган мулкнинг аниқ белгилари бўйича аниқланади, бу белгилар амалда тўловга қобиллик ҳақида эмас, балки меъёрий, «тахмин қилинадиган» тўловга қобиллик тўғрисида фикр юритиш имконини беради.»[3].

Демак агар мол-мулкни солиққа тортиш реал солиққа тортиш тамойилига мувофиқ қурилган бўлса, унда ҳар бир алоҳида олинган мол-мулкнинг, умумий сони ва ҳажми, унинг умумий қийматидан қатъий назар ҳамда тўловчининг молиявий аҳволини ҳисобга олмасдан солиққа тортилади. Шахсий белгилар асосида қурилган мол-мулк солиғида эса, алоҳида олинган мол-мулк эмас, балки унинг умумий миқдори солиққа тортилади. Мол-мулк солиғидан ижтимоӣ эҳтиёжларни қондирувчи мол-мулк озод қилиниш мумкин. Реал солиққа тортиш ўн тўққизинчи асрнинг охири ва йигирманчи асрнинг бошларида устувор бўлиб, кенг миқёсда қўлланилган.

Мана шу даврдаёқ олимлар унинг камчиликларини кўрсатиб бердилар. Хусусан, олим Г.Садовский бу ҳақда шундай ёзади: «Ер ва уй-жой солиғи энг бой соҳиблардан ҳам, на бир қарич ерга ва на қурилишнинг битта ғиштига ҳам эгалик қила олмайдиган шахслардан ҳам бир хил ҳажмдаги фоизларда ундирилган» [4]. Юқорида санаб ўтилган камчиликлар солиқ тўловчининг тўловга қобиллигини ҳисобга олувчи даромад солиғининг жорий этилиши ва ривожлантирилиши ҳамда унга қўшимча мол-мулк солиғи киритилиши билан баргараф этилди.

Реал солиқларни ҳисоблаб чиқаришда одатда мол-мулкнинг ўртача даромадлиги асос қилиб олинади. Шу боис мулкдорларни солиққа тортишдаги бир текислик кадастрлар (айниқса, ер кадастри) тизимига суянувчи яхши ташкил этилган баҳолашдагина

таъминланиши мумкин. Бунинг учун корхоналар ва аҳолининг мол-мулкида кучли табақаланиш бўлмаслиги лозим.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ Ўзбекистон Республикасида 1991 йил 15 февралдаги «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинadиган солиқлар тўғрисида»ги Қонуни асосида жорий этилган [7]. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси асосида тартибга солинади [1].

Хулоса ва таклифлар. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ асосан жойлардаги маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини шакллантириб, солиқ тўловлардан ундирилган солиқ суммаси тенг улушларда маҳаллий бюджетларга ўтказилади. Бир қанча иқтисодчилар мол-мулк солиғини ва бошқа ресурс тўловларини анча оширишни ва унинг ўрнига фойдага солиқ юқини камайтиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисобламоқдалар. Мазкур нуқтаи назар шунга асосланадики, яъни мол-мулк эгалари мол-мулкка, шу жумладан, асосий фондлар солиқлар миқдори оширилган вазиятда улардан фойдаланиш самарадорлигини ўстиришга интиладилар, бу эса ўз навбатида ишлаб чиқаришнинг ўсишига олиб келади. Мол-мулк солиғини солиқ тизимида жорий қилинишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатди.

Биринчидан, солиқларни ундиришнинг бош сабабчиси-давлат тақдим этадиган хизматларни молиявий ресурслар билан таъминлашдир. Шунга кўра мол-мулк солиғи солиқлар тизимида ҳар бир солиқ каби давлат бюджетининг манбаи ҳисобланади.

Иккинчидан, солиқларни ундириш асосан даромад ва мол-мулкни тақсимлаш сингари ижтимоий вазифаларни таъминлашга қаратилган. Бу нарса катта миқдордаги мулкдорлар билан кичик мулкдорлар мол-мулки ўртасидаги номувофиқлигини давлат молиявий ресурслари билан таъминлашдан кўра силлиқлаш имконини беради.

Учинчидан, бозор муносабатлари шарт-шароитларида мол-мулк солиғининг жорий қилиниши республика солиқ тизимининг жаҳон ва Европа солиқ тизимларига яқинлашуви бўлди.

Юридик шахсларнинг мол-мулкларидан солиқ ундириш механизми юзасидан қуйидаги таклифларни келтириш мумкин:

1-таклиф. Мол-мулк солиғининг рағбатлантирувчилик хусусиятини ошириш мақсадида илмий асосланган солиққа тортилмайдиган минимумни жорий этишдир. Бизнингча бу минимумнинг жорий этилиши эндигина ўз фаолиятини бошлаган, иқтисодиёт учун муҳим тармоқда фаолият юритаётган корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятини бирмунча яхшилашга хизмат қилган бўлар эди. Корхона имтиёздан бўшаган маблағни ишлаб чиқаришга қайта ташлаши натижасида эса унинг келгусидаги солиқ базасини кенгайтирилишига эришилган бўлар эди. Келгусида солиққа тортиладиган базанинг кенгайишидан эса давлат бевосита манфаатдордир. Бугунги кунда эса ривожланган мамлакатларда бу амалиётдан кенг миқёсда фойдаланилади.

2-таклиф. Солиқ ставкасини, даврий қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда белгилаш (камайтириш). Бу бир томондан солиқ тўловчининг тўловга қобиллигини ҳамда иккинчи томондан солиққа тортиладиган мол-мулк миқдорини ҳисобга олишни тақозо этади.

3-таклиф. Амалдаги қоидаларга кўра ҳозирда мол-мулк солиғи тўловчиларнинг аксарияти бир хил даражадаги солиқ ставкаси бўйича солиққа тортилаётир. Бу, ўз навбатида, солиқ тўловчиларга нисбатан бир хил ёндашилаётганлигидан далолат беради. Солиқ тўловчиларга нисбатан бир хил талаб қўйилиши, ўз навбатида, уларнинг барчаси бир хил шароитга эга бўлган тақдирда ўз маъносига эгадир. Шунинг учун, мол-мулкдан олинadиган солиқ ставкасини солиқ тўловчилар мол-мулкни қайта баҳолаш натижалари ва самарадорлик даражасини ҳисобга олган ҳолда белгилаш мақсадга мувофиқдир.

4-таклиф. Бизнинг назаримизда мол-мулкни солиққа тортиш тизимини такомиллаштиришнинг иккинчи босқич бўлиб, бунда солиққа тортиш мақсадида ягона объектни ўрнатилиши бўлиши мумкин, у ягона солиққа тортиладиган мажмуа сифатида, солиққа тортиладиган база ўз ичига ер участкаларини (шартли равишда ернинг баҳосини ишлаб чиқиш билан) ва асосий фондларни қийматини олиб, бир хил солиққа тортиш базасига

эга бўлган ер ва мол-мулк солиқларини объектини (кўчмас мулкка) бирхиллаштиришдан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси» (янги таҳрири) , 2019 йил 30 декабрь.
2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. — Т: «Ўзбекистон» НМИУ, 2019. — 61 б.
3. Пушкарева В.М. История финансовой мысли и политики налогов. –М.:Финанси и статистика, 2003.
4. А. М. Аманов, Х. Н. Джамалов. Солиқ ҳуқуқи. (Ўқув қўлланма). - Т.: «Ниҳол принт» ОК, 2021. - 320 б.
5. Паркинсон С. Закон и доходы. - М.: ПКК "Интерконтакт", 1992. - с.14-15.
6. Алексеенко М. М. Взгляд на развитие учения о налоге. Харьков, 1870, с. 25.
7. Tohirovich, Q. N. (2021). International financial accounting standards in Uzbekistan. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(4), 328-333.
8. Qudbiyev, N. T., Axmadaliyeva, Z. A., & No, D. M. O. G. L. (2022). Soliq yukining biznes uchun ahamiyati. *Scientific progress*, 3(3), 699-708.
9. Жванько, А. Н. Подоходный налог физических лиц в Республике Беларусь: развитие, роль в экономике и мероприятия по совершенствованию / А. Н. Жванько, Н. С. Лещинский // *Экономика и социум*. – 2016. – № 5-1(24). – С. 718-725. – EDN WHOKZB.
10. Temirqulov, A., & Qudbiyev, N. (2022). Iqtisodiy rivojlanish maqsadlarini amalga oshirishda soliq siyosati o'rnini. *Journal of Integrated Education and Research*, 1(2), 121-127.
11. Анидалов, А. Ю., & Петрашенко, Д. А. (2011). Налогообложение как основа финансирования здравоохранения различных стран. *Инновационная экономика: информация, аналитика, прогнозы*, (1), 47-48.

АРХИТЕКТУРА ФАНЛАРИ

UO'K 711

**LANDSHAFT ARXITEKTURASINING ZAMONAVIY USULLARI YORDAMIDA
SHAHAR MUHITINI SHAKLLANTIRISH**

A.Q. Narziyev, o'qituvchi, Jizzax Politexnika Instituti, Jizzax
A.M. Abdullayev, o'qituvchi, Jizzax Politexnika Instituti, Jizzax

Annotatsiya. Mamlakatimizni modernizatsiya qilish va yangilashni izchil davom ettirish-davr talabidir. Bugun Samarqand shahrini ulkan qurilish maydoniga qiyoslash mumkin. Shaharning ko'plab ko'cha va xiyobonlarida keng ko'lamli bunyodkorlik-qurilish, obodonlashtirish ishlari olib borilmoqda.

Belgilangan vazifalardan kelib chiqqan holda yuqorida ta'kidlangan muammoning echimlarini topish va uni hayotga o'g'ishmay joriy qilish respublikamiz va Samarqand shahri arxitektorlari va bu soha mutaxassislari oldiga katta vazifalar qo'ydi. Ana shu vazifalardan kelib chiqib va aholining yashash joylarida sog'lom turmush tarzini shakllantirish, ularning dam olishlari uchun atrof muhit me'moriy-landshaft echimlarini zamonaviy talablar darajasiga ko'tarish, ayniqsa jahon turistik shaharlari tizimiga kirgan Samarqand shahrining tashqi qiyofasi, ochiq muhitlar arxitekturasini yanada takomillashtirish yo'lida ayrim takliflar keltirilgan.

Kalit so'zlar: Samarqand, mikroiklim, landshaft, bosket, geoplastika, rabatkalar, miksborderlar.

Аннотация. Последовательное продолжение модернизации и обновления нашей страны – веление времени. Сегодня город Самарканд можно сравнить с огромной строительной площадкой. На многих улицах и проспектах города ведутся масштабные работы по строительству и благоустройству.

Исходя из поставленных задач, найти решения вышеназванной проблемы и реализовать их, не отклоняясь в жизнь, поставили большие задачи перед архитекторами нашей республики и города Самарканда и специалистами в этой области. Исходя из этих задач, формирование здорового образа жизни в жилых массивах населения, поднятие до уровня современных требований экологических архитектурно-ландшафтных решений их рекреации, особенности облика города Самарканда, входящего в состав система мировых туристических городов и архитектура открытых сред. Представлены некоторые предложения по улучшению.

Ключевые слова: Самарканд, микроклимат, ландшафт, боскет, геопластика, грядки, смешанные бордюры.

Abstract. Consistent continuation of modernization and renewal of our country is a requirement of the times. Today, the city of Samarkand can be compared to a huge construction site. Many streets and avenues of the city are undergoing large-scale construction and beautification works.

Based on the set tasks, finding solutions to the above-mentioned problem and implementing it without deviating into life have set great tasks for the architects of our republic and the city of Samarkand and experts in this field. Based on these tasks, the formation of a healthy lifestyle in the residential areas of the population, raising the environmental architectural and landscape solutions for their recreation to the level of modern requirements, especially the appearance of the city of Samarkand, which is part of the system of world tourist cities, and the architecture of open environments. Some suggestions for improvement are given.

Keywords: Samarkand, microclimate, landscape, bosket, geoplastics, beds, mixed borders.

Kirish. Samarqand shahri landshaft arxitekturasining bugungi holatiga xolisona baho berish, uning kelajakdagi taraqqiyotini to'g'ri belgilash uchun bu sohada qo'lga kiritilgan yutuqlar va yo'l qo'yilgan kamchiliklar tahlil qilinishi, umumlashtirilishi va tegishli xulosalar chiqarilishi kerak. Biz mazkur maqolaning tadqiqot obyektlarini, predmetini, maqsadini belgilashga va mavzuning dolzarbligini asoslashga muayassar bo'ldik.

Ilmiy uslub. Muammoning hozirgi holatini tahlil qilish, bu sohada qo'lg'a kiritilgan yutuqlar, vatanimiz va xorijiy tajribalarni o'rganish va umumlashtirish. Mavzuga doir maxsus adabiyotlar, davlatimiz qonun va farmoyishlarini, me'yoriy-normativ adabiyotlarni o'rganish va umumlashtirishdan iboratdir.

Tadqiqotda statistik, qiyosiy, internet va arxiv materiallari, floristikani interyerda tashkillashtirish, interyer rejaları, xorijiy tajribalarni o'rginib vatanimiz tajribalarida foydalanish, ularni grafo-analitik usulda tadqiq qilish kabi tadqiqot usullari qo'llanilga. Inson hayoti doimo tabiat bilan uzviy bog'liqqi, u o'simliklar hayoti bilan ham bog'liqdir.

Ilmiy natija. Bugungi kunda landshaft arxitekturasining sifatiga qo'yiladigan talablar ortib bormoqda. Jumladan, iqtisodiy, ijtimoiy-demografik, me'moriy-badiiy va tabiiy-iqlim sharoitlarini hisobga olish bilan bog'liq bo'lgan hamda ekologiya, sanitariya-gigiena va estetik talablar. Ana shu talablar majmui shaharlar muhiti va ularning landshaft arxitekturasini echimlarining shakllanishidagi o'ziga xos zamonaviy omillar sifatida ro'yobga chiqmoqda.

Tadqiqotning asosiy ilmiy natijalari quyidagilardan iborat:

-binolarni shakllantirishga yondashuvni shahar muhitini tabiat qurshoviga integratsiyalash (yaxlit holga keltirish) nuqtai nazaridan o'zgartirildi;

-landshaft arxitekturasining zamonaviy usullari va yashil kompozitsiyalar: soliterlar, guruhlar, qatorlar, massivlar, tik ko'kalamzorlashtirish kompozitsiyalari, gulzorlar va maysazorlarni shakllantirish usullari va ularni qo'llash bo'yicha amaliy tavsiyalar berildi;

-me'morchilik obektlari tarkibiga kiruvchi o'simliklar, Samarqand shahri obektlari misolida, yaxlit landshaft-me'moriy hudud yaratish maqsadida geoplastika (relef) va suv havzalarining shakllarini qo'llab loyiha taklif ishlab chiqildi.

Munozara: Birinchi talab shunda ediki, shahar dizayni mavjud inshootlar kompleksini, kishilarning ko'zi tushadigan joylarni badiiy-estetik go'zal, betakror va o'ziga xos mohiyatli qilishi lozim. Qad ko'tarayotgan inshootlar sonining oshishi bilan ularning tashqi ko'rinishiga, badiiy-estetik jixatlariga talab ham ko'paydi, ya'ni o'tgan davrda an'anaga aylangan temir-beton inshootlarni qurishga badiiy-estetik ko'rinish, bezash lozim bo'ladi. Masalan, o'tgan asrda Samarqandda qurilgan temir-beton uylarda deyarli hech qanday badiiy-estetik mohiyat ko'zga tashlanmaydi.

Ikkinchidan daraxtzorlar shahar muhitidagi issiqlikni me'yorida boshqaruvchi samarali vositadir. Daraxtzorlarning mikroiklimiy samaradorligi joyning maydoniga, daraxtzorlarning nasliy tarkibiga, qiyalikning zichligiga bog'liqdir.

Eng yuqori mikroiklimiy samara va havo haroratining o'zgarishi o'rmonzor parklarda kuzatiladi. Mikroiklimiy samarani kuchayish tezligi joylarning maydoniga bog'liq, shunday eng maqbul o'lchamlar mavjudki, ularning kamaytirilishi havo haroratini kamaytirish nuqtayi nazaridan maqsadga muvofiq emas. Bu xulosalar o'rmonzor parklar o'lchamlarini aniqlashda muhim ahamiyatga ega.

Katta bo'lmagan daraxtzorlar er maydonlarida qulay muhitga ega bo'lgan zonalar maydonning sezilarsiz qismini egallaydi, maydonning kattalashtirilishi bilan esa bu zona ham o'sadi. Sharoitlarning qulayligi havoning harakatchanligiga bog'liq. Yozgi yuqori haroratlarda havo harakatining hatto sezilarsiz harakati ham ijobiy ta'sir ko'rsatadi, lekin kuchli shamol noqulaylikni keltirib chiqaradi. Shuning uchun turli xildagi daraxtzorlarni shamol tezligiga ta'sirini hisobga olish kerak.

Landshaft dizayni obyektlarini shakllantirishda landshaftning muhim elementlari va asosiy vositalari **o'simliklar** hisoblanadi. O'simliklarni joylashtirishga oid ayrim usullarni misol keltirish mumkin:

Rabatkalar—bu to'g'ri burchakli, uzunligi enidan uch marta va undan katta bo'lgan maydonchadir. Rabatka eni 0,5-3 m, ko'p hollarda 1-1,5 m bo'ladi. Davomiyligiga, ekinzor turlari, bezatilishi, to'silishiga ko'ra rabatkalar klumbalarga o'xshaydi. Rabatkalar hiyobonlar atrofida, binolar oldida (bir tomonlama rabatkalar), yoki hiyobon o'rtasida (ikki tomonlama rabatkalar) joylashtiriladi.

Miksbordyurlar(aralash rabatkalar) deb asosan ko'p yillik o'simliklardan tashkil topgan, bir-biriga yaqin joylashtirilgan, to'g'ri va noto'g'ri shakl berilgan o'simliklar guruhining keng

qamrovli maydonchalariga aytiladi. Miksbordyurlardagi o'simliklar guruhlarini turlariga qarab shunday tanlanadiki, unda erta bahordan to kech kuzgacha gullash jarayoni davom etadi.

Bosketlar – geometrik shaklga ega bo'lgan yopiq joylar, maydonchalar, yashil to'siqlar yoki yashil devorlar bilan to'silib, ularning ichki qismida favvoralar yoki gulzorlar joylashadigan manzara. Geometrik uslubda ekilgan, maxsus shakl berilgan ko'p qatorli (8 ta va undan ko'proq) tig'iz ekinzorlarni ham bosketlar deb atash mumkin.

Xulosa: shaharni bog'lar va parklar, ko'kalamzor ko'chalar va hovlilarsiz tasavvur qilish qiyin. Yashil ekinlar, ochiq muhit nafaqat yashash joylaridagi mikroiklimni yaxshilaydi, ular shahar atrof-muhitining zarur estetik elementlari bo'lib ham xizmat qiladi. Tabiiy landshaft elementlari - shahar strukturalarning asosiy va ayni paytda muhim tarkibiy qismidir.

1. Shahar landshaft arxitekturasi tabiiy qismlariga quyidagilar kiradi: yashil dunyo (daraxt va butalar, gullar, maysalar, toklar), suv dunyosi (hovuzlar, sharshara, buloqlar, ariqlar), er, ya'ni joy reliefi (qir, adirlar, tekisliklar), iqlim va mikroiklim, tuproq.

2. Shahar landshaft arxitekturasining vizual-fazoviy uyg'unligini o'rganishda tashqi obodonlashtirish elementlari alohida o'ringa ega. Tashqi muhitni obodonlashtirish deganda biz odatda mo'jaz ma'noda, ya'ni boshqa inshootlarga nisbatan hajman va funksiyaviy imkoniyatlari kichik bo'lgan turli xil dekorativ va utilitar funksiyalarga mo'ljallangan, hajmi jihatidan uncha katta bo'lmagan kichik me'moriy obyektlarni tushunamiz. Bunday obyektlar qatoriga, odatda, tashqi muhitni obodonlashtirish elementlari va inshootlari, shuningdek dekorativ inshootlar va shakllar ham kiradi. Ularga haykallar, dekorativ hovuzlar, devorlar, favvora va shalolalar, turli xil ko'shk-kioskalar, pavilonlar, transport bekatlari, bog'-park yoki muassasalar uchun darvozalar, to'siqlar, bolalarning o'yin maydonlari, savdo rastalari, do'konlar, kichik ko'rgazma zallar, muzqaymoq va sharbat qahvaxonalari, ovchilar uyi, dala shiyponlari kabi kichik me'moriy obyektlar misol bo'la oladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Hamidjanov M.H. Kichik me'moriy shakllarni konstruksiyalash. Toshkent, 2013.
2. Jonas Lehram. Water in the mutual Gardens. The Canadian Architect/November-India, 1997.
3. Uralov A.S., Sadikova S.N. O'rta Osiyo an'anaviy "CHorbog'" uslubi va zamonaviy bog'-park san'ati. Toshkent, 2012.
4. Berdiev E.T., Xolmurotov M.Z., Maxmudova G.B.. Manzarali bog'dorchilik va ko'kalamzorlashtirish. Toshkent, 2017.
5. Qalandarov M.M. Ko'kalamzorlashtirish ishlari. Toshkent, 2013.
6. Raximov K.D., Uralov A.S. SHarq mamlakatlarining bog'-park san'ati. Toshkent, 2012.
7. Uralov A.S., Jonuzoqov A.E., Balgaeva SH.A. O'zbekiston qishloqlarida landshaft arxitekturasini rivojlantirishning zamonaviy yo'nalishlari (Samarqand viloyati misolida). Samarqand, 2015.
8. Raximov K.D. Bog'-parklarni loyihalashning zamonaviy yo'nalishlari. Toshkent, 2016.
9. Hamidjanov M.H. va boshqalar. Landshaft arxitekturasi qurilmalari va dizayni. Samarqand, 2016.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

**№2/2 (98)
2023 й., февраль**

Ўзбекча матн муҳаррири:
Русча матн муҳаррири:
Инглизча матн муҳаррири:
Мусахҳиҳ:
Техник муҳаррир:

Рўзметов Дилшод
Ҳасанов Шодлик
Мадаминов Руслан, Ламерс Жон
Ўрозбоев Абдулла
Шомуродов Журъат

“Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси” Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Хоразм вилоят бошқармасида рўйхатдан ўтган. Гувоҳнома № 13-023

Теришга берилди: 06.02.2023
Босишга рухсат этилди: 14.02.2023.
Қоғоз бичими: 60x84 1/8. Адади 70.
Ҳажми 7,7 б.т. Бюртма: № 2-Т

Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими
220900, Хива, Марказ-1
Тел/факс: (0 362) 226-20-28
E-mail: mamun-axborotnoma@academy.uz
xma_axborotnomasi@mail.ru



(+998) 97-458-28-18